

ХОЛИДА АҲРОРОВА

**ЎТГАНИ ЮРАКДАН
ЎТДИ**

ТОШКЕНТ — 2003
“ИЖОД ДУНЁСИ” НАШРИЁТ УЙИ

9(c52) + y32

**Ўзбекнинг ўзлигини танитган,
ёрқин истиқбол йўларини
белгилаб берган, қаддимизни тиклаб, бизни дунёга
танитаётган Ўзбекистон республикаси мустақиллигига
бағишлайман**


Муаллиф

Таниқли адиба Холида Ахророванинг сўнгги йиллардаги ижодий изланишлари самараси бўлган мазкур китоб ўзбек халқининг собиқ совет тузуми қатагон сиёсатининг қурбони бўлган етук фарзандлари, ватанпарвар зиёлиларининг аянчли қисматларидан ҳикоя қилади.

Ўйлаймизки ушбу китоб миллий тараққиётимиз ва истиқлолимиз йўлида жон фидо қилган табаррук зотларнинг ҳурмат ва эҳтиромини ўз ўрнига қўйиш борасидаги мустақил давлатимиз сиёсатининг амалдаги ижобати ўлароқ, юртимиз келажаги бўлган ёшларнинг маънавий шаклланишида, уларнинг ватанпарвар, мард ва халқ равнақи учун фидойи кишилар сифатида камол топишида муҳим аҳамият касб этади.

1029230
2.92

© Х.Ахророва, Ўтгани юракдан ўтди.
“Ижод дунёси” нашриёт уйи, 2003.



АССАЛОМУ АЛАЙКУМ, АЗИЗ ЎҚУВЧИМ!

Яна ҳужжатгоҳдаман. Мана, неча йилдирки ҳар куни тонг билан— худди ишга боргандай ҳужжатгоҳга йўл оламан ва кун бўйи яқин тарихимиз саҳифаларини варақлаб бошлайман. Бу саҳифалардан нималарни излайман? Нималарни қидираман ва нималарни топдим? Менга нима керак ўзи?

Аслида ҳамма-ҳаммаси соғинчдан, ўксиклик ва хўрликлардан бошланди.

Ҳаётимнинг энг бахтиёр дамларидан бирида — аёзли куз тонгида эл қатори ишга кетган отажоним шу кетганча бедарак йўқолганлар. (У чоқларда 1930 йилнинг ноябрида отам Саид Аҳрорий Самарқанд шаҳар молия-иқтисод техникумида дарс берардилар.)

Ўксик дил нолаларини мен айтмайин-у, бошқалар эшитмасин: етим бўлгангина билар етим аҳволини, — дейдилар.

Ахийри, олтмиш йил бедаракликдан сўнг, уч яшар қизалоқ олтмиш уч ёшга тўлиб нафақага чиққан чоғимда — 1990 йилларга келиб топдим отам изини. Менинг отам муаллим, ёзувчи ва дипломат Саид Аҳрорий Ўзбекистоннинг мустақиллиги учун кураш борасида фидойилик кўрсатган истиқлол одами бўлган эканлар.

Мен ҳужжатгоҳларда илк ўрганганим маълумотлар “Мунавварқори Абдурашидов, Салимхон Тиллахонов ва бошқалар” дея номланган 20 жилдлик жиноят иши бўлиб, бу ҳужжатлардан шунини билдимки, юртимизда Ватанимизнинг мустақиллиги учун курашган фарзандлари “Миллий истиқлол” деб номланган уюшмага бирлашган эканлар.

Ўрганган ҳужжатларимнинг шохидлик беришига кўра бу ҳаракатдан хабар топган Шўро Ҳукумати Давлат Сиеёсий Бошқармаси “Миллий истиқлол”чилар изига тушган, 1929—30 ва 1931 йиллар ичида бу ҳаракатнинг 87 аъзосини ҳибсга олган, улар орасидан ўн беш нафарини қамаган ва 1931 йилнинг 25 аперилада улар РСФСР

Жиноят Мажмуасининг 58-моддаси турли бандлари билан отувга ҳукм этилганлар. Ҳукм 1931 йилнинг 23 май куни қисман Москва шаҳрида ижро этилган. Бу отувга ҳукм этилганлар орасида менинг отаи бузрукворим Саид Аҳрорий ҳам бўлган эканлар, улар 36 ёшида отиб юборилган эканлар.

Юртимизнинг элим деган ватанпарвар ўғлонлари бошига тушган бу фожиа жону жаҳонимни ўртади ва мен бошимдан кечирганларим аянчли мусибатлар, ватандошларимизнинг бу фожиаи кечмишлари ҳақида элга сўзлаб бериш ниятида қўлимга қалам олдим. Шу-шу қисмати фожиаи якун топган ватандошларимиз Мунавварқори Абдурашидов, Салимхон Тиллахонов, дийдорига тўймаганим отам — Саид Аҳрорий, Германияда ўқиб келгани учун жосус деб айбланган Омонулла Нусратуллаев ҳамда Саттор Жабборлар ҳақида “Изларини излайман” деган рисола чоп этдирдим.

Аммо ҳужжатгоҳлардаги фаолиятим мана неча йилдирки ҳамон давом этаётир. Мен бу улуғ зотларнинг бу кураши маъно-моҳиятини англаб етишга ҳаракат қилдим ва англаб етдим.

Тергов давомида нима сабабдан бу кураш йўлига кирганликлари ҳақидаги саволга жавоб беришар экан, аввал бошда совет воқелигини қўллаб-қуватлаганлар ва кейинчалик Совет ҳокимияти олиб борган шовинистик сиёсатдан кўнгиллари қолиб, қуллик исканжасидан қутилиш йўллари излаганликларини англайман.

Лекин Давлат Сиёсий Бошқармаси: “Сенлар шохда юрсангиз биз баргида юрамиз” қабилида иш юритиб, истиқлол йўлида фаолият олиб борганларни бир-бир териб олиб, ҳибсга тикқан эканлар.

Замона бошқа бўлиб ҳуррият офтоби бошимиз узра балқигач мустақил республикамиз ҳукумати муштамлақачилик даври қурбонлари хотирасини адабийлаштириш бўйича жамоатчилик комиссияси ташкил этди. Бу комиссия зиммасига қатағон даври қурбонлари бўлган ватандошларимиз ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, хотирасини абадийлаштириш юзасидан фаолият юритиш вазифасини юклади. Камина ҳам шу комиссияга киритилган бўлиб, менинг ҳам зиммамга катта бурч юкланди деб англадим ва бу топшириқни бажармоққа ўзимни камарбаста билдим.

Ушандан бери мустақил диёримизда бу борада қанчадан-қанча хайрли ишлар амалга оширилди... Тошкентнинг Юнусобод туманида бўлаб оққан Бўзсув сойи соҳилида қатагон қурбонлари — мустабид тузум замонида мустақиллик учун кураш йўлида шаҳид кетган — кафансиз ва жанозасиз ўраларга кўмиб юборилган фидойи ватандошларимиз руҳи покига эҳтиром юзасидан мустамлакачилик даври қурбонлари хотира мажмуъи бунёд этилди. Бу мажмуъа билан ёнма-ён яна бир кўркем бино қад ростлаб, маҳобатли музей барпо этилди. Шу қурбонлар ёдини келажак авлод қалбида сақлаб қолмоқ ниятида барпо этилган бу музейда мустақилликка эришиш йўлида кураш тарихи кўзгудагидек акс этдирилди — юртимизнинг етти ёшидан етмиш ёшигача бўлган фуқаролари бу кураш тарихини ўрганишига имкон яратилди.

Мустамлакачиликка қарши курашда халқимизнинг асл ўғлонлари қатл этилганидан буён ҳам неча-неча йиллар ўтди. Бу йиллар мобайнида ҳужжатгоҳларнинг ёпиқ эшиклари очилиб қаламкашларга фаолият олиб бориш, очиқ ҳақиқатни бўй-баста билан тиклаш имконияти пайдо бўлди ва мен ҳужжатлар шоҳидлигида неча-неча ватандошларимизнинг фожиаи қисматидан хабар топдим. Мустақил диёрда ёшларимизни ижтимоий адолат тантанасига ишонч руҳида тарбият этмоққа ўз улушимни қўшмоқ ниятида мустабид тузум қурбони бўлган юртдошларимизнинг фожиаи тақдири ҳақида мақолалар чоп этдирдим. Мустақил юртимиз меҳнат аҳли Республикамиз Президенти раҳбарлигида бу борада олиб бораётган улуғ, беғараз ва савобли ишларда беҳоли қудрат ҳисса қўша олиш имкониятига муяссарлигим билан бахтиёр ҳолда бу борадаги саъйи-ҳаракатларимнинг айрим саҳифаларини Сизларга тақдим этаман.

Ҳар тонг нонуштадан сўнг ўғил-қизларим, набираларим даврасида, одагимга кўра, фотиҳага қўл очиб, истиқлол йўлида шаҳид кетган ота-боболаримиз ва юртдошларимизнинг жойлари жаннатдан бўлишини, юртимиз кўкида истиқлол офтоби мангу порлашини тилайман.

Холида АХРОРОВА

ҚИЗИЛ ТЕРРОР ҚУРБОНЛАРИ

Тасодифнинг шакли шамойили бўлганда эди, унга ҳайкал қўймоқ керак бўлар эди. Тасодиф туфайли мен олтмиш йил мобайнида бедарак кетган отамнинг фожиали тақдиридан огоҳ бўлдим. Яна шу тасодиф сабаб, шўро замонида ўн йил ўрта мактабда, беш йил олий билимгоҳда ва яна Москвада олий партия мактабида ўқиб ҳам эшитмаган, билмаган ва тарих дарсларида-ю Ўзбекистон қомусида тилга олинмаган яқин тарихимиздан, ногаҳон огоҳ бўлдим. Бунинг учун адашган бир бандасининг кўзини очган, ёруғ оламга очиқ кўз ила қараш томон бошлагани учун жумлаи жаҳонни яратган парвардигори оламга беадад шукр қилдим. Уч ёшимда — 1930 йилда (у чоқлар биз Самарқандда Махдум Хоразмий кўчасидаги 4-ҳовлида истиқомат қилганмиз) эрта билан ишга кетган отам — муаллим, ёзувчи, журналист ва дипломат Саид Аҳрорий шу кетганча бедарак йўқолган ва мен олтмиш уч ёшга етганимда отагинамнинг кўзимга суртишни зор-зор кутган изларини топдим.

Топдим... Лекин мен ҳозирча отамнинг фожиали қисмати ҳақида тўхталмоқчи эмасман, балки ўзбек халқининг бир гуруҳ миллатпарвар фарзандларининг мустақиллик учун олиб борган курашининг айрим лавҳалари устида (имконият қадар) тўхталиб ўтмоқчиман. Билинг ва огоҳ бўлингким, истиқлол бизга осонликча келган эмас. Биздан аввал ўтган аждодларимиз бу йўлда қаттиқ кураш олиб борганлар. Аввалига Чоризмнинг, шўро даврида эса қизил империянинг бедодлигига қарши кураш олиб борганлар. Бу ҳаёт-мамот кураши эди.

Қуйидаги ҳикоя ўша тенгсиз курашда бежаноза ва бекафан шаҳид кетган аждодларимиз ҳақида.

Ёш қайтгач ҳаловатинг бўлса экан... Ҳамма нарсанг бўлса-ю, ҳаловат топмасанг қийин — жудаям қийин. Ота-боболаримиз доно-да: топиб-топиб гапиришган. Ҳар сўзлари нақ қуйма олтин. Ҳар гал фотиҳага қўл очганда, аввало тани сиҳатлик ва хотиржамлик тилашда гап кўп экан. Лекин ёши қайтган кимсада қайда у сиҳатлигу, қайда — қайларда у хотиржамлик... Бутун оламнинг ташвиши сенинг бошингда гўё...

Бугун яна тинчимни йўқотдим.

“Нега? Нега? Нега?” — дея сўроқлайман ўзимни. “Ахир юртинг тинч, оилангда хотиржамлик. Сенга яна нима керак? — дея ўзимга ўзим дашном бераман. — Ҳа, юртинг тинч, катта байрам арафасида бутун элинг. Байрамларнинг байрами — энг олий байрам эшик қоқиб турибди. Истиқлол байрами. Мустақиллигимизнинг байрами... Шундайин бир байрам арафасида бўлсаг-у нега энди қалбим ёнади-ю, юрагим нега алғов-далғов? Ўқсик кўнглим нега бунча нотинч?..”

Бунинг сабаби бор, албатта, ҳа, сабаби бор. Ахир ялпи байрамлардан иборат эмас-ку ҳаётимиз. Нега қалбим ёнамасин-у, кўнглим армонлардан ўртанмасин?! Ахир бу байрамларга кимлар етди-ю, кимлар етмади...

Шундай ҳаёллар билан ўртанарканман кўз ўнгимдан Туркистонни мустақилликка олиб чиқиш учун жон куйдирган оталаримиз ўтади. Улар Туркистонни озод, эркин кўриш, ҳурриятга эришмоқлик учун озмунча жон куйдирдиларми? Етолмаган орзу-умидларини фарзандларига исм қилиб бердилар: Озод, Эркин, Ҳуррият, Эркили... Аммо биз буларни билмай келдик, яқин-яқингача беҳабар бўлдик.

Мустақиллигимиз эпкини туфайлигина олтмиш йилдан бери халқ кўзидан яширин сир-синоатлардан хабар топдик. Шундай сир-синоатлардан бири Туркистонда истибдодга қарши кураш олиб борган “Миллий истиқлол” уюшмасининг мустақиллик учун олиб борган курашидир. Ҳали-ҳануз тарихимиз саҳифаларидан бу кураш ҳақида, бу уюшма ҳақида хабар топмаймиз.

Туркистоннинг, республикамизнинг биз ўқиб-ўрганган яқин тарихи шундай андава сувоқ қилинганки, сомон сувоқ эмас, ганч сувоқ қилиб

силлиқлаб юборилганки, уни тарих деб ҳам атаб бўлмайди. Мен эса 1930 йилда бедарак йўқолган отагинам Саид Аҳрорий изини излаш жараёнида “Миллий истиқлол” уюшмасини йўқотиб юборишга доир ҳужжатларга рўпара келдим ва ҳеч кутмаганимда Туркистоннинг мустақиллиги учун кураш олиб борган элимизнинг асл фарзандларининг фожиали қисмати шохиди бўлиб қолдим. Шунгача эса: “Ўз тақдиримизга, эл-юрт тақдирига шунчалар лоқайд бўлганмизми?” — деган саволлар юрагимни ўртаб келарди. “Юртимизнинг ақли расо марди майдонлари йўқмидики, бутун бир элнинг қўл-оёғи кишанбанд қилинганда қараб тураверишган... Арпа-буғдой ва полиз экинлари ўрнига ҳам пахта экилиб, жаннатмакон диёримизда эл-юрт очликка, қаҳатчиликка маҳкум этилганда, ёзувларимиз тортиб олиниб, бутун бир халқ йигирма йил ичида икки бор саводсиз қилиб қўйилганда ҳам қараб тураверишган экан-да?!” — ўйлардим ўша давр зиёлилари ҳақида ва шулар жумласидан, отам тўғрисида ҳам. Эндиликка келиб билсам, Ватаннинг Миллат деган, Халқим деган ўғлонлари кўп бўлган, улар Чор ва Шўро ҳукумати истибдодига қарши курашган экан-у, лекин манфур истибдоднинг қонли панжасида қурбон бўлиб кетаверган эканлар. Бу тўғрида биз, тўрт-беш йилнинг нари-берисида эндигина юрак ютиб гапираётибмиз. Шунгача Миллат деган сўзни айтган кимса миллатчи саналиб, Шўро ҳукумати тутқунгоҳларига жўнатилган экан.

Туркистоннинг мустақиллиги учун курашга отланган зиёлиларимиз “Иттиҳоди тараққийпарвар”, “Иттиҳоди тараққий”, “Миллий иттиҳод”, “Миллий истиқлол” уюшмасига, ёшлар эса “Изчилар тўдаси”, “Турон тўдаси”, “Темур тўдаси”, “Тўдалар тўдаси” каби уюшмаларга бирлашганлар ва мустақилликка эришиш йўлида ҳаракат олиб борганлар. Истиқлол учун курашган илк уюшмалардан бири “Иттиҳоди тараққийпарвар” деб номланган. Бу уюшма тарихи узоқ ва уни тасвишлаб беришга маълумотларим тўлиқ бўлмаганлигидан, бу ҳаракат раҳбарлари ёзувларидан фойдаланаман.

Мен ўрганган ҳужжатлардан маълум бўлишича, ҳали Чор ҳокимияти давридаёқ элимизда тараққиёт ва маърифат учун кураш борган. Чор ҳукумати даврида эл-

юртнинг “чироқсиз” зимистонда қолганидан ўртанган зиёлилари элни аввал ёруғликка олиб чиқишга — онгини оширишга уринганлар. Шу мақсаддан келиб чиқиб уюшманинг номи “Иттиҳоди тараққийпарвар”, яъни “Тараққийпарварларни бирлаштириш” бўлган. Кейинчалик “парвар” сўзи олиб ташланиб, уюшма “Иттиҳоди тараққий” деб аталган. Яъни тараққиёт йўлида бирлашмоқ кўзда тутилган. Хужжатларнинг далолат беришича, бу уюшманинг ташкилотчиси ва маънавий раҳбари Мунавварқори Абдурашидов бўлиб, унинг ёзувларига қараганда уюшма дастурини турк зиёлилари Усмонбек ва Ҳайдар афанди тузган, Мунавварқори Абдурашидов ўзбек тилига ўгирган. Шу номдаги уюшма аввалроқда Туркияда иш кўрган. Совет ҳокимияти барпо этилгач, бу янги ҳокимиятдан ёруғликни кутган уюшма аъзолари Мунавварқорининг хотирлашича, бир ярим йил мобайнида ҳаракатни тўхтатмаганлар — Шўро ҳокимияти бошлаган сиёсатни уюшманинг жаҳолатга қарши маънавият учун кураши билан уйғунлаштириб олиб бормоқ ниятида бўлганлар. “Иттиҳоди тараққий”нинг ўз олдига қўйган вазифаси қуйидагилардан иборат бўлган:

I. Янги аъзолар жалб этиш;

II. руҳонийларга қарши кураш;

III. мактаб-маориф ишида ислоҳ ўтказиш;

IV. турк ҳарбий асирларига ёрдам кўрсатиш — уларни мактабларга ишга жойлаштириш. (Биринчи жаҳон урушида руслар асир олиб, тутқунгоҳларга солинган турк ҳарбий асирлари октябрь тўнтариши туфайли озод бўлгач, қора тортиб Тошкентга келган эдилар.)

Мустақил Туркистон учун курашни эса энг асосий вазифаларидан деб ҳисоблардилар.

Мунавварқорининг далолат беришича, уюшма бирон кимсада миллий озодлик ҳаракатига интилиш борлигини илғаса, ишончли аъзолардан бирини у билан мусоҳаба олиб боришга ундаган ва бу кимса лойиқ топган тақдирдагина хайрихоҳ кимсани уюшмага аъзо бўлишликка таклиф этган. Таклифни қабул қилган кимса ўша ташвиқот қилган уюшма аъзоси етагида (аксарият тунда) бирон мактаб, идорага ёки хонадонга борган.

Бу одам кузатиб борилган хонада стол турган — столда “Смит-Витсон” тўппончаси ва Қуръони Карим

бўлган. Стол ортида қизил алвон — унинг ортида эса президиум аъзоларидан бири келганларга кўринмай турган. Бошлашиб келган икки одам алвон рўпарасига келиб тўхташган ва алвон ортида турган Президиум аъзоси: “Фалончи! “Туркистон Миллий истиқлол” уюшмаси сизни ўзининг ҳақиқий ва садоқатли аъзоси бўлишингизга ишонч билдиради. Бунга эътирозингиз йўқми, содиқ аъзо бўлишни истайсизми?” — дея савол беради. Аъзоликка кираётган кимса розилигини изҳор этгач, қизил алвон ортида турган одам унга дейди: “Фалончи! Сизнинг ўз ихтиёрингиз билан аъзоликка киришингизга уюшма номидан розилик билдираман. Менга берган сўзингиз чин бўлса, ўнг қўлингизни Каломуллоҳга, сўл қўлингизни тўппонча устига қўйинг!” (Сўнг бошлаб келган одамга мурожаат этади.) Сиз эса, Фалончи, мана бу Писмадончининг шу дақиқадан бошлаб Туркистон Миллий Истиқлол уюшмаси аъзолигига қабул этилганига гувоҳ бўлинг. Бошлаб келган кимса розилик билдирганидан кейин қасамёдга ўтадилар. Байроқ ортидаги одам: “Фалончи! Энди Сиз уюшмага қасамёд қиласиз. Мен нима десам, сўзларимни такрорланг!” — дейди-да, лўнда-лўнда қилиб айтиб туради ва аъзоликка кираётган кимса уни такрорлайди: “Менким фалончи, уюшманинг икки обрўли аъзоси олдида ўнг қўлимни Каломуллоҳга, сўл қўлимни ўлим қуроли устига қўйиб туриб ва юзимни Буюк Туроннинг Миллий байроғига қаратганча “Туркистон Миллий истиқлол” уюшмасига аъзо бўлганлигимга қасамёд қиламан. Уюшма мақсадлари ва фармонларига ҳеч қачон қаршилиқ кўрсатмайман, ҳар қандай қурбонлардан, бажариш жуда қийин бўлган буйруқларни ижро этишдан сира қайтмайман. Уюшма сирини ошкор этмасликка, Парвардигори олам олдида, диним-имоним билан қасамёд қиламан”. Шу дақиқадан бошлаб бу кимса “Миллий истиқлол” уюшмаси аъзоси саналарди.

...Гап шундаки, “Миллий иттиҳод” уюшмаси 1927 йилга келиб номини “Миллий истиқлол” деб ўзгартирганди, Мунавварқорининг изоҳлашича, айти пайтда жамиятнинг мақсади ҳамда унинг олдида турган вазифалардан келиб чиқилганда “Миллий истиқлол” номи кўпроқ мос келади. Зеро, Миллий иттиҳод (миллий бирлашмоқ) ҳақида — яъни, бари турк

миллатларини (ўзбек, қozoқ, туркман, қорақалпоқ, қирғизларни) бирлаштирмоқ ҳақида, аввало, асосий мақсадга — мустақилликка эришгандан кейингина гап бўлиши мумкин, деб ҳисоблашган.

Шу йўсин “Миллий истиқлол”чилар сафи вазифалар моҳиятини онгли суратда тушуниб етган аъзолар ҳисобига кенгайиб борган. Шўро ҳокимияти ўрнатилгач, улар янги ҳокимиятни чинакам ишчи-деҳқон ҳокимияти деб ишониб, биргаликда иш олиб боришни кўзлаган даврлар ҳам бўлган. Аммо бу зукко зиёлилар янги ҳокимиятнинг сўзи билан иши бошқалигини тезда англаб етдилар. Халқ орасида ҳам норозилик кундан-кун ортиб борди. Бу бедодликларни ўз кўзи билан кўриб, ўз бошидан кечириб турган зиёлилар мушоҳада юритар, қиёслар ва тегишли хулоса чиқарардилар. Хулоса Шўро ҳукумати фойдасига бўлмас эди. Улар кўрдиларки, Чор ҳокимияти даврида деҳқон бир пуд пахтасини 4 сўмга сотган, ҳар газ читни 15 тийиндан харид қилган, энди бўлса ҳар пудни 5 сўмдан сотади, аммо ҳар газ читни 50 тийиндан сотиб олади. Демак, Шўро даврига келиб деҳқоннинг нонини боплаб туя қилишаётибди. Подшоҳ замонида бир пуд пахта сотган 26 газ чит харид қилиши мумкин эди ўша бир пуд пахтага олган пулга. Шўро ҳукумати эса деҳқонга шу бир пуд пахтаси учун бор-йўғи 10 газ чит беряпти — демакки, халқни хомталаш қилиш кундан-кунга авж оляпти.

Бу ҳолни ўз кўзи билан кўриб, қалбдан ҳис этиб турган зиёлилар лўнда қилиб хулоса чиқардилар. “Ўзбекистонда буюк давлат шовинизми ривожланиб боряпти”, Ўрусиянинг марказий туманларидан ўрисларнинг оммавий равишда кўчириб келтирилиши, бунинг оқибатида маҳаллий аҳоли орасида ишсизликнинг кўпайиб бориши, маҳаллий саноатнинг ривожланишига аҳамият берилмаганлиги, устига-устак тўқимачилик фабрикаларининг ўрусия ҳудудида қурилиши ва бор пахтанинг ўша ёққа ташиб кетилиши хонавайрон бўлган ўзбек ҳунармандларининг ҳолини хароб қилади.

Бу орада Туркистон жумҳуриятларга бўлиб юбориладиган бўлди. Туркистонни ҳур, мустақил кўриш орзусига ёнган “Миллий истиқлол”чилар англадиларки, Шўро ҳокимиятининг сўзи бошқа-ю,

иши бошқа. “Қўйни ҳам аввал нимталаб бўлакларга бўлинади, сўнг еб юбориш осон бўлади”, — дедилар улар. Аммо уларнинг нола-ю талабларини тинглаувчи кулоқ, англаувчи дил топилмади. Аксинча, уларнинг ҳар бир қадами Шўро ҳукуматининг Давлат Сийёсий Бошқармаси (ОГПУ)нинг таъқибида бўлди. Миллатимизнинг асл фарзандларига “Халқ душмани” деган тавқи лаънат осдилар ва “Миллий истиқлол” уюшмаси аъзоларини битта-битталаб териб ҳибсга олганлар. Минг тўққиз юз ўттизинчи йилларда саксон етти аъзо ҳибсга олинди. “Миллий истиқлол”чилар нимани истарди ўзи, деган савол туғилиши табиий. Бу саволга уларнинг ўзи шундай жавоб берганлар. Улар республика давлат идораларида, ҳеч бўлмаганда, эллик фоиз ерли миллат фарзанди раҳбарлик лавозимларида ишлашини талаб қиладилар. Ўзбекистоннинг барча бойликларининг марказга оқизиб кетилишидан норози эдилар. Улар яна пахта якка ҳокимлигига йўл қўймаслик кераклигини, ер-сув ислоҳоти нотўғри ўтаётгани, алифбони ўзгартириш мамлакатни саводсиз бир ўлкага айлантиражагини, халқ ўз тарихий илдизидан узилиб қолишини айтадилар. “Ўзбекистон қизил колония бўлиб қолган”, деб норозилик баён этардилар. Ўзбек халқи мустақил ҳаёт кечирсагина моддий бойликка ва маънавий камолотга эришажагини таъкидлардилар. Социализм яхши нарса бўлгани билан хом ҳаёдан бўлак нарса эмас, деган фикрда эдилар. Уларнинг қанчалик ҳақ эканлигини орадан ярим асрдан ортиқ вақт ўтгач, тарихнинг ўзи исбот этди. Минг афсус, тарихий бир ҳақиқатни ўша даврда тушуниб етмадилар. Тўғрироғи, тушунишни истамадилар ва халқ учун жони ачиган, зим-зиё қора тунда унинг йўлига чироқ тутган чароғбонлар битта-биттадан териб олинаверди: Мунавварқори Абдурашидов, Салимхон Тиллахонов, Саид Аҳрорий, Шорасул Зуннун, Азиз Лазиззода, Асадулла Ҳўжанов улар қатори ҳибсга олинди, бир ярим йил давомида тергов қилинган саксон етти киши турли тоифага мансуб кишилар эди—бир мақсад уларнинг бошини қовуштирган эди. Улар ичида хотин-қизлар педагогика техникуми директори Усмонхўжа Тўхтаҳўжаев, Қўқон шаҳридан Лутфулла Алимов, “Совет ўзбекистони”

рўзномаси адабий ходими Усмон Ҳасанқори Хоний, Мирҳалил Каримов, Зайнитдин Насриддинов, Абдиллаҳўжа Ғафуров ва яна қанча кишилар бор эди. Шу саксон етти нафар “истиклол”чи Шўроларга қарши ташвиқот ва тарғибот юрғизишда, Шўро ҳокимиятини ағдариб, мустақил миллий республика қуриш ниятида бўлганликда айбланганлар. Улар орасида Андижондан Имат махсум Обиддинов, Асрор Зайнутдинов, Мўминжон Ҳакимов, Сайфи Камолов, Муҳиддинқори Ашуров, Абдуқаҳҳорқори Сатторов; Тошкентдан Убайдулла Хўжаев, Абдуқайом Мадалиев, Ғофиржон Мусахонов, Қўқондан Ашурали Зоҳирӣй, Муҳитдин Ҳусаинов, Мирзаабдулла Солиев, Нуриддин Эрматов; Намангандан Файзулла Усмонов, Фатҳиддин Исмоилов, Муллағайбулла Дадамўхамедов; Самарқанддан, Абдулаҳат Шарафиддинов, Хўжабобо Мўхаммадризаев, Шоқобил Камолов каби саксон етти ватандошимиз Тошкентдаги “Москва” турмаси (Олой бозори ёнбошидаги “Юлдуз” фирмаси ҳовлисида ҳамон шу турманинг бир қисми мавжуд — мустаҳкам қурилганлигидан бузиша олмаган) ва Москвадаги “Бутирка” турмасида азоб чекдилар. Улардан ўн беш нафари Ўзбекистоннинг эмас, РСФСР жиноят мажмуасининг 58-моддасининг турли бандлари билан, баъзилари бирваракай бир неча банди билан гуноҳкор топилиб, 1931 йилнинг 25 апрелида Москва шаҳрида ОГПУ коллегияси тарафидан отувга ҳукм этилганлар ва отиб юборилганлар. Истиклол йўлида шаҳид кетган ватандошларимизнинг номларини ҳамма билиши керак. Улар номини ёдда тутинг ва юртимизнинг мустақиллиги йўлида шаҳид кетган ватандошларимиз руҳини бир калима қуръон тиловати билан шод этинг.

Мана ўша шаҳид кетган ватандошларимиз:

1. *Мунавварқори Абдурашидов;*
2. *Салимхон Тиллахонов;*
3. *Ғулом Икромов;*
4. *Мирҳалил Каримов;*
5. *Нажмитдин Шераҳмедов;*
6. *Толибжон Мусабоев;*
7. *Асадулла Хўжахонов;*
8. *Усмонхўжа Тўхтаўжаев;*

9. Исмоилжон Иброҳимов;
10. Тангриқулҳожи Мақсудов;
11. Ҳасанқори Хоний;
12. Зайнутдинқори Насритдинов;
13. Муллағайбулла Дадамұхамедов;
14. Абдуллабек Мусабеков;
15. Саид Абдурашидович Аҳрорий (менинг падари бузрукворим).

Азиз юртдошлар! Ватанимизни мустамлакачилик зулмидан озод этиш учун курашган ватандошларимиз ёдини абадийлаштириш сиз билан бизнинг виждонимизга, саъй ҳаракатимизга ҳавола...

Бугун биз катта шодиёна арафасидамиз. Эртаминдин республикамининг мустақилликка эришганига тўққиз йил тўлади. Мана шундай шодиёна кунларида ўтганлар руҳини шод қилишни ўйлайлик. Улар-ку, мустақиллик йўлида курашиб, қизил террор қурбони бўлиб, шаҳид кетдилар. Биз-чи, улар ёдини абадийлаштириш учун нималар қиялпмиз? Юнусобод туманида Бўзсув бўйида эрк учун курашган азаматлар номини ўчмас ҳарфлар билан битиб абадиётга қолдирайлик. Ҳозирги ёш авлод билсин, келажак авлодлар ифтихор билан ёд этсин... Ҳозирги тақчиллик даврида буни амалга ошириш қийин бўлади, деб чўчимаслигимиз керак. Негаки, ўзбек халқи мустақиллик учун курашган ва шу йўлда шаҳид кетган фарзандлари ёдини абадийлаштириш зарур бўлганда молини ҳам, жонини ҳам аямайди. Ўйлайманки, истиқлол йўлида шаҳид кетган юртдошларимизга пойтахтимизда ёдгорлик ўрнатилиши адолатнинг тантанаси, жумҳуриятимизда қонуний давлат ўрнатилганлигининг шаҳодати бўлиб, қалбимизни ифтихор туйғуси-ла мунаввар этгусидир. Лекин асосий вазифамиз олдинда. Чок-чокидан сўтилиб кетган тоталитар давлатнинг тўкилиб тушиши тўғрисида қўлга киритганимиз мустақилликни мустаҳкамлашга бор кучимизни қаратмоғимиз, шунга хизмат қиладиган кучларни бирлаштирмоғимиз, чекка-чеккадан бўлаётган ҳийла-найранглари вақтида илғаб олиш учун зийрак турмоғимиз зарур. Асрлар мобайнида тортганимиз азоб-уқубатларга сабрли-бардошли

бўлганимиз учун Аллоҳ таолонинг мукофоти ўлароқ қўлга киритганимиз ҳурликни қўлдан чиқармаслигимиз керак.

“Ўзбекистоннинг йўли битта — мустақилликни мустаҳкамлаб, олға бориш! Орқага қайтиш йўқ!”

Эрта-ю кеч мени бирдай тўлқинлатган бу сўзларни Президентимиз Ислоҳ Каримов айтдилар. Бу сўзларни биринчи бор эшитганимда қалбим яйраб кетди. Яйради. Зеро, бу фикр менинг, менга ўхшаш миллионларнинг айнаи муддаоси. Дилим яйраб, бу кунларга — мустақилликка эришганимизга Аллоҳу субҳанаҳу ва таолога беадад шукр қилдим. Не-не кўргиликлардан сўнг, бир ярим асрлик истибдоддан фориг бўлиш насиб этганидан қувонаман ва отам Саид Аҳрорий етмиш йил муқаддам ёзган шеърнинг сатрлари билан ватандошларимни қутлайман:

Элга қутлуғ бўлсин шодлик дамлари,

Артилсин кўзлардан ҳасрат намлари.

Кутган кунлар келди— яйраш чоғидир...

Тансиқ кунлар келди— яйраш чоғидир.

Бу мақола чоп этилгандан бери орадан бор-йўғи беш йил вақт ўтди. Менинг орзу-умидларим рўёбга чиқди. Биргина менинг эмас, неча-неча минг шаҳидларнинг фарзандлари, қавм-қариндошларининг, бутун эл-улуснинг орзуси рўёбга чиқди. Президентимиз фармонига кўра 1999 йилда ташкил этилган “Шаҳидлар хотираси” жамоатчилиқ комиссияси иш бошлади. Комиссия бир асрдан ортиқ муддатда мустабид тузум тарафидан зиндонбанд қилинган, сўнг отиб юборилган ватандошларимизни ном-баном аниқлаш иши билан машғул бўлди. Муҳандислар эса, ҳали ҳеч ерда кўрилмаган “Шаҳидлар хотираси” мажмуаси лойиҳасини туздилар. Неча-неча кўрикдан ўтиб тасдиқланган бу хотира мажмуаси қурилиши бошланди. Бутун эл келди бу қурилишга кўмакка, бутун имкониятлар ишга солинди. Юртбошимиз Ислоҳ Каримовнинг шахсан ўзлари раҳнамолик қилдилар бу қурилишга ва қарабсизки элнинг ажодларига бўлган меҳри оқибати рамзи бўлган маҳобатли обида қад кўтарди:

Мустақиллигимизга кўз тегмасин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

2000 йил

ОТАМ МУҲАММАД САИД АҲРОРИЙ КИМ ЎЗИ?

Сарлавҳани ўқиганлар ҳайрон бўлиши табиий...
“Қандай фарзандки, отасининг кимлигини билмаса...”
деб.

Бутун даҳшат шундаки, биз учун отам мен илк саҳифаларда эътироф этганимдек, бедарак йўқолган эди. Эрта билан ишга кетгану... қайтиб келмаган...

Дадамдан олтимш йил деганда, тасодиф туфайли, дарак топдим. “Родина” журналининг 1989 йил ўн биринчи сонида тарих фанлари доктори Фарҳод Қосимовнинг мақоласини ўқиб қолдим. Мақола Бухоро инқилобига доирлиги учун қизиқдим. Ва... Бирдан... ушбу сатрларга кўзим тушди: “Ўзбекистон жумҳуриятининг биринчи премъери бўлган Хўжаевдан ташқари Сталин даврининг қатли омига гирифтор этилганлар орасида номи 1920 йил сентябридаги тўнтариш билан боғлиқ бўлганлардан: Бухоро Компартиясининг биринчи раиси Нажиб Ҳусайнов; худди шу вазифада 1923 йилда ишлаган Абдулло Раҳимбоев; Ўзбекистоннинг биринчи молия халқ комиссари Қори Йўлдош Пўлатов; биринчи ўзбек ва тожик профессорлари Абдурауф Фитрат, Муса Саинжонов, Аббос Алиев; ўша даврнинг атоқли адабиёт намояндалари Саид Аҳрорий ҳам бор...”

Юрагим қинидан чиқиб кетаёзди. “Дадам топилди”. Карахт бўлиб қолдим. Кейин бирдан шуурим ёриша бошлади: “Изларини излаш керак... Излаш керак...” Лекин қаердан? Албатта Давлат хавфсизлик комитетидан-да... Шаънига “халқ душмани” деган тавқи лаънат тақалган сара фарзандлар шу ерда бир ёқлик қилинган-ку... Дарҳол ариза битдим:..

Унга жавоб келавермагач, комитетга ўзим бордим. Вадим Зубанов дегани қабулхонага бошлаб кирди-да, кўлимга дадамнинг ҳибсга олинган сурати ва бир парча қоғоз тутқазди. Мана унинг бори:

“Ҳурматли Холида Саидовна!

Отангиз Саид Абдурашидович Аҳрорий 1895 йилда туғилган, қамалгунга қадар Самарқанд молия-иқтисод техникумида ўқитувчилик қилган. 1930 йилнинг 12 ноябрида ҳибсга олинган.

ССЖИ бирлашган давлат сиёсий бошқармаси Аҳрорийни РСФСР жиноят кодексининг 58-4 моддаси

билан (советларга қарши тарғибот ва ташвиқот) учун олий жазо — отувга ҳукм этган. Ҳукм 1931 йилнинг 25 апрелида Москва шаҳрида ижро қилинган. Қўмилган жойи номаълум...”


Республика Миллий Хавфсизлик Хизмати қошидаги жамоатчилик билан ишлаш маркази ходимларининг ёрдамида дадамга доир ҳужжатлар билан таниша бошлайман ва бутун борлиғимни даҳшат қамраб олаётганини ҳис этаман. Маълум бўлишича, 1929 йилда Туркистоннинг машҳур маърифатпарвар зиёлиларидан Мунавварқори Абдурашидов ҳибсга олингач, “Мунавварқори Абдурашидов, Салимхон Тиллахонов ва бошқалар” номи билан 670-рақамли “Жиноятнома” очилган ва ҳудди шу иш юзасидан 1929 йилда 40 киши, 1930 йилда 39 киши, 1931 йилда 7 киши қамалган. Ўша даврнинг кўзга кўринган зиёлиларидан Лутфулла Алимов, Азиз Лазиззода, Шорасул Зуннун, Абдуваҳоб Муродий, Усмонхўжа Тўхтаҳўжаев, Турғун Парпиев, Убайдулла Хўжаев... Бунгача эса “Қосимовчилар” иши, шоир Ботунинг суди...

Дадамнинг 6701-“Жиноятнома”си ўн саккиз жилдан иборат бўлиб, уни ўрганиш жараёнида давлат сиёсий бошқармасининг “Миллий иттиҳод”, “Иттиҳоди тараққий”, “Миллий истиқдол”, “Бирлик” каби уюшма ва халқ ҳаракатлари, уларнинг аъзолари, шунингдек, “Изчилар тўдаси”, “Темур тўдаси” каби ёшлар уюшмаларининг фаолиятини қаттиқ назорат, тўғрироғи таъқиб қилгани аён бўлди.

Мунавварқори Абдурашидов 1930 йилнинг 6 январиди берган кўрсатмасида “Иттиҳоди тараққий”га қабул қилинган ёки қабул қилиниши лозим бўлган кимсаларни хотирлаб, шулар орасида Саид Аҳроров бўлиши мумкинлигини айтади...

1930 йилнинг 9 апрелида ушбу иш бўйича сўроқ қилинган Салимхон Тиллахонов “Миллий иттиҳод” ташкилотига 1918-1919 йилда қабул қилинганлар орасида Саид Аҳрорий борлигини таъкидлайди.

Улардан бири — бирлашган давлат сиёсий бошқармасининг 1931 йил 14 февраль кuni тўлдирилган тергов протоколи (терговни учинчи алоҳида бўлим “оператив” вакили Журавлев олиб борган)дан бобом Абдурашидхўжанинг савдогар бўлгани, дадамнинг Туркияда туғилганини билиб олдим. Шу ҳужжатда



Туркиянинг Истамбул шаҳрида Акрам деган амаким ва Асмо (ҳужжатда русчалаб Осман дейилган) аммам бўлганидан дарак топдим. Отамнинг авлодлари Истамбулда яшаган экан. Дадам гимназияни тамомлагач икки йил мобайнида ҳарбий мактабда таҳсил қўрган экан. 1918 йилда Туркистонга келиб “Турк ўчоғи” миллий уюшмасига аъзо бўлган, “Турк сўзи” рўзномасини чоп этган. Тошкентда “Турк изчилар тўдаси” ва “Ватан” номли мактаб ташкил қилган.

Бундан илгарироқ эса Истамбулда уюштирилган “Турон наشري маориф” ташкилотига аъзо бўлиб, кейинчалик давлат сиёсий бошқармаси хизматига ўтиб, аввалига “Собиқ” лақабида, кейинчалик “Юрчи” номида узоқ йиллар иш юритган махфий ходимнинг таъкидлашича, ўша йилларда Истамбулда “Турон наشري маориф” уюшмаси ташкил этилган. У барча туркистонликларни бирлаштиришни кўзда тутган. Унга Ғози Олим Юнусов, Маҳмуд Зиё, Темур Муҳаммад Ризо, Абдураҳмон Исмоилзода, Саид Аҳрорий ҳам аъзо бўлган.

“Бухоро таълим маорифи” ва “Турон наشري маориф”нинг сиёсий мақсади Бухоро амирлигида ислоҳ ўтказишдан иборат эди. Борди-ю амир бунга қаршилиқ кўрсатса, ўрнига оила аъзоларидан бирини тахтга ўтказмоқчи бўлишган. Туркистон масаласига келганда, мабодо Туркия билан Россия ўртасида уруш бошланса, Россиядан ажралиб чиқиб, Туркистон тахтига Худоёрхон авлодидан биронтани ўтказишни режалаштиришганди.

Лекин мазкур жамият аъзоларидан марғилонлик Муҳаммад Ризо, қўқонлик Абдураҳмон Исмоилзода ва ҳўжандлик Муҳаммад Саидхўжа (Саид Аҳрорий) ўзаро келишиб, хонлик барпо этишга қарши чиқишган. Улар Туркистонда худди Франциядаги каби Республика ташкил этиш, ҳар тўрт йилда бир марта Президент сайлови ўтказишни ният қилишган.

Ўйлаб кўрсам, дадам ўшанда гимназиянинг ўн беш яшарлик талабаси экан! Шуниям айтмоқчиманки, бобом Абдурашидхўжа юрти Хўжанддан ҳаж сафарига борган-у Туркияда қолиб кетган, Истамбулда уй-жой қилган, савдо-сотик, сандиқсозлик билан кун кўрган. Муҳаммад Саид — тўнғичи бўлса керак.

Қўлимда “Жиноятнома”нинг бошқа бир жилди. Отам ҳақида яна кўп маълумотлар равшан бўла бошлайди. Бир нарсасга эътибор бераман, унинг номи ҳамма жойда “Изчилар тўдаси” уюшмаси билан боғланган.

“Изчилар тўдаси” тўғрисида сўзлашдан олдин Саид Аҳрорий 1919 йилда Тошкентда Ўқчи маҳалласида ташкил этган “Ватан” мактаби ҳақида ҳикоя қилмоқ жоиз. Сўзни давлат сиёсий бошқармасига хабар етказиб турган ходим “Юрчи”га бераман (у ҳаммасини ўз кўзи билан кўрган-билган бўлиши керак): “Муҳаммад Саид, Абдуваҳоб Муродий, Фатхулла Умарий (ўзбек давлат труппаси артисти), Мир Носир (бойнинг ўғли), Мирҳамидбой, Акмал Икромов (ЎзВКП(б) Марказий Кўмитаси котиби), Аъзам Ёқуб ташаббуси билан 1918 йилнинг биринчи сентябрида “Ватан” мактаби биносиди турк бойскаутлар уюшмаси ташкил этилди.

Ташкилий мажлисда юқорида санаб ўтилган кишилар отряд президиумига кирдилар. Уюшманинг доимий раиси қилиб Муҳаммад Саид сайланди. Абдуваҳоб Муродий муовини, Фатхулла Умарий котиб, Мирҳамид Миршарафов хазинабон, Мирносир, Акмал Икромов ва Аъзам Ёқуб аъзо қилиб сайландилар.

Тўданинг мақсади 16—30 ёшлиларга миллий байроқ остида илм бериш, улардан мутахассислар тайёрлаш, уларни жисмоний бақувват қилиб ўстириш, илм олиш учун хорижга жўнатиш; санъатни ривожлантириш, адабиёт ва матбуотни миллий руҳда барпо этиш, ҳарбий ўқувни йўлга қўйиш ва охир-оқибатда Туркистон халқини миллий мустақиллик учун курашчи қилиб тарбиялаш.

У пантуркизм ва майда буржуа руҳига асосланган. Дастурига қараганда турк миллатига мансуб (ўзбек, қozoқ, татар ва ҳоказо), ўн саккиздан ўттиз ёшгача бўлган, гуруҳ ғояларига хизмат қилишга тайёр ва унинг программасини қабул қилган ҳар қандай шахс унга аъзо бўлиши мумкин. Аъзолик бадали (аъзо бўлаётган кимсанинг имкониятларидан келиб чиқиб) президиум тарафидан белгиланади. Қашшоқ, ишсиз ўқувчилардан бадал олинмайди”.

Саид Аҳрорий ҳибсга олингач, уч ойгача тергов қилинмаган. У Москвадаги бутирка турмасининг шарқ бўлимида ётган. (Қаранг, турмада шарқ халқлари учун махсус бўлим бўлган-а!) Сўнг уни 1931 йилнинг

14 феввалида беш марта, 25 мартада яна бир марта сўроқ қилишади. Уч тергов Акмал Икромов билан учрашганликлари ҳақида, бир бор Мунавварқори билан кўришганларининг сабабини аниқлашга уринишади, охириги терговда “Изчилар тўдаси”га доир материаллар ва Боту билан муносабати суриштирилади.

Дадамни Бош бирлашган сиёсий бошқарма вакили Журавлев тергов қилган. Тергов материалларини қайта-қайта ўрганарканман, Саид Аҳрорийнинг сиёсий қарашларига доир бир оғиз сўз тополмайман, бундай маълумотларни бошқа айбдорларнинг дадам ҳақидаги мулоҳазаларида ҳам учратмайман.

О-О-олтмиш йилдан сўнг топдим дадам изини. Қувонмоғим керакми ёки куйинмоғим, аза очмоғим керакми — лолман. Дўстларим менга “қувонгин” дейишади. “Ҳар ҳолда дадангнинг изини бўлса ҳам топдинг-ку!” Лекин дилимда севинчдан асар йўқ.

Дадамга, гулдай умри бевалик азобида хазон бўлган онам Вазираҳонга аламзада қалбимда аза тутаман. Ҳеч қачон кўрмаганим, Истамбул шаҳрида, Нури Усмония сўқоғинда умргузаронлик қилган бобом сандиқсоз Абдурашидхўжага, ҳатто исм-шарифларидан ҳам беҳабар бўлганим, 17 ёшли ўғлони Муҳаммад Саидни 1914 йилда Истамбулдан Жаҳон урушига кузатиб қолганидан кейин ўла-ўлгунича йўлига кўз тиккан, биз неваралари ҳеч қачон бағрида исинмаган бувижонимга ва Истамбулда яшаб қолган Акрам амаким ва Асмо аммамга ҳам аза тутаман, улар авлодларини қўмсаб яшайман. Дилимда фарёд янграйди.

Шундай ўй-хаёллар билан яна ҳужжатларни ўрганишга тушаман: шунда ғалати бир ҳол учрайди. Эсингизда бўлса, иш бўйича 15 киши отувга ҳукм этилганди. Лекин қанчалар диққат билан ўрганмай, “Жиноятнома”да саккиз кишининг: Мунавварқори Абдурашидов, Салимхон Тиллахонов, Фулом Икромов, Мирхалил Каримов, Нажмитдин Шераҳмедов, Толибжон Мусабоев, Тангрикул Хўжа Мақсудов ва Саид Абдурашидович Аҳрорийларни отув ҳақида ҳукмнинг ижро этилганлигини кўрсатувчи бирорта маълумотни кўрмадим. Ҳар бир отувга ҳукм этилганнинг отилганлиги ҳақида маълумотнома қоидага кўра ишга албатта тиркалган бўларди.

Аммо 112-саҳифадаги бир ҳужжатни кўриб, ҳайрон қолдим:

“Уртоқ Зубкинга, иккинчи нусхаси ўртоқ Ольскийга (Дьяковга деб қўшимча қилинган).

Бош бирлашган сиёсий бошқарма суд коллегиясининг 1931 йил 25 апрелидаги мажлисининг 102141 рақамли иш юзасидан Мунавварқори Абдурашидов, Садимхон Тиллахонов ва бошқалар, шу жумладан, 87 кишига доир ҳукмнинг ижроси то ЦККда партия аъзоларига тааллуқли масала кўрилгунга қадар тўхтатилсин.

Бошқарма коллегиясининг саркотиби (БУЛАНОВ). 29.VI.31 йил”.

Аммо менга берилган ҳужжатда отамнинг 1931 йилнинг 25 апрелида отилгани таъкидланганди-ку...

Бу ҳужжатларнинг қай бирига ишонмоқ керак?! Кейин шу саксон етти кишини оқлашга дахлдор материаллар тиркалган 19 ва 20-жилдларни ўрганишга тушаман:

“170-РАҚАМЛИ АРХИВ-ТЕРГОВ ИШИ БҲҲҲҲҲ ХУЛОСА

10 июнь 1957 й

Бирлашган Бош сиёсий бошқарма ҳайъатининг А.Хўжахонов, У.Тўхтаҳўжаев, Иброҳимов, Хасанқори Хоний, З.Насритдинов, М.Дадамўхамедов, А.Мусабековни отувга ҳукм этиш ҳақидаги қарори 1931 йилнинг 3 июнида ижро этилди.

Аммо М.Абдурашидов, С.Тиллахонов, Ф.Икромов, М.Каримов, Т.Мусабеков, Т.Мақсудов, Н.Шораҳмедов ва С.Аҳрорийга нисбатан ҳукм ижро этилди-йўқми — ишдан кўринмайди. Ушбу текширув давомида ҳам бунга аниқлаш имкони бўлмади”.

Яна анг-танг қолдим...

1957 йилдаги бу текширув комиссиясининг дадам ҳақида ҳам махсус хулосаси бор:

Саид Абдурашидович Аҳрорийга Мунавварқори ва бошқа миллатчилар билан эски алоқани узмай, миллий доиралардаги аҳвол ҳақида Мунавварқорини огоҳлантириш билан аксилинқилобий ишни йўлга солишда кўмаклашган, деган гуноҳ тақалган. Аммо унинг Мунавварқори билан “эски алоқаси” айнан нимадан иборатлиги, Аҳрорий Мунавварқорини нима ҳақида огоҳлантирганлиги ишдаги материаллардан кўринмайди.

Хулласи калом, шу жилднинг 349-саҳифасида таъкидланишича, ўн киши, шу жумладан, дадам ҳам гуноҳи исботланмаганлиги туфайли оқланган. Бу ҳужжатга ЎзССЖ Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат Хавфсизлик Қўмитаси 2-бўлим капитани Аубакиров имзо чеккан, Давлат Хавфсизлик Қўмитаси тергов бўлими бошлигининг ўринбосари Минасян “розиман” деб қўл қўйган.

Даҳшатли ўттизинчи ва ўттиз еттинчи йилларда жумҳуриятимиздан қанча одам отиб юборилган ёки дараксиз кетганлиги ҳали-ҳануз аниқ билмаймиз...

1992 йил

ЖАЗО

Бу одамни умримда бор-йўғи бир неча бор кўрганман, холос. Баланд бўйли, сочлари сақичдек қора, тулпор отнинг ёлидай дағал, кўзлари ўткир — кимга қадаса сир-асрорини рентген нурларида кўриб оладигандай. Бу воқеалар бўлиб ўтган ўттиз олти-ўттиз еттинчи йилларда яшаган Ҳовузбоғ маҳалласида Чорсуга кетаверишда ўнг тарафдаги тепаликда бу кишидек пўрим, кўркам, замонавий кийинган одамлар кам эди — бир қўлингнинг бармоқларини букадиган бўлсанг, ўша ҳам ортиб қоларди. Эсимда борлари — Ортиқ ака. У киши ким эди, нима қиларди — билмайман. Билганим шуки, бир кечада ГПУ одамлари келиб, олишган-кетишган. Биз болакайлар қулоққа чалинган гапдан бошқани билмаймиз. Ёш-қарининг иззатида бўлган яна бир кимса бўлгувчи эди. Бу — ўзбек киноси отахонларидан бири, машҳур кинорежиссёр Наби Ғаниев. У одамнинг юриш-туришидан тортиб, кийиниши, қўни-қўшнилар билан қари-қартанглардан тортиб, то болакайларга ҳам — ҳамма-ҳаммага манзур эди. Ўғиллари Ҳотам, Кулун, Дўнон, қизлари Чаросни Маҳсума янгамиз билан чақмоқдек ясантириб қўйишади. Биз етимчалар ўшалардек яшашни, уларнинг отасидай отамиз бўлишини орзу қиламиз... Билмаймизки, ўзимизнинг отамиз ҳам шундай хушқомат, зиёли одам бўлганини. У чоғларда биз кўп нарсаларни билмаймиз. Биздан бир неча кўйлакни

ортиқ йиртган Файзи опамизнинг отаси — юқорида тилга олганим қора соч, либосидан атир уфуриб турадиган Назир амакининг маҳаллада қўним топмай қолгани сабабини ҳам билмаймиз. Кейинчалик бўлиб ўтган ҳодисалар сабабини англаб етган чоғимизда эса бўлар иш бўлиб — бўёғи синган, бу одам ҳам дунёдан ўтиб кетган эди.

Файзи опамлар биз билан девор-дармиён қўшни эдилар. Биз уларга ҳам ҳавас қилардик. Ҳавас қилишимизнинг сабаби бор эди. Биз Чорсудаги Жомеъ масжидида очилган мактабда ўқирдик. Файзи опамиз эса Тошкентдаги тўрт қаватли Чапаев номидаги ўрис мактабда ўқирдилар. Уларнинг мактаби чароғон, поллари бўялган эди. Жовиллаб ўрис тилида сўзласалар ағрайиб қолардик. Икки мактаб гўё икки олам эди. Ернинг тагида илон қимирласа биладиган Ҳабиба дугонамиз эса овозини бир-икки парда пасайтирганча қўли билан оғзини тўсиб шивирларди:

— Ўрис ойисиникига бориб ўрганиб келган...

Биз норасидалар бу гапнинг мазмунига тушунмаймиз. Ўзбек қизнинг қандай қилиб ўрис онаси бўлиши мумкин — билмаймиз. Буни ҳам анча кейин англадик. Назир амакимиз ўқиб юрганида ўрисга уйланган экан.

Баҳор кунларининг бирида томда лолақизғалдоқ териб юрганимда Файзи опамизнинг ҳовлисида шовшув кўтарилиб қолди. Бундай энгашиб қарасам, Назир амакининг икки ўғли — Нуриддин билан Жалолиддин қўшнининг ўғли билан ёқалашиб, ҳовлисига қочиб яширинган бўлса керакки, боланинг онаси орқаларидан қувалаб келган. Томда ўтирганим учун қўшни ҳовли кафтда тургандек кўз олдимда намоён эди.

— Ҳалима опа, Ҳалима опа! — деб чақирди аёл. Ҳалима опанинг қўлоғи оғирроқ эди. Эшитмади чоғи — кўринмади. Қўшни аёл ҳовли ўртасида турди-турдида: “Ҳа жувонмарг бўлгур... Халқ душманининг болалари...” — деб бақирди-да, чиқди-кетди. Бу қарғишнинг маъносини — Файзи опамнинг акаларининг ўшанда ўкириб йиғлагани сабабини орадан кўп йиллар ўтгачгина тушундим. Бу йиллар ичида юртнинг, эл-улуснинг бошига не-не кунлар тушмади... Эҳ-ҳей... очарчилик йилларининг асоратидан қутулар-қутулмас, беш йил давом этган уруш йилларининг дарди ҳасратлари адоғсиз дoston... Қай

бирини айтиб адо қилиб бўлади... Урушдан неча минглаб чақирим йироқда — мамлакат ичкарасида бўлган Ўзбекистон аталмиш диёримиз одамлари ҳам нақд беш йил давомида тўйиб нон емади. Негаки, “Ҳамма нарса фронт учун!” — шиори қонун эди ҳар бир фуқаро учун. Эр йигитлар бари бирдай урушга кетди. Завод-фабрикаларда, колхоз далаларида улар ўрнида ўн икки-ўн уч ёшдаги болакайлар, келинчақлар, онахонлар ишлай бошлади. Мен ҳам шошилинч ҳамширалик мактабини тамомлаб, ўн тўрт ёшга тўлар-тўлмас ишлаб кетдим. Уруш йили болалари сингари менинг ҳам ўқишим келган ерида қолиб кетди...

— Назир Шоабдурасулов халқ душмани экан! — деган гап тарқалганда эса катталарнинг кўзи ола-кула бўлиб кетди. Биз болакайлар эса ҳеч нимага тушунмаймиз. Орадан йиллар ўтиб, болалари катта бўлганида отаси қисмати уларни умрбод таъқиб этажагини англамаймиз.

Урушгача бўлган йилларда ҳам юртда рўшнолик бўлмади. Кама-қамалар туфайли эл ҳадикда қолган пайтлар эди. Бу қора кунлар дугоналарим оиласи бошига ҳам тушди. “Назир акани ҳибсга олишибди”, деган ёмон хабар тарқалди. Нега? Ҳеч ким билмайди. Не-не кунлар тушмади Назир Шоабдурасулов фарзандлари бошига. “Отаси қилмишига боласи жавобгар эмас”, деган Советлар мамлакатада отаси туфайли болалари қанчалар азият чекканини ўз кўзим билан кўрганман. Ҳа, отанинг фарзанд тақдиридаги аламли изларини мен шу Назир Шоабдурасуловнинг икки ўғли қисматида кўрганман.

Назир Шоабдурасуловнинг тўнғич ўғиллари Нуриддин рассомчилик билим юртини тамомлаб, яхши рассом бўлди — уни жуда истеъдодли рассом дейишарди. Лекин иши сира юришмади — бирон асари кўرғазмага қўйилмади. Негаки, у “халқ душмани”нинг фарзанди эди. Нуриддин аканинг иродаси бўш эканми, ичкиликка ружу қўйди.

— Нега ичасиз? Ундан кўра ижод қилсангиз бўлмайдими? — десалар йиғлаб юборарди.

— Аламимдан ичаман, аламимдан! — деярд эди кўксига уриб. — Чизганимнинг фойдаси йўқ. “Халқ душмани”нинг боласи одам эмас... Мен боши берк

кўчадаман... Бошимни қайси тошга уришимни билмайман...

Иккинчи ўғил Жалол аканинг қисмати ундан ҳам оғир кечди. 1938 йилда ҳарбий хизматга чақирилиб, 1941 йилда хизматдан бўшаб ана қайтади, мана қайтади, деб онаизорлари интизор кутган чоғларида уруш бошланиб қолди ва у бедарак кетди — оз эмас, кўп эмас, нақ ў-ўн йил-а! Ўлмаган онанинг жони... кейин билдик. Бу йиллар ичида Жалол ака бирон кун рўшнолик кўрмабди: урушда асир тушиб қолган, асирликдан қочиб чиққач, ўзимизникилар қамаган. “Халқ душмани” фарзанди бўлгач, ундан яхшилик кутилмайди-да... Қамоқ муддати ўтиб бўлгач эса ўз юртига қайтиш, хат ёзиш қатъиян ман этилган, сўнг у Украинанинг бир қатор шаҳарларида она юртидан йироқда яшашга мажбур бўлган. Бу борада ёшига ёш қўшилиб, ёши ўттиздан ошганда — адашиб-улоқиб юрган чоғларида уйланган... Кўргиликларнинг бари “халқ душмани” фарзанди бўлгани оқибатида эди.

Мен эса девор-дармиён қўшним хоналонида бўлиб ўтаётган бу қора кунларнинг ҳамма қаторидаги унсиз шоҳиди эдим. Унсиз шоҳидлар... Шахсга сиғиниш йиллари СССР деб аталмиш коммунистик жамият қуришни кўзлаган мамлакатнинг Фин бўғозидан узоқ шарққача, жанубдаги тоғлик сарҳадларимиздан шимолдаги муз океанларигача бўлган ҳудудда фуқароларнинг авахталарга тиқилишини унсиз кузатган шоҳидларнинг сон-сановига етиб бўлармикин? Қамалганлар қанча эди-ю, юраги ёниб, ёрдам кўрсатишга ожиз, дилидаги ноласи осмон-фалакка унсиз ўрлаган тили ҳам, қўли ҳам “кесик” инсонлар қанча эди? Бунини мен билмайман — ҳеч қачон билолмасам ҳам керак. Назир Шоабдурасулов ва унинг оиласи фожиалари ҳақида ўйлаганимда шундай нохуш фикрлар миямни ва қалбимни пармалайди. Улардан қочиб қутулишнинг сира иложи йўқ. Биргина илож шуки, қўлга қалам олиб, қалбингни ўртаган дардларни қоғоз бетига тўкмоқ. Шўрлик олпоқ қоғоз ҳам дардларингга дош беролмай қораяберади, қораяберади.

1937 йилда Ўзбекистон ер ишлари Халқ комиссари муовини бўлиб ишлаган чоғида халқ душмани деган айб билан ҳибсга олинган Назир Шоабдурасуловнинг ўзи ким эди?

1920 йилда — йигирма икки ёшида Коммунистик партия сафига аъзо бўлган Назир Шоабдурасулов ушбу партия ташкилоти йўлланмаси билан гоҳ Маркида, гоҳ Тошкентда, гоҳ Хоразмда партия ташкилотларида хизмат қилган. 1928—1932 йилларда Свердловск университетида, кейинчалик Тимирязев академиясида ўқиган ва ўқишни тамомлаб келгач, Ўзбекистон ССР Ер ишлари Халқ Комирссарлигида чорвачилик бўйича бошқарма бошлиғи бўлиб ишлаган ва 1934 йилдан бошлаб Ўзбекистон ССР Ер ишлари халқ комиссари ўринбосари вазифасида фаолият олиб борган. Хужжатлар тили “ўқиди”, “сайланди”, “ишлади” дегандек лўнда, жуда қисқа, лекин тирик инсон ҳақида сўз кетганида “яшади” сўзи ҳам бўлмоғи жоиз. “У қандай яшади?” — деган саволга жавоб топмоқ анча мушкул. Зеро, у ҳаётдан кўз юмганидан бу ёғига ордан олтимиш йилдан ортиқ вақт ўтиб, юқорида зикр этилганидек, оилада катта авлод ҳаётдан кўз юмиб кетган бўлиб — эндиликда ҳаёт сахнасида учинчи авлод — Назир Шоабдурасуловнинг набиралари, абираларини кўрамиз. Уларнинг бири Тошкентда бўлса, бири Москвада, яна бири Грецияда дегандек... Архив ҳужжатлари, юқорида айтиб ўтганимдек, лўнда, бекаму кўст, лекин ҳақиқатан ҳам шундаймикин?

Девор-дармиён қўшни бўлганимиз учун билардикки, Назир амаки бошқа шаҳарларда яшаб юрган чоғида рус аёлига уйланган, биз опа-сингил тутинган Файзи опамизнинг Москвада Маечка деган синглиси бор.

Ҳали-ҳали эсимда, урушгача эди янглишмасам, Файзи опам мени кўчада кўриб: “Москвадан синглим келди, исми Маечка, чиқсанг таништириб қўяман”, деганлари. Ўйлаб кўрсам, юртимиздаги ўша давр Коммунистик партия раҳбар ходимларининг, янглишмасам, учдан бири хотин, бола-чақаси устига ўрис хотин олган. Айтишларича, раҳбар ходимнинг байналминаллиги мезони эмиш бу. Ўрис хотин олдим, демак, у — миллатчи эмас...

Бундан бир қанча йиллар муқаддам Москва телевидениесида Россия Президенти Борис Ельциннинг матбуот котиби сўзга чиқди — қора қош, қора кўз, мўйлаби ҳам тим қора. Кимгадир ўхшатдим...

— Вой, Жалол акамга ўхшайди-я... — деб юборибман.
— Жалол аканинг ўғли йўқ эди, ўғлимикан десам, деб

турганимда сурат тагида ёзув кўринди. “Игорь Шоабдурасулов”. “Вой, бу Игорь дегани Файзи опамнинг жияни бўлиши керак. Синглиси Маечканинг ўғли-ку!” — деган фикрга келдим ва Файзи опамга кўнғироқ қилдим.

— Ҳа, менинг жияним Игорь, Майя Назировананинг ўғли бу. Ўрис онам Наталья Александровна ҳам дунёдан ўтганлар. Тўғри ўхшатибсан. Нақ дадамларнинг ўзгинаси, — дедилар.

Ўйланиб қолдим ва бирдан:

— Ирсият! — деб юбордим овозим борица. Шунда бўлиб ўтган бир воқеа ёдимга тушди.

Йигирма етти ёшида вафот этган ўғлим Жамшидхондан икки қиз, бир ўғил қолган эди. Икки қизнинг бири менга, иккинчиси кичик қизимга ўхшарди.

— Қизиқ, неварангиз Сарвархон дадасигаям, тоғасигаям ўхшамайди-я, кимга тортган экан-а, — дейишарди қариндошлар. Кунлардан бир кун дадам изларини излаб кутубхонада “Озод Бухоро” газетасининг 1924 йиллари сонларини варақлаб ўтириб, шу газетанинг редакцион коллегияси аъзолари ва масъул котиби сурати орасида отам Саид Аҳрорийнинг мен ҳеч қачон кўрмаганим суратларини учратдим ва ҳайратдан ёқа ушлаб қолдим. Гап шундаки, отам Саид Аҳрорий 1924 йилдаги йигирма тўққиз ёшидаги суратини кўрган одам набирамнинг ўзгинасини кўргандай бўлади. Тавба, ҳатто ота-онаси ҳам умрида ҳеч қачон кўрмаган бобоси қиёфаси набирамда намоён бўлса... Худди шундай, Игорь Шоабдурасулов ҳам ҳеч қачон кўрмаган бобоси Назир Шоабдурасулов қиёфасида намоён бўлибди-қўйибди. Айни шу фикрлар билан банд чоғимда халқимизнинг “Ўлган яхши — ўлгандан қолган яхши” деган нақли ёдимга тушди. Бу нақлни илк бор эшитганимда бу гап ёқмаган эди. Лекин, эндиликда бобокалонларимизнинг ҳар бир сўзи етти ўлчаб эмас, минг ўлчаб кесилган ҳақиқатлигига иймон келтирдим. Мана қарангки, Назир Шоабдурасуловнинг Россия давлатида — Москвада истиқомат қилган, Россия Президенти аппаратида хизмат қилаётган, дунёга кўз очиб, ҳеч қачон кўрмаган набираси Игорь Шоабдурасулов бобоси қисматидан огоҳ бўлмоқлик учун мустақил республикамиз ташқи ишлар вазирлигига мактуб йўллабди. Демак, у

республикамизда мустамлакачилик даври қурбонлари ёдини абадийлаштириш комиссияси иш юритаётганидан хабар топган ва бобоси номини Хотира китобига киритиш йўлларини излаяпти. Унгача, 1999 йил майида Назир Шоабдурасуловнинг бошқа набираси — қизи Файзи Шоабдурасуловнинг ўғли Фатхулла Шоабдурасулов бобоси номини Хотира китобига киритиш масаласида комиссияга мурожаат қилган эди. Дарҳақиқат: “Ўлгандан қолган яхши” деганда момоларимиз, бобокалонларимиз билиб-билиб, териб-териб айтиб ўтишган экан. Шу ерга келганда бўлиб ўтган бир воқеа ёдимга тушди. Бу воқеанинг бўлиб ўтганига ҳам чорак асрдан ортиқ вақт ўтди. Ҳовлидаги сўрида ўйинчоқларини ўйнаб ўтирган кенжа ўғлим Масъудхон тўсатдан ҳўнграб йиғлаб юборди. Нима бўлди экан, деб югуриб тепасига бордим. Саволимга жавоб бермай, ўзини ҳеч тутолмай ҳўнграб йиғлайди.

— Нега йиғлаяпсан, бир нима бўлдими? — десам тўрт-беш ёшдаги болакай: “Ҳамма ўртоғимнинг бувиси билан буваси бор. Меники нега йўқ?” — дейди, уввос тортиб йиғлайди. “Бувангни отиб юборишган, бувинг эса ҳасрат-надоматда куя-куя кул бўлган — қаришга ҳам улгурмай дарди ҳасратда ўтган-кетган”, дея оламанми?! Боламга яна бир карра ёлғонладим: “Ҳамманинг умри ўлчоқди. Куни битгач, ҳаммаям бу ёруғ дунёдан кўз юмади”, — дедим. Бу оламда беихтиёр неча бор ёлғон гапирдим экан-а?

Шунга ўхшаш ўйлар билан ўртаниб ўтириб-ўтириб, бирдан кўнглим ёришди. Набираларнинг ярим асрдан бурун қатл этилиб кетган боболари изини излаши менга республикамизда юз бераётган янгилашни жараёни ҳаётимизда чуқур илдииз отаётганининг ифодаси бўлиб туюлди. Дилимда ифтихор туйғулари жўш урди: фарзандларимиз, набираларимизнинг инсонпарвар, ватанпарвар одамлар бўлиб улғаяётганининг ёрқин далили бўлиб кўринди. Ёш авлод ўзлигини излаяпти. Кимларнинг фарзандлари эканини билмоқни кўзлаяпти. Замона зайлидан азият чекиб, дарду ҳасратда оламдан кетган аждодларимизнинг пок хотирасини тикламоқчи.

Отаси қамалиб, изсиз кетганда ўн уч яшар бўлган Файзи опа отаси изини тополмагач, Москвага — ўрис онаси Наталья Моисеевадан отаси тақдирини суриштирган эди.

1937 йилнинг 20 августида ҳибсга олинганини ва 1938 йилнинг 4 октябрида СССР Олий Судининг Ҳарбий Коллегияси тарафидан судланганини билган. Эсиз, шу ерга келганда Файзи опа ишни охирига етказишга улгурмади, оғир хасталик туфайли дунёдан ўтди. Энди унинг ўғли Фатхулла Шоабдурасулов бобоси изини излашга тушди... Иккинчи набира Игорь Шоабдурасулов Москвадан туриб Россия ва Ўзбекистон давлатлари дипломатия каналлари орқали бобоси Назир Шоабдурасулов изини излай бошлади.

1999 йил

ОТАМДАН ҚОЛГАН МЕРОС

Бошқаларни қандайлигини билмадиму, аммо отамдан қолган меросни сақлашим учун ёзув столимнинг бир ғаладони кифоя. Отам Саид Аҳрорий 1930 йилда бедарак йўқолиб, онам Вазираҳон Саидали кизи йигирма беш ёшида тўрт гўдак билан бева қолган чоғида Самарқанд шаҳрида Маҳмуд Хоразмий кўчасидаги 4-ҳовлида — бировнинг хонадонида ижарада турардик.

Онамнинг акалари — катта тоғам Саидакбар Саидали ўғли сингилларини тўрт фарзанди билан Самарқанддан Тошкентга — Ҳовузбоғ маҳалласидаги ҳовлиларига кўчириб келганлар. Бувим Ойтўраҳон отин бизни иссиқ бағирларига олганлар. Бобом, бувим, тоғаларим, холам бизни аллада азиз қилиб, қанчалар бошга кўтаришмасин, суйиб эркалашмасин, отанинг ўрни бошқа — унинг ўрни ҳар лаҳзада сезилиб турарди. Гўдак онгинг билан ҳам бу хонадон сеники эмаслигини, сиғинди эканлигинини ҳис этиш мурғак қалбинг учун зил юк. О, ота дийдорига зор-интизор ўтган у йиллар бутун умрга, йўқ-йўқ, бир эмас, балки бир неча умрга татигулик хўрлик ва азоб. Бу азоб сени умринг поёнига қадар таъқиб этса борми, унда нақ қабр азоби — жаҳаннам азобининг ўзгинаси, деяверинг. Бизнинг болалик чоғимизда Хадрада кашкулларини осиб олиб, ҳайқириб юрадиган маддоҳларнинг:

*Отаси бор, онаси бор,
Бозор бошида ўйнайди...
Отаси йўқ, онаси йўқ,
Мозор бошида йиғлайди...—*

деганларини эшитганимда худди мен ҳақимда айтилаётгандек юрагим эзилар, селоб кўз ёшлар юзларимни юварди. Ўксиб-ўксиб йиғлаб олгач, бувим Ойтўраҳон отиннинг насиҳатларини эслардим-да, ўзимни тутиб шу куним учун ҳам Худога беадад шукур қилардим. Аввало шунга шукур қилар эдимки, менинг бошимда онам бор... Лекин шу он яна кўз ёшлар бўғзимдан оларди. Ахир отам бедарак йўқолганлар — ўлик-тириклари номаълум — изларини излаб борсак қабрлари ҳам йўқ-да... Мен шўрликка отам мазори бошида йиғлаш ҳам насиб этмаган-да...

Самарқанддан Тошкентга кўчган чоғимизда асосий юқларимиз қатор-қатор чой яшиқларидаги китоб ва журналлар эди. Ҳали гўдаклигимиздаёқ уйда ҳеч ким йўқлигида шу журналларнинг суратини томоша қилиб кунни кеч қилардик, кейинчалик эса ундаги шеър ва ҳикояларни ўқийдиган бўлдик. “Ер юзи”, “Маориф ва ўқитувчи”, “Машраб”, “Аланга”, “Маориф ва маданият” журналлари. Бу журналлардан мен дадам ёзган шеърларни топиб ўқирдим. Бора-бора бу бойликларимизнинг баракаси ўчди. 1937 йилга келиб у журналлар қайгадир йўқ бўлди — яшиқлар бўшаб қолди. Лекин ҳали ҳам бўлса ўқишга нарса топилади. Етимликнинг аламларини фақат етим бўлгангина билади. Отамни соғиниб, ўзимни қўярга жой тополмай қолганимда чой яшигини кавлаштириб дадамдан қолган қўлёмалар, қораламалар ва журналларни кўздан кечиришга тушардим. Яна... Дадамдан қолган аллақанча суратлар бўлгувчи эди. Тошкентда, Бухорода, Бокуда, Самарқандда олинган. Лекин у суратларнинг кўплари 1937 йилларда йўқ бўлиб кетди. Бизга яхшилик тилаган яқинларимиз у суратларни йўқ қилиб юборишди, журналлардаги кимларнингдир бетларига чизиқ тортишди, у ҳам камлик қилгандай, чаплаб бўяб ташлашди...

Бошланғич синфда ўқиган чоғимиз эди. Ўша пайтларда мактабда бизларга ўқтириларди: “Бизнинг Ватанимиз бўлмиш СССРнинг душманлари кўп. Улар

Ватанимизни ичдан туриб хонавайрон қилиш учун кўп душманлик қилаётир, кўпоровчилик, зараркунандалик билан шуғулланаётир... Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов — хоин..." Бундай васваса ҳаммаёқни тутган. Ҳатто шу даражага бориб етган эдики, мактабда "Уч баҳодир" сурати ичида ҳам СССРга қарши ёзув борлигини айтиб, сурат ичидан шу ёзувни излашарди. Очин-тўқин ва юпун ҳаётимиз ана шунақа машмашалар билан гўё "безанар" эди. Халқ душманлари ҳақидаги ҳар хил мишмишларни эшитиб, ҳеч нимага ақлимиз етмаса-да, ўртаниб, таҳликада уйга қайтамиз...

Аммо уйга етиб улгурмаймиз. Аввал "Ховузбоғ" деб аталиб, кейинчалик Сталин маҳалласи деб ўзгартирилган кўчамиз бошига етганимизда бизни маҳалла қариялари тўхтатишади.

Акбар қассобнинг девори нураб кўчага қўшилиб кетган майдонида деворга тираб устма-уст ётқизиб қўйилган хариларга қатор тизилиб ўтириб олган қариялар бизни ёнларига чақириб олишади-да, кўлимизга газета тутқазишади. Улар биздан СССР Бош Прокурори Вишчинский билан Акмал Икромов ўртасидаги — терговдаги савол-жавобларни ўқиб беришимизни сўрашади. Алифбо ўзгариб, эски ўзбек алифбосидан лотинчага ўтилгани тўғрисида уларнинг ҳаммалари бирваракай саводсиз бўлиб қолганлари сабабли газета ўқишга тишлари ўтмай қолганини кейинчалик англайман. Биз ўқиётган нарсамизнинг маъносини яхши англаб етмаганимиз ҳолда шариллатиб ўқиб ташлаймиз.

Ҳар куни шу аҳвол. Қариялар қўлда газета билан бизни кутишади. Биз ўқиймиз:

Вишчинскийнинг саволи:

Акмал Икромов жавоби:

Қарияларнинг ҳайрат ва нафрат тўла нидолари...

Маҳалламиз кексаларининг ўзаро гапларидан мамлакатда қандайдир бир даҳшатли воқеа юз бераётганини ҳис этгандай бўламиз. Лекин у нима, ақлимиз етмайди. Ўша бўлиб ўтган воқеаларнинг асл моҳиятини англаб етмоқ учун оз эмас, кўп эмас, нақ бир инсон умри кетишини ҳаёлга келтирмаймиз.

Вақт шундай қалтис эдики, одамлар уйда китоб сақлашга қўрқишарди. Қон-қариндошлар, қўни-

қўшнилар бизга яхшилик қилиш учун уйдаги китобларни назоратдан ўтказиб беришар, ҳали айтганимдек, саҳифаларини йиртиб, суратлар устига чизик тортишарди...

Шундай қилиб, қўрқув салтанатида яшаганимиз туфайли дадамдан қолган мерос йиртилди, ёқилди, кули кўкка соврилди.

Аммо... Аммо, қирқ йил қирғин бўлса, ажали етган ўлади, деганларидек ўша қатағон йилларидан нималардир омон чиқди. Дадамдан қолган ўша қўлёзма ва суратлар ана шу даҳшатли йиллардан кейин ҳам бир ғаладонни эгалларди.

Дадамни соғиниб дийдорини кўргим келганда ғаладонни очиб, ундаги нарсаларни бир-бир кўздан кечираман, шеърларни, мақолаларини ўқийман, ёдлайман, мағзини чақаман, дадамнинг қарапилари билан ўз қарашларимнинг уйғунлигидан лол қоламан. (Ахир биз ота-бола ҳеч қачон у ёки бу масалада тиллашиш имконига эга бўлмаганмиз-да...) Сўнг етмиш йилдан бери хонадонимизда сақланиб келаётган суратларни олиб томоша қила бошлайман. Қанчалар ардоқли ва муқаддас онлар бу менинг учун. Гўё отам ва мен қарама-қарши ўтириб мулоқотда бўляпмиз.

Мана бу онам Вазираҳон келинлик чоғларида 1919 йилда, Уқчи маҳалласидаги “Ватан” мактаби ҳовлисида дадам Саид Аҳрорий билан бирга тушган сурат. Дадам эғнидаги ҳарбий либосни кўриб ҳайрон қолганимда, онам менга: “Даданг “Ватан” мактабида асосан тил-адабиёт, Ватан тарихидан дарс берса-да, ҳарбий дарс ўтишга мутахассис топилмагач, талабалар билан ўзлари машқ ўтказардилар. Даданг ҳарбий машқни тугатиб, таъаффусга чиққан пайтларида тушганмиз бу суратга. Ўзимиз ҳам шу мактаб биносида яшар эдик”, — деб тушунтирганлар. Хужжатлардан билишимча, отам Саид Аҳрорий: “Ҳар бир турк фарзанди ботир бўлиши, ҳарбни билиши керак. Ҳеч бир давлат армиясиз яшай олмайди. Ўз турк давлатимизнинг ҳимоясига кўксимизни қалқон қилмоқ учун ҳам ҳарбни билмоғимиз керак...” — дегувчи эканлар талабаларга.

Иккинчи суратда отам замондошлари — маслакдошлари билан. Суратда чапдан ўнгга Садриддин Айний, Шокиржон Раҳимий, Раҳим Иноғомов, Давлат

Ризаев, шоир Фитрат, Абдувоҳид Бурҳон, Абдулла Алавий, Ғози Юнус, Зуфар Носирий, Маҳмуд Субаев, Элбек, Вадуд Маҳмудий, Қайом Рамазонлар билан 1926 йилнинг май ойида Самарқанд шаҳрида тушганлар. Буларнинг бари халқимизнинг маърифатпарвар ўғлонлари. Минг афсуски, шу суратдаги ўн тўрт маърифатпарвар-зиёлидан тўққиз нафари қатағон қилинди, уларнинг қисмати ғожиали якунланди. СССР деб номланган тоталитар давлат тузуми улар бўйнига “халқ душмани” деган тавқи лаънат осиб, ўн гулидан бир гули очилмай дорул ғанога жўнатди. Қолганларининг ҳам ҳаётлари аянчли якунланди.

Мустамлакачилар узоқни кўзлаб иш тутган. Бу яқин орада жумҳурият эс-ҳушини йиғиб, ўзига келиб улгурмаслигининг тадориғини кўрган. Аммо, ҳамма нарсадан ҳам улуғ бўлган ҳаёт ғолиб келди. Ажабланарлиси шундаки, қатағонга йўлиққанларнинг фарзанди бари хўрликлар ва жаҳаннам азобларини енгиб ўтдилар — ҳаётдан ўз ўринларини топиб, яхши инсонлар бўлиб камол топдилар. Улар орасида мен фахрланадиган, мустақил республикамиз ифтихор қилса арзирлик одамлар бор. Аллоҳга беадад шукурки, эзгулик ғолиб келди.

Онам Вазираҳон Саидали қизининг бир сурати неча-неча йиллардан бери хонам тўрида. Бу сурат менинг кўлимга тушишининг ҳам ўз тарихи бор.

Бундан эллик йиллар муқаддам Ҳамза театрида бўлганимда мени шу театр артисти Шокир Нажмитдинов тўхтатдилар-да, кимнинг фарзанди эканлигимни суриштирдилар. (У чоғларда бу театр қошида студия бўлиб, камина ўша ерда таҳсил олардим.)

— Бир дўстимга ўхшатыпман. Ҳатто шахт қадам олишингиз ҳам ўша одамга ўхшайди. — Кейин бошимни силаб эркаладилар. — Қалин дўст эдик отангиз билан. Менга ҳатто онангиз Вазираҳонимнинг суратларини туҳфа ҳам қилганлар, — дедилар.

Унчалик ишонмадим. Лекин Шокир оға менга онам суратини келтириб беришга ваъда қилдилар. Шу суратда онам газета ўқиб ўтирибдилар. Айни шу йигирма беш ёшларида онагинам Вазираҳон тўрт гўдак билан бева қолганлар. Умр бўйи меҳнат билан, ҳадик

билан, азоб билан ўтдилар. Яшадилар дейишга тилим бормайди, Азобда ўтдилар. Бу ҳам ўша тоталитар тузум бошимизга солган азоб-уқубатларнинг бир шингили эди. Онам каби бир этак боласи билан 25—30 ёшида бева қолганларнинг ҳисобига ҳеч ким етмаган. Етиб бўлармикан?!

Яна бир нарсани таъкидлашни истар эдимки, отам бу сурат тагига эски ўзбек ёзувида: “Биродарим Шокир Нажмитдин ўғлига чин дўстлик ва ҳамширалик армуғоним”, — деб ёзган эканлар менинг дили пок отагинам. Суюкли ва гўзал рафиқалари суратини дўстларига армуғон этган эканлар.

Онагинам қисматини кейинчалик ўттиз етти-ўттиз саккизинчи йилларда ҳибсга олинганларнинг бевалари қисматига уйғун тарафи шунда бўлганки, улар ҳам қатор гўдаклари билан бева қолишган. Чуқурроқ ўйлаб кўрилса, ўша машъум йилларда мамлакат генофондига тўлатиб бўлмас талафот етказилган.

Эътиборингизни яна бир суратга қаратмоқчиман. Орқасига лотин ҳарфлари билан “Izchilar to’dasi” деб ёзилган бу сурат 1919 йилда Тошкент шаҳрида олинган. Онамдан эшитиб билишимча, бу 1919 йилда очилган “Ватан” мактаби ҳузурида ташкил этилган кашшофлар уюшмаси. Бу уюшма ҳақида ҳеч ерда ҳеч қандай маълумот йўқ. “Ўзбекистон Энциклопедияси”да ҳам бир оғиз тушунтирилмаган. Бунинг ажабланарли жойи йўқ. Чунки бунга йўл қўйилмаган. Аввалига мен “Изчи” сўзини “Ишчи” бўлса керак, адаш ёзилгандир, деб ўйлар эдим. Лекин кейинчалик ҳужжатгоҳлардаги ҳужжатларни ўрганганимда қуйидагича маълумотларга дуч келдим. Келажакда жумҳуриятимиздаги ёшлар ҳаракатини ўрганишда қўл келар деган фикр билан бу маълумотларни баён этишни лозим топдим.

“Изчилар тўдаси” ҳақида турли фикрлар юради. Улардан бири шоир Ботунинг 1936 йилда Соловкидаги сургундан туриб Сталинга ёзган мактубида ифодаланган. Бу мактубда йигирманчи йилларда Туркистонда ташкил этилган ва иш олиб борган, асосий вазифаси миллий озодлик ҳаракатидан иборат бўлган тўдалар ва уюшмаларга баҳо беришга уринилади.

Унинг ёзишича, “Изчилар тўдаси”нинг асосий вазифаси ўша давр вазиятидан фойдаланиб, очиқчасига иш юритиб, барча турк ёшларининг бошини

қовуштириш, уларни пантуркистлик руҳида тарбиялашдан, уларга ҳарбдан таълим бериш ва имкони борича “Миллий иттиҳод”га унинг аксилинқилобий ҳаракатларида кўмаклашишдан иборат эди.

Аммо, Боту бу мактубни ёзмасидан беш йил муқаддам “Миллий истиқлол” қонга ботирилган эди. Аммо, истиқлолчилардан илгарироқ ҳибсга олинган Боту бу фожиадан беҳабар бўлиши мумкин.

Ҳақиқатан ҳам “Изчилар тўдаси” “Миллий иттиҳод”га кўмакдош бўлган, миллий озодлик ҳаракатларининг ниятларига йўлдош бўлган. Ёшлар қалбида Ватан деган тушунчани ундирган, уларни Ватанни озод кўриш мафкурасида тарбиялаган. “Миллий иттиҳод” Туркистонни мустақилликка олиб чиқишга интилган, бу йўлда кураш олиб борган бўлса, “Изчилар тўдаси” мустақилликни ўз қўлига олган Туркистон учун онгли, билимдон ёш кучларни етиштиришни ўз зиммасига олган. СССР Давлат Сиёсий бошқармаси унга “Миллий истиқлол”нинг ошқора бўлинмаси деб қараган. Уюшма келажак авлоднинг мукамал бўлиб етишмоғи, тоғни урса талқон қиладиган алпомишсифат ўғлонлар бўлиб камол топмоғи йўлида катта ишлар қилган. Ўзтиборингизни яна ўша суратга тортаман. Чап қанотда ўша изчи ёшлар, яъни, янги ҳаётга йўл очувчи, янгича ҳаёт бошлаётган ёшлар. Улар қўлидаги кашшоф таёқлари (гимнастика ўтказишда асқотадиган ўқув қуроли) ва барабанлар. Унг қанотда жумҳуриятимизда ташкил этилган илк духовой оркестр. Уюшманинг ўз дирижёри ҳам бор. Икки қанот оралиғида ўтирганлар “Ватан” мактаби ва уюшма раҳбарлари. Улар орасида (ўртада) менинг отам Саид Аҳрорий (Саид афанди) ҳам бор.

“Аслида бу қандай уюшма?” — деган ҳақли савол туғилиши табиий. Бу саволга тарих саҳифаларидан жавоб излаймиз. Собиқ Совет ҳукумати барча миллий жумҳуриятларни қаттиқ назорат остида тутган. Бизнинг Ўзбекистон ҳам бундан мустасно бўлган эмас — миллий ташкилотлар фаолияти ҳақида тўпланган маълумотлар орасида “Изчилар тўдаси” уюшмаси ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар бор...

“Турон тўдаси”, “Тўдалар тўдаси” каби бирин-кетин ташкил этилган уюшмаларнинг энг биринчиси бўлган

“Изчилар тўдаси”нинг эл орасида довуғи дoston бўлди. Унинг фаолияти билан қизиққан ташиқлотларга чакув етказиб турган кимсанинг ёзишича: “Тўданинг моддий бойлиги аъзолик бадаллари, қўйган спектакллари, ўтказилган томоша кечалари, сайрлар ва лекциялардан тушадиган тушумлар ҳамда хайр-эҳсонлардан иборат” бўлган.

“Изчилар тўдаси” уюшмасида маънавиятга алоҳида аҳамият берилган. Бунга уюшма Бошбуғи (Раиси) Муҳаммад Саид Аҳрорийнинг 1919 йилнинг 17 октябри куни Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийга йўллаган мактубини мисол келтириш мумкин. Мана ўша мактуб:

*“Адиби муҳарриримиз Ҳамза Ҳакимзода
Ниёзий жанобларига!*

Муҳтарам Афандим!

15 октябрда бўлган умумий йиғилишимизда 1200 сўм маош ила “Изчилар тўдаси” ҳайъати таҳририясига қабул этилдингиз. Бундан сўнгра Сизни ҳақиқий бир изчи деб топувимиз ила баробар тўдамизнинг ҳайъат таҳририясидан деб биламиз. Тўдамизга пьесаларингиз бўлса берувингизни ўтинув ила баробар маънавий ёрдамнингизга рижа этамиз.

Буюк эҳтиром ила...”

Мактуб тубида Муҳаммад Саид имзоси.

Билишимча, уюшма қўйган спектакллар орасида Саид Аҳрорийнинг ҳам “Инқилоб” номли тўрт пардали драмаси бўлган. Лекин мен уни ҳали топганимча йўқ.

Отамдан менга қолган мерос у қадар кўп эмас. Аммо уларни умр бўйи кўз қорачиғидай авайлаб асраб келдим. Зеро Истиқлол учун курашганлар ёддан кўтарилмаслиги керак. Заррама-зарра бўлса ҳам ўз тарихимизни тикламоқ Сиз билан бизнинг энг шарафли бурчимиздир.

ЎТТИЗ УЧ ЁШИДА ОТИЛГАН ЭДИ...

Хайринисо Мажидхонова... Агар ҳаёт бўлганида эди — тўқсон беш ёшга тўларди.

Бу ёшдаги онахонларни тасаввур қиламан. Тевараكاتрофи ўғил-қизлар, келин-куёвлар, неvara-чеваралар билан гавжум — кайвони аёл. Истараси иссиқ,

кўзларидан нур ёғиладиган бир онахон. Буни унинг суратидан биламан.

Лекин минг афсус ва надоматлар бўлсинки, Хайринисога кексайиб — сочи оқариб юриш насиб қилмади. Ҳатто турмуш қуриб, бола-чақа орттиришга ҳам улгурмади. Э-воҳ-оҳ-оҳ! Уни эслаганимда бутун жисми жоним ларзага келади. У чеккан азоб-уқубатлар ёпирилиб бошимга тушгандай сесканиб кетаман. Ҳа, сесканаман — юрагимда оғриқ туриб, кўзим жиққа ёшга тўлади ва мен столим устидаги оппоқ қоғоз бетига тикилган кўйи унсиз ўкинчлар гирдобиди қоламан. Унсиз... Ваҳоланки, қалбимда фарёд тўлқинланади, тўфонга айланишга шайланган, лабларимда учмоққа ҳозир турган ҳайқириқни тилимни тишлаб тизгинлайман. Оғриқ кучидан ҳушимга келгандай бўламан, ўзимни тутишга уринаман.

Менинг жисми жонимни бунчалар ўртаган бу аёл ким? Қани эди ўзим ҳам билсам... Хайринисо ҳақида билган маълумотларим узук-юлуқ. Лекин, шу нарсани аниқ биламанки, у мустамлакачилик даври қурбони — Олмония жосуси деган тавқи-лаънатга гирифтор этилиб, отиб юборилган шифокор. Ҳа, Олмонияда ўқиб, шифокор бўлиб юртига келган, шифокор бўлиб фаолият олиб борган қизни тўсатдан ҳибсга олдилар.

Бундан хабардор бўлганда отаси Тошкентнинг Миробод даҳасида истиқомат қилган Мажидхон оқсоқолнинг кўзи жиқ ёшга тўлиб, хотинига қарата: “Боламиздан айрилиб қолибмиз, онаси, қизимиздан жудо бўлибмиз... — деган экан-у, қўлидаги феруза кўзли оғир узугини бармоғидан юлқилаб олиб, ҳўнграб йиғлаганча отқилаб юборган экан. — Қизимни узатсам, куёвимга туҳфа қилмоқни ният қилган эдим. Бу умидим пучга чиқди. Ортиқ қизимни кўрмайман, энди...”

Ўшанда бахти қаро отанинг, мунис онахоннинг кўнглидан нелар кечганини ёлғиз ўзлари-ю Аллоҳ таоло билди ва яна онанинг оқшомдан то тонггача сел бўлиб оққан кўз ёшларидан ивиган ёстиқ билди. Шўри қайнаган бу икки сиймо қизларини қайтиб кўришмади. Кўришмадигина эмас, балки унинг қисмати нима бўлганидан узоқ вақт беҳабар ҳам қолишди.

Шўрлик қиз шу кетганча бедарак кетди. Мажидхон оқсоқол бошини қайси тошга уришини билмасди. Хотини бечора икки кунда чўкди-қолди — хотинининг

кўзига кўзи тушса кўрқиб кетади. Бу кўзларда Мажидхон оқсоқол чексиз мунг, изтироб ва қандайдир бир даҳшатли ифодани кўрарди. Ақлдан озиб қолмасайди Тожихон бечора, — деган ўйда унга далда беришга уриниб кўрарди.

— Ўзингни тут, Тожинисо, бардам бўл! Бошқа болаларингни ҳам ўйла — улар худога нима ёзибди?! Сени бу аҳволда кўравериб адои тамом бўлишди-ку, бу бахти қаролар... Худонинг қилганига бандаси кўнмай иложи қанча?

Юраги биқсиб-тутаб турган Тожихонга бу сўз гугурт қақиб тутилгандай пов этиб ёниб кетди...

— Худо қилди?! Худо! — дея чинқириб юборди аёл кўзлари бежо олайиб. — Худога нима ёмонлик қилибди менинг болам?! “Икра — ўқи” — деган Худо, демабмидингиз қизингизга?! Пайғамбаримиз “Хитойдан бориб бўлса ҳам билим ол”, — деганлар, дедингиз. Сўзингизни ерда қолдирмади-я, қизингиз шўрлик — ҳали шу вақтгача ҳеч ким бормаган юртга кетди-я, болам. Ўқиди... Қизим шўрлик ўқийман деб хорижга бориб, мусофирчиликда неча йиллар азоб чекди-я... Гуноҳи нима унинг... Ўқиганими?... Атрофга олазарак боқди.

— Вой-дод! Дод! Топиб беринглар менинг боламини... — дея фарёд уриб юборди. Болам-м, болам-м, болалаганча ниманидир излагандай ошхонага қараб чопди, қўлида гугурт билан чиқди ва бирдан ҳайқирди: — Ўт қўяман замонасига... Замонанинг зайли, дейди ҳамма. Замонанинг кучи заифа қиз болага етибдими... Ўт кетсин замонасига! — дея ҳовлида у ёқдан бу ёққа югурарди.

Хотинини қай йўсинда юпатишни билмаган Мажидхон оқсоқол ҳам, куя-куя нақ устихон бўлиб қолган хотини ҳам, теварак-атрофда ўқимишли ёшларнинг бири кетидан бири териб кетилаётганини кўриб турган халойиқ ҳам, нима деб ўйлашини, нажотни қаердан излашни билишмасди. Шу йўсин кунлар кетидан кунлар, ойлар кетидан ойлар ўтаверди. Хайринисодан дарак бўлмади.

Мажидхон оқсоқолнинг бормаган маҳкамаси қолмади. “Масков турмасига бориб кўринг...” — деб маслаҳат берди баъзилар. Ўрислар Тошкентни истило қилгач, илк қурган катта биноси турма бўлган эди. Олой бозори биқинида. Халойиқ унга “Масков турмаси”

ном берган эди. Ўша ерга борди, суриштирди. Аммо, у ердан ҳам дарак чиқмади.

— Нима қиламиз энди, онаси, худойим сабр берсин ҳаммамизга... — дейишдан бошқа гап тополмади Мажидхон оқсоқол.

Терговчи унга Ўзбекистон ССР Жиноят мажмуасининг 62, 64, 67-моддалари билан айбланганлигини эълон этди. Ҳатто, унинг Францияга бориб келганидан хабардор эканлар бу маҳкамадагилар.

У Францияда бўлганини инкор этмади. Дугонаси Марям Султонмуродова билан таътил вақтида Парижга — экскурсияга борганини тан олди. Улар Париж операсида бўлишни орзу қилишганини айтди.

Терговчининг вазифаси ўсмоқчилаш экан. Суриштирмаган нарсаси қолмади.

Савол:

— Марямни қачондан бери биласиз?

Жавоб:

— Биринчи бор Олмонияга кетаётганимда Ленинградда бандаргоҳда учратганман. Шу-шу дўстлашиб қолдик. Хоразмлик қиз. У ҳам шифокорликка меҳр қўйган, ўқитувчи бўлишни орзу қилади.

Савол:

— Олмонияда туркистонлик талабалар жамиятига аъзо бўлганмисиз? Талабалардан яна кимлар бу йиғинларда қатнашган?

Жавоб:

— Ҳа, шундай уюшма бор эди. Туркистонлик талабалар йиғилишиб турардик. Мусофирчиликда дуч келган муаммоларни ҳал қилиш борасида маслаҳатлашардик.

Савол:

— Саттор Жаббор, Матқул Султон, Тўлаган Мўминовлар ҳам қатнашармиди?

Жавоб:

— Улар ҳам туркистонлик-ку, ахир. Етишмовчилик ҳаммамизда тиқилиб ётибди. Бир-биримиз билан учрашсак, юртимизга боргандай бўламиз, ахир...

Бунга ўхшаш савол-жавобларнинг ниҳояси кўринмасди. Орадан бир йил ўтиб, СССР Олий Суди Ҳарбий Коллегиясининг Сайёр сессияси, зиммасига тақаган айбларни бўйнига олмаганлигига қарамай Хайринисо Мажидхоновани отувга ҳукм этди. У билан

бирга ўқиб қайтган шифокор Саттор Жаббор ҳам, муҳандис Омонулла Нусратуллаев ҳам отувга ҳукм этилдилар, бутун Россия оқсоқоли деб номланган Михаил Калинин имзо чеккан қарорга кўра, олий жазо ҳақидаги ҳукм чиқарилиши заҳоти зудлик билан ижро этилди, кейин уларнинг барча мол-мулклари мусодара этилди.

Мен Хайринисо Мажидхонова бошига тушган савдолардан саккиз йил муқаддам воқиф бўлганман. Лекин уни қаламга олишга юрагим дов бермай келди. Менинг онам ёшидаги бу аёл бошига тушган мусибатга тоғ ҳам чидамаса керак. Онагинам Вазирахон ҳам мустабид мустамлакачилик даври юргизган гаров туфайли кўп азият чеккан, 25 ёшида тўрт бола билан бева қолиб, бедарак йўқолган отамга аза тутиш-тутмаслигини билмай ҳасратда оламдан ўтган эди. Умр бўйи, 1930 йилдан 1968 йилгача — то вафот этгунларига қадар кутганлари — отамизнинг фожиали қисматидан ахийри 1991 йили хабар топдик. Отам қисматининг мавҳумлиги қилар ишини қилган, онам оғир дардга мубтало бўлган эди. Кўриниб турибдики, азобга солинган ҳар бир инсон ортида унинг оиласи, ота-оналари, фарзандлари бутун умрлари давомида азият чекканлар.

Эндиликда Хайринисо бошига тушган кўргиликларни қаламга оларканман, эскирган жароҳатим янгиланди гўё.

Мен — Хайринисо учун етти ёт бегона киши унинг бошига тушган мусибатга бардош беролмаётган бўлсам, унинг қатл этилганидан олтмиш йил ўтгач эшитганимда бунчалар азоб чексам, ўлмаган ота-онасининг жони, қон-қариндошларининг жони-я... Ҳар гал шундай кўргиликларга дуч келганимда ўзимни сўроққа тутаман:

“Республикамиз бўйича бундай бахти қаролар қанча бўлди экан?! Ҳар гал — йигирманчи-ўттизинчи йилларда ҳам, ўттиз етти-ўттиз саккизинчи йиллардан тортиб, эллик-эллик биринчи йилларда ҳам миллатнинг гули териб олинган экан-да?! Уларнинг сони-саногига келсак, буни, менимча, ҳеч ким билмайди. Республикамиз Президенти имзо чеккан фармонга кўра таъсис этилган мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш бўйича

махсус жамоатчилик комиссиясининг илк вазифаси ана шу мустамлакачилик даври қурбонлари ададини аниқлаш, уларни ном-баном темир дафтарга битиш ва ўша шахидлар ёдини абадийлаштиришдан иборат бўлди”.

Лекин бу борада ўзига хос қийинчиликлар рўй бераётир. Халқимиз бошида бу машъум воқеалар рўй берганидан бери олтмиш-етмиш йиллаб вақт ўтди, жабр тортган аламзада авлод оламдан ўтиб, ҳозирги кунга келиб, учинчи авлод умргузаронлик қилаётир. Янги авлод қалбини зада қилишдан чўчиб айтишмайди. Ўйлайманки, ҳақиқатни, у ҳар қанча огир бўлмасин, ҳамма билмоғи керак. Фарзандларимиз ва набираларимиз боболари ва момолари мустамлакачилик даврида қандай жабр-зулмни бошидан кечирганини дарсликлардан билиш билан кифояланмай, айнан ўзи оғзимиздан эшитгани маъқул. Йўқса, баъзи бировлар каби: “Шу нарсаларни кавлаштиришга на ҳожат?! Ҳа, журналистларга гонорар керак-да!” — дейишлари мумкин.

— Йўқ, азиз ватандошлар. Журналистларга бериладиган қалам ҳақидан ҳали ҳеч ким бойиган эмас. Журналистларнинг қаламини тебратаётган куч — виждон, ҳаққоний сўзни ватандошларига етказиш истаги ва яна, айниқса, ёшлар ҳали ҳеч қайси тарих дарслигида дуч келмаган яқин тарихимиздан баҳоли-қудрат сабоқ бериш истаги. Ҳа, айнан шундай. У дардли кунлар кимнинг бошидан ўтган бўлмасин, у кунларни унутишга ҳаққимиз йўқ. У кунларда бўлиб ўтган сир-синоатлардан юртдошларимизни хабардор қилмоқ бизнинг авлодлар олдидаги бурчимиздир.

2000 йил

ҲАЁТДАН УМИДИ КАТТА ЭДИ

Қизгинанинг исми Сурайё эди. Хонадонларида машъум воқеа юз беришидан бир ҳафтагина аввал дадаси Омонулла қизининг тўрт ойлик бўлгани шарафига зиёфат берган эди. Август ойининг охирилари — ғарқ пишиқчилик. Дастурхон тўкин. Хонадонда қуй ва қўшиқлар тонготар бир-бирига уланди. Ёр-

биродарлар, амма-холалар қизалоқ шаънига энг яхши тилакларни билдирдилар.

— Омонулла, қизинг дарров бир яшар бўлдими? — хайрон бўлиб сўради меҳмонлардан бири. — Куни кечагина эмасмиди Тамбатхоннинг кўзи ёриди деганинг?

— Менинг қизим, Сурайё юлдузим энди тўрт ойлик бўлди. Нега сўраяпсан?

— Зиёфат берганингга ёшига тўлибдими дебман. Ахир, одатда ёшига тўлганда нишонланади-ку туғилган кун...

— Менга қолса, қизимнинг туғилган кунини ҳар ой нишонлайман. Унинг дунёга келиши менинг учун катта байрам. Ахир синглим билан Тамбатхондан бўлак кимим ҳам бор... — ўксик товушда деди ва кейин ўзини қўлга олиб тантанавор қўшиб қўйди: — Ҳар ойнинг шу куни менинг учун байрам. Дўст бўлсанг шу куни бизнигига тўғри кириб келавер...

Омонулла синглиси кўтариб ўтирган йўргакдаги гўдакни бағрига босди.

— Катта бўлса, мен қизимни Оврупанинг марказига — Парижга юбориб ўқитаман! — деди баландпарвоз оҳангда.

— Дадасига ўхшаб олам таниб келаркан-да... Илоҳим ниятингга етгин, — гапга аралашди чақалоқни унинг қўлидан олар экан Муаттар синглиси.

Аммо Омонулланинг орзу-умидлари пучга чиқиб кетди. Орадан ўн кун ҳам ўтмай бўлиб ўтган бир воқеа ҳамма орзу-ҳаваслар устидан қора чизик тортди. Тўрт ярим ойлик чақалоқ Сурайё бир кечада отасидан айрилиб қолди.

Йўқ, йўқ, унинг отаси автомобил ҳалокатига йўлиқмади ёки бирон безори пичоқлаб кетмади. Сурайёнинг отаси Омонулла Нусратуллаев машъум 1937 йилда Сталин даври қатлиомига гирифтор бўлганларнинг бири бўлди.

Ярим кечада, кутилмаганда, тапир-тупур қилиб кириб келган нотаниш кишилар уй эгаларининг эсхонасини чиқариб юборган эди. Яқиндагина кўзи ёриб, ҳали ўзига келиб улгурмаган жувон — актриса Тамбатхон Зиёхонова қўрқиб кетди. Юраги қинидан чиқиб кетгудек гуп-гуп уриб, кураги тагида қаттиқ оғриқ бошланди. Бу оғриқ бутун умр унга ҳамроҳ

бўлишини, шу кунни бошланган дард сабаб оламдан ёш кетажagini ҳали ўзи ҳам билмасди. Осуда хонадонда тинчликка ўрганган гўдак тарақ-туруқ, гупур-гупурдан чўчиб уйғонганича чирқираб йиғлай бошлади. Балки, кейинчаликка бориб, юрагининг операция қилинишига олиб борган дард ўшанда бошлангандир...

Хонадон алғов-далғов. Кириб келган одамлардан бири — Ички ишлар Халқ Комиссарлиги капитанимиди, бу машмашадан фойдаланиб чақалоқни парваришладда кўмаклашиш учун ёлланган Ксения деган мордва қизини бир чеккага чорлаб: “Хўжайининг энди келмайди. Мен билан кет, менинг ҳам шундоқ қизим бор...” — деб шивирлаб улгурган эди.

Чақирилмаган меҳмонларнинг бу хонадонга кириб келишига 1937 йилнинг 4 сентябрь кунни Ички ишлар халқ Комиссарлиги тарафидан тайёрланган қарор ва худди шу кунни Омонулла Нусратуллаевни ҳибсга олиш учун ёзиб берилган ордер сабаб бўлган эди.

Орадан қарийб олтмиш йил ўтиб ҳужжатларни ўрганарканман, қалбимда жунбуш урган ҳислар, фикрлар туғғени — тўфониди ўзимни қўярга жой тополмайман.

Минг тўққиз юз ўттиз саккизинчи йилнинг октябри. Бу кун ҳаво қанақа бўлган? Билмадим. Аммо ўша кунларга доир ўрганган ҳужжатларим менинг дард-дунёимни қоронғи қилиб юбордики, анчагача ўзимга келолмай юрдим. Бу ҳужжатлар инсон ҳуқуқи поймол этилиб, халқимизнинг илмдон, оқил, қалб кўзи ёруғ фарзандлари тоталитар тузум қурбони бўлганлигидан гувоҳлик беради. Ҳужжатларнинг бари рус тилида бўлганлиги учун уларни ўзбекчага ўгириб, бир оз қисқартириш билан диққатингизга ҳавола қиламан. Айни пайтда, бу ҳужжатларни диққат билан ўқиб, мағзини чақишингизни сўрайман.

**СССР ОЛИЙ СУДИ ҲАРБИЙ КОЛЛЕГИЯСИ
САЙЁР СЕССИЯСИНИНГ ЁПИҚ СУД МАЖЛИСИ
ҚАРОРИ**

1938 йил 9 октябрь

Тошкент шаҳри

Раислик қилувчи Бриг, ҳарбий юрист Зайцев ва биринчи ранг юрист Болдирев. Саркотиб 1-ранг ҳарбий юрист Батнер.

Мажлис соат тўққизу йигирма дақиқада очилди.

Раислик қилувчи Омонулла Нусратуллаевнинг Ўзбекистон ССР Жиноят Мажмуасига кўра айбланишига доир иши кўрилажagini эълон қилди. Саркотиб судланувчининг суд залида эканлигидан, гувоҳлар судга чақирилмаганидан огоҳ қилди.

Судланувчи ҳеч қандай талаб қўймади, суд таркибига норозилик билдирмади.

Раислик қилувчи судланувчини унинг бўйнига қўйилган айбларидан огоҳ қилди ва ўзини айбдор деб ҳисоблаш, ҳисобламаслигини сўради, судланувчи ўзини гуноҳкор деб билишини, олдинги терговлардаги кўрсатмасини тан олишини айтади.

Жосуслик қилганини бўйнига олади.

Охириги сўзида судланувчи ҳаётини сақлаб қолишларини сўрайди.

Суд маслаҳатлашиш учун кириб кетади.

Соат тўққизу ўттиз дақиқада ҳукм эълон қилинади ва суд мажлиси ёпилади.

Раислик қилувчи

Алексеев

Саркотиб

Батнер

Бор-йўғи ўн дақиқада бир инсоннинг ёруғ дунёда яшаш-яшамаслиги ҳал этилади. Ҳаётини сақлаб қолиш ҳақидаги Омонулланинг илтимоси ҳавога учди-кетди...

Ҳукмдан қуйидаги сатрларни ҳам таржима қилиб келтираман:

“Нусратуллаев ЎзССР Жиноят Мажмуасининг 58, 64 ва 67-моддаларида кўрсатилган жиноятларни содир этганликда айбдор топилиб, Жиноят Процессуал Кодексининг 128 а, 131-моддаларига биноан

ҲУКМ ҚИЛИНАДИ:

Омонулла Нусратуллаев олий жазога— отувга ҳукм этилиб, унга тегишли мол-мулки мусодара қилинсин.

Ҳукм СССР Марказий Ижроия Комитетининг 1934 йил 1 декабри қарорига биноан зудлик билан ижро этилсин.

Раислик қилувчи...

Аъзолар...”

Худди шундай бўлди. Ҳукм зудлик билан 1938 йилнинг 10 октябри куни ижро этилди. Шу ўринда СССР Марказий Ижроия Комитетининг 1934 йил 1 декабри қарори ҳақида тўхталиб ўтишга зарурат туғилади.

Мана ўша қарор (Бу қарор С.М.Кировнинг отиб ўлдирилиши туфайли қабул қилинган эди).

Иттифоқдош Республикаларнинг ҳаракатдаги жиноий процессуал кодексига ўзгартиш киритиш тўғрисида СССР Ижроия Комитети қарори

СССР Ижроия Комитети қарор қилади:

Террорчилик ташкилотлари ва Совет Ҳукумати ходимларига қарши олиб борилган террорчилик ҳаракатларини кўриб чиқиш ишига қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

- 1. Бу йўсиндаги ишлар терговини ўн кун ичида поёнига етказилсин.*
- 2. Айблов ҳулосаси судда кўрилишига бир кун қолганда айбдорга берилсин.*
- 3. Иш тарафлар иштирокисиз кўрилсин.*
- 4. Ҳукм устидан шикоят аризаси ва афв ҳақида илтимоснома беришга йўл қўйилмасин.*
- 5. Олий жазо ҳақидаги ҳукм чиқарилган заҳоти, зудлик билан ижро этилсин.*

СССР Марказий Ижроия Комитети

Раиси

(М.Калинин)

СССР Марказий Ижроия Комитети

Котиби

(А.Енукидзе)

Москва. Кремл. 1.XII.1934 йил.

Қанчалик даҳшатли қарор эди бу...

Бу қарор билан илк бор танишганимда руҳим тўнғиб қолди — ақлим бовар қилмади. Ишчи-деҳқон ҳукумати саналган Совет мамлакати раҳбарлари бундай қарорга имзо чекиши мумкинлигига ҳали-ҳануз ишонгим келмайди.

Хўш, Омонулла Нусратуллаев ким эди?

Бу саволга жавоб топиш учун уни айбдор санаб ҳибсга олганларидан сўнг тўлдирилган маҳбус анкетасини жиноий ишнинг олтинчи саҳифасидан (ўзбекчага ўгириб) диққатингизга ҳавола қиламан:

МАҲБУС АНКЕТАСИ

Фамилияси: Нусратуллаев.

Исми: Омонулла.

Туғилган йили: 1906.

Туғилган жойи: Бухоро шаҳри.

Турар жойи: 2-Дегрез маҳалласи, 20-уй.

Касби: механик, муҳандис.

Иш жойи: Тошкент Темир йўл транспорти институти. Ишчи факультети, ўқитувчи.

Ижтимоий келиб чиқиши: бек.

Ижтимоий аҳволи: хизматчи.

Революциягача: ўқувчи.

Маълумоти: олий.

Партиясиз, ўзбек, СССР фуқароси.

Оиласи: рафиқаси Тамбат Зиёхонова — 1914 йилда туғилган ва тўрт ойлик қизи бор...”

Терговчи сўроқларидан биламизки, Омонулла Нусратуллаев ўн олти ёшида Олмонияга ўқишга юборилган — 1922 йил сентябридан 1929 йил июнигача, деярли етти йил Олмонияда — Лейпциг шаҳрида машина қурилиши мактабида ўқиган. Олмониядан қайтиб келгач, Тошкент Темир йўл институтининг ишчи факультетида дарс берган, уйланган, фарзанд кўрган. Лекин 1937 йилдаги Сталин даври қатлиоми уни четлаб ўтмаган. Ёш мутахассисни ҳибсга олиб, уни Олмонияда советларга қарши миллий ташкилотга аъзо бўлганликда айблаганлар. Омонулла Нусратуллаев терговларда: (20.XI.37) “Менга қўйилган айбларни тан олмайман (14.XII.37). Ҳеч қандай Советларга қарши жосуслик ташкилотига аъзо бўлмаганман, СССРга қайтаётганимда ҳеч қандай жосуслик топшириғи олмаганман”, — деса, 1937 йилнинг 18 декабрида терговчиларнинг: “Сизнинг советларга қарши Олмонияни ёқлаб ташвиқот қилишингиз терговга маълум. Шу ҳақда кўрсатма беринг...” каби дағдағасига жавобан дона-дона қилиб: “Мен буни инкор этаман, советларга қарши ҳеч қандай ташвиқот олиб бормаганман”, — дейди.

Ва ахийри 1937 йил 22 декабрида, ҳибсга олинганидан кейин уч ой ўтиб тергов тугаганлиги ҳақида протокол тузилади ва Омонулла Нусратуллаевга эълон қилинади. Лекин маҳкумнинг азоб-уқубатлари бу билан барҳам топмайди. Орадан тўққиз ойга яқин вақт

ўтиб, 1938 йил 13 сентябрида Омонулла Нусратуллаев қўшимча терговда Советларга қарши “Озод Туркистон” деган ташкилот бўлганини тасдиқлайди. Бундан ташқари 1929 йилда Олмониядан ватанига қайтиш арафасида советларга қарши миллий ташкилотга аъзо бўлганини, бу ташкилотнинг мақсади Ўзбекистонда Совет ҳокимиятини ағдариб, Ўзбекистонни СССРдан ажратиб, буржуа миллий давлатини барпо этишдан иборат бўлганини, ҳар бир юртига қайтиб келган талабага СССРга қарши Олмония фойдасига жосуслик иши олиб бориш топширилганини тан олади. Бундан сўнг 23 сентябрда Фузаил Шераҳмедов, 1938 йил 3 октябрида Темурбек Казбеков (Олмонияда бирга ўқиган ўртоқлари) билан юзлаштирилганда ҳам жосуслик материаллари тўплаб Олмонияга жўнатганини тан олади.

Нега бирдан бандай ўзгариш? Дастлабки терговда айбни бўйнига олмаган Омонулла Нусратуллаевдаги бу ўзгариш сабаби нима? Балки тўққиз ой давомида терговсиз мавҳумликда ҳибсда ётиш ўз ишини қилгандир?! “Бўлари-бўлди, буёғи синди” қабилида иш тутгандир Омонулла Нусратуллаев?! Ахир у дастлабки терговда айтганидек бегуноҳ эди-ку!..

Тергов ишининг 106-саҳифасини ўрганиш жараёнида дуч келганим ёзувлар бу саволларга жавоб беради. Азиз ўқувчи, сиз ҳам бу ҳужжатларга эътибор қилинг. Ўша йилларда маҳбуслардан керакли маълумотларни олиш ниятида қаттиқ тазйиқлар қўлланганлигини билиб оласиз. Мана ўша маълумотлардан айрим қисмини эътиборингизга ҳавола қиламан:

МАЪЛУМОТНОМА

Ўзбекистон ССР Ички Ишлар Халқ Комиссарлигининг Леонид Исакович Леоновнинг (архив) тергов иши бўйича...

Бу маълумотномада Л.И.Леонов-Немировский 1941 йилнинг 7 июлида Ўзбекистон ССР Олий Суди Ҳарбий Коллегияси тарафидан содир этган жиноятлари учун отувга ҳукм этилганлиги ва ҳукм 1941 йилнинг 21 июлида ижро қилинганлиги кўрсатилади.

Леонов-Немировский Ўзбекистон ССР Ички Ишлар Халқ Комиссари муовини бўлиб хизмат қилган кезларда аксилинқилобий шахслар ва ташкилотларга қарши

кураш баҳонасида оператив ходимларга Ўзбекистонда истиқомат қилган аҳолини оммавий ҳибсга олиш топшириғини берганликда айбланган. Ҳибсга олинганлар сохталаштирилган маълумотлар асосида оғир аксилинқилобий жиноятларда айбланганлар.

Леонов-Немировский оператив ходимларга тергов жарёнида қонундан ташқари усулларни қўллаш ҳақида буйруқ берганликда айбдор деб топилган. Бунинг натижасида жуда кўп маҳбуслар қамоқда ўлиб кетганлиги суд ҳукмида қайд этилади...

Омонуллага ҳам, балки, шу усул қўлланилгандир? Балки у азоб-уқубатларга дош беролмай, дастлабки терговдаги сўзларидан қайтиб, аввал инкор этган айбларни бўйнига олгандир? Ким билади, балки... Лекин ундан бошқа ҳам сабаблар бўлгандир...

Ҳар қанақа жамиятда, у буржуа бўладими, демократик бўладими, хиёнатчи, тўхматчилар бўлади. Бизнинг, ўша чоқларда социалистик деб номланган жамиятда ҳам тўхматчи, хиёнатчилар бўлган. Ўша йилларда юз бераётган бу қонли қатлиом даврида бўлаётган тўс-тўпалоннинг ҳайбаракаллачилари бўлган. Шунинг учун бўлса керакки, оталаримиз, момоларимиз дуога қўл очганда қуруқ тўхматдан асрашни Яратгандан тилайдилар.

Омонуллага ҳам тўхмат қилувчилар топилди. У билан бирга ишлаганлардан бир нечтаси уни Олмонияни мақтаганликда, Совет тузумини ёмонлаганликда айбладилар. Ҳибсдаги маҳкумнинг қўлидан нима ҳам келарди?! Ўша йилларда қатлиомнинг қўлами қай даражага етганини менга маълум бўлган икки мисол билан тахминан белгилаш мумкин. Масалан, Омонулла Нусратуллаев куёв бўлган Зиёхон эшон ва Нисабувиларнинг Омонулладан ташқари яна икки куёви халқ душмани деб ҳибсга олинган эди. Ўша чоқларда Себзор даҳасида истиқомат қилган бу хонадон эгасининг бир йўла уч қизи Шоҳидахон, Ҳабибахон ва Тамбатхон қўлларида биттадан бола билан бева қолдилар. Бу хонадонда бирданига уч етим қиз: Эркли, Раъно, Сурайё — бири ўн, яна бири беш яшар ва тўрт ярим ойлик Сурайё тирик етим бўлиб қолишди. Беваларнинг бошидан нима кечди-ю, етимлар отасиз не-не хўрликларни бошларидан кечирдилар: фақат ўзларига-ю ва яна Аллоҳга аён.

Ўша 1937—1938 йилларда, ҳозирги “Саодат” журнали “Ёрқин ҳаёт” номида чоп этилган кезларда, бу редакциянинг уч ходими — муҳаррир бўлиб хизмат қилган, кейин туман партия комитети котиби бўлиб хизмат қилган Тожиҳон Шодиева, яна бир муҳаррир, Тошкент шаҳар Киров туман партия Комитети котиби бўлиб ишлаган Собира Холдорова ва редакция адабий ходими Мариям Султонмуродова (қўлда олти ойлик гўдаги билан) ҳибсга олиниб, турли муддатларга совуқ ўлкаларга бадарға қилиндилар. Мана шу икки мисолнинг ўзи мутеълигимиз қай даражага етганлигидан далолат беради.

Булар бари тоталитар тузумнинг халқ устидан юргизган ғарови эди — ҳуқуқсизлигимиз ифодаси эди. Бу ҳуқуқсизлик жуда узоқ давом этди — унинг оқибатида неча-неча минг туркистонликнинг ёстиғи қуриди...

Омонулла Нусратуллаев ҳибсга олинган, тинтув чоғида унинг хонадонидан нимаики олиб кетилган бўлса, ҳеч бири қайтарилмаган. Шунинг натижасида у қамалган чоғида тўрт ярм ойлик қолган қизи Сурайёнинг хонадонидан отасининг бирон-бир сурати йўқ. Қанчалар бахтиқаролик бу ахир!.. Сурайёнинг қўлида отасидан ёдгорлик бўлиб, икки ҳужжатгина қолди. Бири — Омонулланинг вафот этганлиги ҳақида 1958 йил 28 октябрда берилган гувоҳнома. Ундаги ўлим сабаби кўрсатилиши керак бўлган ўрин бўш — ҳеч нима ёзилмаган. Иккинчи ҳужжат Омонулланинг гуноҳсиз эканлигини тасдиқлаб, оқланганлигига гувоҳлик берувчи ҳужжат.

Инсон ҳуқуқи ўша йилларда қанчалар поймол этилганлигини яна бир ёзувдан англаб олсак бўлади. Шу “иш”нинг 86-саҳифасида Омонулла Нусратуллаевнинг рафиқаси Тамбат Зиёхонованинг СССР Ҳарбий трибуналига йўллаган аризаси бор. Аризада у эрининг нима сабабдан қамалганлигини ҳануз билмаслигини айтиб, унинг ўлик-тириклиги, қаердалигини билиш истагини ёзади. Ариза тағида 1958 йил 18 август санаси. Орадан йигирма бир йил ўтиб — тўрт ярим ойлик қолган қизи йигирма бир ёшга кирганда ҳам эри тақдирини билмаган у бахтиқаро аёл...

...Қизгинанинг исми Сурайё эди. Отаси уни Парижга юбориб ўқитишни, олий маълумотли бўлишини орзу қиларди. Лекин унинг орзулари кўксиди кетди — ўн гулидан бир гули очилмай хазон бўлди. Сурайё эса йигирма ёшида отасининг фожиали қисматидан огоҳ бўлади. Отасининг қизига ҳатто битта сурати ёдгор бўлиб қолмади. Аммасиникида қолиб кетган бир суратга ялина-ялина эга бўлди. Энди у, набираларининг бобоси ҳақидаги саволларига жавоб бера олади. Ким билади, балки мавҳумликдан кўра, аччиқ бўлмасин, ҳақиқатни билган яхшироқдир! Муҳими шуки, ҳақиқат эгилиши мумкин-у, лекин синмаслигини, қирқ йилда бўлса ҳам ҳақиқат юзага чиқишига Сурайё ўз ҳаёти мисолида — отаси қисмати мисолида ишонч ҳосил қилди.

Ҳаёт давом этади. Агар Омонулла Нусратуллаев ҳаёт бўлганида неvara ва чеварали бўлган бўларди. У кутган кунлар келди — юртимиз мустақил ватанимиз узра Мустақил Ўзбекистон байроғи ҳилпирамоқда.

ШЎРИ САВДОЛАР

Аёл гўзал эди — жуда гўзал эди. Ўзи ҳам гўзал, хулқи ҳам гўзал, бахти бекам эди. Эндигина йигирма беш ёшга етганда бир чиройли оила бекаси, икки гулдек фарзанднинг онаси эди. Қизлари Виктория билан Лилия исми жисмига ярашиқ гулдеккина, соғлом қизлар эди. Фарзандларининг отаси Мирмуслим эса суюкли хотинининг тилаган тилагини жойига қўядиган одамшаванда, санъатсевар ҳамда маданиятли инсон эди. Ҳамза номли Академик драма театрининг ҳар янги спектаклини биринчи кунлариёқ бориб кўришарди. Раҳбарой ўқийман деди, баъзиларга ўхшаб қаршилиқ қилмади. Мана тиббиёт институтининг толибаси бўлиб юрипти. Оила қурганларига саккиз йил бўлган бўлса, бу йиллар ичида бари тилагига етиб юрибди...

— Сенга ҳавасимиз келади, ўртоқжон. Бахти бекамлигингга ҳавас қиламиз, — дейишаркан дугоналари.

Шундай чоғларда “туп-туп — бахтимизга кўз тегмасин...” — деб қўяркан Раҳбарой юраги бир хапқириб. Лекин бахт билан бахтсизликнинг оралиғи

бир баҳялигини билмаган. Ҳа, ҳа, бир баҳягина экан — қош билан қовоқ оралиғича экан, холос. Бўлмаса, уззий кун бахти бекам бўлган одам оқшомга бориб толеъи нигун — бахти қаро бўлса-қолсая... Шуни айтсалар керак-да: “Бандаси қилади ўттиз, Аллоҳ қилади тўс-тўс” — деб...

Ҳеч кутмаганда бошларига тушган шўр савдолардан гарангсиб қолдилар.

Раҳбаройнинг суюкли ёри Мирмуслим Шермуҳамедовни 1937 йилнинг еттинчи сентябрида ҳибсга олдилар.

Бу гулдек оиланинг шўр савдолари 1937 йил еттинчи сентябрь кунидан бошланди. Мирмуслим Шермуҳамедовни айнан шу кун ҳибсга олдилар. Шу кундан эътиборан туққан ҳар бир кун оила бошига бир-биридан бадтарин шўр савдолар келтирди. Хужжатлардан маълум бўлишича, Бутун Иттифоқ Коммунистик (большевиклар) партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг 1937 йил 2 июль қарори юзасидан СССРда бошланган қатағоннинг илк ойларида авахтага ташланганлардан бўлган экан бу бахти қаро инсон.

1937 йил 51-рақамли қарорда бу операцияни 1937 йилнинг 5 августида бошлаш кўрсатилган ва шу билан бирга бу жазолаш чоралари олтишдан ортиқ республика, автоном республика, область ва ўлкани қамраб олмоғи ва қай биридан қанча одам жазоланмоғи белгиланган эди. Қарорга ҳатто янги қамоқ лагерлари ГУЛАГнинг янги зоналари қурилиши, унга кетадиган сарф-ҳаражатларнинг қаердан ва қанча олинажигидан тортиб, янги қурилажак лагерларга қурилиш материаллари учун қанча гектар ўрмон кесилажаги белгиланиб, қаерда қурилажигача кўрсатилган. Янги қамоқхоналарни қўриқлаш учун заҳирадаги офицерлардан қанчаси сафарбар этилишигача белгиланган. Бу режалар устидан ВКП(б) Марказий Комитети ҳамда Ички Ишлар Халқ Комиссарлигининг неча-неча раҳбарлари бош қотирган.

Бу ҳужжатлар билан яқиндан танишмоқни истаганлар “Труд” газетасининг 1992 йил 4 июнь сонидан янада муфассал ўрганиши мумкин.

Эндиликда маълум бўлишича бу қарор чиққан заҳоти унинг ижросига киришилган. Мирмуслим Шермухамедов ўшанда биринчилар қаторида қамалганлардан бўлган.

Ўшандан буёғига олтмиш олти йил ўтибди ҳамки, ёш-навқирон — бутун сумбатидан куч-ғайрат ёғилиб турган отаси ҳали-ҳануз унга жилмайиб қараб туради. Лилия ўша куни, ўша қора либосдаги амакилар унинг отасини ҳибсга олганликларини англаб етмаган эди. Шу-шу отасиз етимча бўлиб ўсажаги, ота дийдорини ортиқ ҳеч қачон кўрмаслиги етти ухлаб тушига кирмаган эди.

Хатга тушдинг — ўтга тушдинг, деганлари йўсин, эндиликда ИИХ Комиссарлигининг ички турмасига қамалган Мирмуслим Шермухамедовнинг ҳар бир куни сўроқ ҳамда юзлаштиришлар билан ўтабошлади.

1937 йилнинг 21 сентябрида бўлиб ўтган терговда у кетма-кет берилган саволга жавоб қайтараркан, 1926 йилда Самарқанд шаҳри партия ташкилотига ишга юборилгани, 1927 йилда эса Самарқанд округ партия ташкилоти саркотиби қилиб кўтарилганини айтади.

Ундан кейинги саволларга жавобан, 1928 йилдан бошлаб, “Миллий истиқлол” уюшмасига аъзо бўлганини тан олади.

Неча-неча гувоҳлар тергови, маҳкумни улар билан юзлаштиришлар бўлиб ўтган. Мирмуслим Шермухамедов ҳақида маълумот олиш мақсадида Ўзбекистон тамаки савдоси бошқармаси бошлиғи Жаҳон Обидовани сўроқ қилдилар.

Терговчи саволларига Жаҳон Обидова жавоби: Мирмуслим Шермухамедовни 1925 йилдан буёғига иш юзасидан танийман. Шу ҳамкорликда хизмат қилиш жараёнида унинг советларга қарши фаолиятини асло сезмаганман. Мен уни партия ва Совет ҳукумати ишига садоқатли, серғайрат ва фаол коммунист деб билганман. 1926—27 йилларда Шермухамедов Самарқанд округ партия қўмитаси котиби бўлиб хизмат қилган. Мен унинг раҳбарлигида хотин-қизлар бўлими бошлиғи бўлиб ишлаганман. Хотин-қизларни паранжи балосидан қутқариш йўлида кураш борган чоқларда раҳбар сифатида у бизни кўп қўллаб-қувватлаган: энг йироқ туманларга биз билан бирга борар, хотин-қизларни фойдали меҳнатга жалб этмоқ борасида ташвиқот олиб борардик.

Кейинчалик Мирмуслим Шермухамедов Қўқонда сўнгра Ўзбекистон Ком партияси Марказий Комитетида қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи бўлиб хизмат қилди.

Қатор терговлардан сўнг Мирмуслим Шермухамедовга доир иш кўриб чиқиш учун СССР Олий Суди Ҳарбий Коллегиясига Москва шаҳрига йўлланади ва кейинги терговлар Москва шаҳрида бўлиб ўтади.

Бир минг тўққиз юз ўттиз саккизинчи йилнинг 27 апрелида Москва шаҳрида ҳарбий юрист Милянский раислигида, бриг ҳарбий юрист Преображенцев ва Романичев аъзолигида 3 ранг ҳарбий юрист Юдина саркотиблигида СССР Олий Суди Ҳарбий Коллегиясининг ёпиқ суд мажлиси бўлиб ўтган. Бу мажлисда Ўзбекистон ССР КП(б) Марказий Қўмитаси бюроси аъзоси, Марказий Комитетнинг қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи Мирмуслим Шермухамедовни РСФСР Жиноят Мажмуасининг 58⁷, 58⁸, 58⁹, 58¹ моддалари билан айблашга доир судлов иши кўрилди. Бу дегани, шу бир судланувчига ҳокимиятни заифлаштириш, террор, қўпоровчилик каби қатор гуноҳ тақалган.

Хужжатларда қайд этилишича, олиб борилган суд тергови Мирмуслим Шермухамедовнинг 1928 йилдан буёғига Ўзбекистонда фаолият олиб борган ва ўз олдига Совет Ҳокимиятни ағдаришни вазифа қилиб қўйган аксилинқилобий ташкилот аъзоси сифатида иш юритганлиги аниқланганлигини урғулайди. Тергов ишида шунингдек, бу миллий Ташкилот ўнг троцкийчилар билан ҳамкорликда иш юритганлиги, мақсадларига эришмоқ йўлида зараркунандалик, қўпоровчилик, жосуслик, исён кўтаришга ҳозирлик кўриш билан шуғулланганлиги кўрсатилади. Шахсан Шермухамедовнинг ўзи қишлоқ хўжалиги соҳасида зараркунандалик олиб боргани ҳамда исёнчи гуруҳларни тайёрлаганлиги кўрсатилади.

Ҳа, Мирмуслим Шермухамедовга тақалган айблар ниҳоятда оғир эди. Уни Ўзбекистонда ташкил топган “Миллий истиқлол” аксилинқилобий уюшмага аъзоликда, ҳамда саккиз йил мобайнида Ўзбекистонни Совет ҳокимиятидан ажратиб олиб мутақил буржуа давлати қуриш йўлида фаоллик кўрсатганликда айбладилар.

Мирмуслим Шермухамедов “Бошга тушганни кўз кўрар” қабилида шўро ҳокимияти бошига солган жабру жафо-ю зулмларни керагидан ҳам ортиқ — 1938 йилнинг 27 апрелида отувга ҳукм этилгунга қадар роса тортди. Буниңг устига-устак ҳукм СССР Марказий ижроия Комитетининг 1934 йилнинг 1 декабри қарори татбиқ этилиб ўша куниёқ Москва шаҳрида ижро этилган, мол-мулки мусодара этилиб, уй-жойи тортиб олинган.

Шундай қилиб, Мирмуслим Шермухамедов 39 ёшида қатл этилди.

Лекин у бошига тушган бошқа шўр-савдоларнинг кўпидан беҳабар кетди.

Гап шундаки Мирмуслим Шермухамедовнинг қамалганига энди икки ой бўлганда унинг рафиқаси Раҳбар Шермухамедовани ҳам қамаганлар. Уни ўша йилларда янги пайдо бўлган қонун асосида қамаган эдилар. Бу қонунда “Член семьи врага народа” яъни, ЧСВН номланган банд бўлиб, ўзбек тилига “халқ душмани оиласи аъзоси” деб ўгирилади. Раҳбар Шермухамедовани халқ душманининг хотини бўлиб, эрининг аксилинқилобий ҳаракатларидан хабардор бўлатуриб тегишли ташкилотларга етказмаганликда айблаган эдилар.

Ҳужжатларнинг далолат беришича, Раҳбар Шермухамедовани қамоққа олишга 1937 йилнинг 29 сентябрида Ўзбекистон Ички Ишлар Халқ Комиссари майор Загвоздин розилик берган. Ўша 1937 йилнинг 2 декабрида чиқарилган айблов хулосасида Раҳбар Шермухамедованинг Ўзбекистонда капитализмни тиклаш борасида қатор йиллар давомида аксилинқилобий фаолият олиб борган Мирмуслим Шермухамедовнинг хотини бўлганлиги сабабдан ЎзССР Жиноят Мажмуасининг 68-моддаси билан айбланиши кўрсатилган. Уни яна эрининг халқ душманлари билан алоқасидан хабардор бўлатуриб уни яширганликда ва шу билан унга кўмаклашганликда айблаб, унинг ишини кўриб чиқиш учун СССР Ички Ишлар Халқ Комиссарлигининг Алоҳида Кенгашига йўллаш ҳақида қарор чиқарилади.

Бу воқеалар бўлиб ўтган кезларда мен ўн яшар бола бўлганман. Ҳали-ҳали эсимда — мактабда биз билан ёндош 3-синфда Роза Саидова деган бир дугонамиз ўқирди. У Ҳамза номидаги Ўзбек давлат драма театри

директори, ёзувчи Зиё Саиднинг қизи эди. Ўша йилларда унинг отаси халқ душмани бўлганини эшитганмиз. Кейинчалик дугонамиз биринчи синфда ўқиётган синглиси Клара билан мактабда кўринмай қолган. Биз бунинг сабабини билмаганмиз. Кейинчалик — орадан олтимиш йилдан ортиқ вақт ўтиб, тарих саҳифасини ўрганган чоғимда, ўша икки қизалоқ отаси шаънига халқ душмани деган тавқилага тақалиб ҳибсга олинган, онаси Фазилат Саидова ҳам қамалиб уй-жойи мусодара этилган чоқларда опа-сингил етимхонага жўнатилган эканликларидан хабар топдим.

Мирмуслим Шермухамедовнинг бири 7, иккинчиси 5 ёшдаги қизалоғи тақдири ҳам худди ўшандай бўлиб, улар Қозоғистондаги етимхоналардан бирига жўнатилганлар. Ота-она қамоқда, фарзандлар етимхонада. Бу ҳол она учун нақ жаҳаннам оташига тенг эди. Бу жаҳаннам оташида у ёнди, куйди, жизғанаб бўлди. Хулласи калом, бахти бекам оиланинг бу икки гулдай қизи ота-она дийдорига зор-интизор ўсишган. Булар бари мустабид тузумнинг мустамлака юрт фуқароси бошига солган жабр-зулмлари бўлган. Газеталарда: “Халқ душманларига, уларнинг шериклари ва ҳомийларига шафқат йўқ!” — деган сарлавҳали мақолалар чиқар эди. Замона зайли билан юртимизда ўтган у қора кунлар қанчадан-қанча юртдошларимиз бошини еган экан? Буни билгучи борми?

“Қирқ йилда бўлса ҳам ҳақ жойига қарор топар”, — деган нақл бор халқимизда. Қирқ йил эмас, ўн тўққиз йил деганда Раҳбар Шермухамедовани 5 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилиш ҳақидаги 1938 йил 10 июлдаги суд қарори 1957 йилнинг 27 сентябрида қайта кўрилиб, унинг ҳаракатида жиноят бўлмаганлиги учун у оқланди.

Ўтган у йиллар даҳшатини Раҳбар Шермухамедова ёши тўқсонга бориб ҳаётдан кўз юмгунга қадар асло унутмади. Беш йил мобайнида юртидан йироқда қамоқда, фарзандлари тақдирини билолмай чеккан оху-зорлари, қамоқ муддатини ўтаб қайтгач, болаларини излаб етимхонама-етимхона дарбадар кезганлари ва ниҳоят Қозоғистондан топиб келтирганлари. Болаларини бағрига олганидан кейин эса бораё деса бошпана йўқ қийналганлари... (Зеро эри қамалгач Тошкентдаги Уездная кўчасидаги уйлари, кейинчалик

яшаган уйлари ҳам ўзи қамалгач тортиб олинган эди.) Бир умрга татиғулик азоблар, уқубатлар — тузумнинг ўз фуқаросига ўтқазган жабрларини унутиб бўларканми?..

Лекин Раҳбар Шермуҳамедова қамокдан қайтиб келгандан сўнг ҳам, бир вақтлар номига тақалган қора доғ ювилиб оқланганидан кейин ҳам куни кечаги шўр савдолар бу оилани узоқ таъқиб этди. Бу йиллар ичида етимхонада ўсиб вояга етган қизлар мактабни тугаллаб институтга кирар чоқларида оталари халқ душмани бўлганини уларга эслатдилар.

Қизи Лилия институтга кириш имтиҳонларидан яхши ўтди, иншони яхши ёзди. Ёзгани ҳаммага ёқди. Лекин мандат комиссиясида унга халқ душмани фарзандини ўқишга олмасликларини айтишди. Лилиянинг ҳўрлиги келди, ўзини тутолмай умрида биринчи бор, катталарга тик боқиб деди:

— Отамдан беш ёшимда етим қолганман, онам ҳам қамалиб давлат паноҳида — етимхонада ўсганман. Мен халқ душманининг эмас, халқнинг фарзандиман! — Шундай деди-ю, ҳужжатларини қайтариб олиб политехника институтидан чиқди-кетди. Бундай таъқиблардан у оила қуриб, фамилияси ўзгариб Лилия Тўрабекова бўлгачгина қутилди. Унинг опаси Виктория неча йиллардирки шафқат ҳамшираси, икки қиз ва уч неваранинг суюк онахони...

Ҳаёт — ҳаёт экан. Бу йиллар ичида нималар бўлиб ўтмади бу бири кам дунёда. Лилия фарзанд кўрди. Қизи Дилбар ўсди, улғайди. Лилия невра кўрди, онаси Раҳбар аяни токи ҳаётдан кўз юмгунга қадар оқ ювиб, оқ таради. Ёши бир жойга бориб қолган Лилия Тўрабекова эндиликда отасини қўмсаганда қизи ва невараси Зулфизар билан бошлашиб Юнусободда қад ростлаган “Шаҳидлар хотираси” мажмуи, унга ёндош истиқлол йўлида шаҳид кетганлар музейига бориб, юраги ҳовурини босган бўлади.

Бу музейда унинг отаси Мирмуслим Шермуҳамедовнинг ҳамда онаси Раҳбаройнинг сурати бор. У Музейдаги мустақиллик йўлида курашиб, қатл этилган — кафансиз ва жанозасиз кетган отаси ва унинг сафдошларини хотирлаб, бир калима қуръон тиловат қилади, мустақиллик туфайли юртимизда юз очаётган янгиликларни кўриб қувонади. Мустақилликка барқарорлик тилайди.

Шермухамедовларнинг ширингина оиласининг аччиқ қисмати ҳақида фикрлар эканман, собиқ шўро ҳукуматининг бу ва бошқа оилаларни пароканда қилиш борасидаги ҳаракати қалбимни поралайди... Етмиш йилдан ортиқ ҳукм сурган бу ҳукумат ана шундайин бахти қаролар оҳу ноласи туфайли тўкилиб тушмадимикан?!

ДАҲШАТ

Радиодан куй таралади. Ўзбек халқ куйлари. Оҳистагина таралаётган бундай куй-қўшиқлар оҳангида чайқалиб ўтиришни хуш кўраман жуда. Асрлар оша бизгача етиб келган халқ куйлари-қўшиқлари, айниқса, жон роҳати: куйлатади, ўйнатади, ўйлатади, деганларидай...

Ижодхонамдаман. Ўзимизнинг ҳамкасаба журналистларимиз ифодаси билан айтганда, нафақахўрликнинг “гашти”ни суриб ётибдилар, деса бўлади каминани. Журналист нафақага чиқса ҳузур қилиб диванда ёнбошлаб ётади, театр-томошалардан қолмайди, аёл киши бўлса ҳозир урчиб кетган “гўзаллик салонлари”да пардоз-андозга ружу қўяди, — дейишса, асло ишонманг. Журналист агар у ёшини яшаб, ошини ошаб қўйган бўлса, менимча, узундан-узоқ шўро йилларида кўрган-кечирган, эшитган-билган, ўқиган маълумотлари кўпайгандан кўпайиб борганидан, юки оғирлашиб қолиб, айтар сўзларини айтиб улгуришга шошилиб қоларкан... Камина ҳам айти шу аҳволдалар.

Соат эндигина беш бўлибди. Айти шу топда — саҳар мардондан ўрнимдан турғизган ва ёзув столи ёнига етаклаган нарса — бурч масъулияти. Айниқса, мустақилликка эришганимиздан сўнг ҳужжатҳоҳларнинг ёпиқ эшиклари очилгач, мустабид тузум даврида халқимиз бошига тушган шўри-савдоларнинг асл моҳиятидан огоҳ бўлганимдан кейин, бу сир-синаотлардан ёш авлодни огоҳ этиш истаги туғиларкан дилдираган қалбингда. Эл бошида не-не дарралар сингани, ота-боболаримиз ва ҳатто ўзимиз ҳам мустабид тузум даврида не-не зуғумларни кўрганимизни

ҳужжатларга таянган ҳолда кўрсатмоқ зарурати пайдо бўларкан дилингда. Шундай бўлгандан кейин, нафақадан ку, деб ялло қилиб юриш кўнглингга сиғмас экан.

Қалбингда бир овоз (ёш ҳамкасабам Кутби Носирова янглиғ): “Сиз кўпни кўрдингиз — яхшини ҳам, ёмонни ҳам ҳў-ўб мазасини тотидингиз — энди ўзингиздан кейин келаётган ёш авлодга билдиринг. Оқ билан қорани фарқлай оладиган бўлиб ўсишсин”, — деб ниқтаб турганидан кейин таралла бедодга ўрин қаёқда... Ростини ҳам шу. Мустақилликни қўлга киритдик. Аммо уни ёмон кўзлардан асрамоқ керак. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ифодаси билан айтганда: “...ҳалқимиз фақат жисман эмас, руҳан ҳам уйғоқ бўлмоғи даркор. Руҳ бедорлиги учун унинг раҳбар раҳнамолари, олиму зиёлилари, барча фарзандлари масъулдир...” Демакки, мен ҳам масъулман. Нафақахўрман, деб бундан истисно бўлаолмайман...

Шулар ҳақида фикр юритарканман, мустақиллигимиз йиллари, айниқса, сўнгги бир йил ичида ҳужжатгоҳларда дуч келганим сир-синоатлар — Чор Россияси даврида ва ундан сўнг Шўро истибдоди даврида Ўзбекнинг бошига тушган жабру-жафолар худди ҳужжатли кинодаги лавҳалар мисол кўз ўнгимдан лип-лип ўтади ва мен собиқ шўролар давлати тўкилиб тушиб, адои тамом бўлган кезларда Москва вақтли матбуотида пайдо бўлган фош этувчи мақолаларда келтирилган фактларни эслайман. Айниқса, 1992 йилда Москвадаги “Труд” газетаси саҳифаларида чоп этилган ҳужжатлар уни ўқиган ҳар қандай одамда неча-неча йиллар давомида ўзини миллионлаб одамларга раҳнамо санаган Бутуниттифоқ Коммунистик Партияси Марказий Комитетига нафрат уйғотади. Ўқувчи сўзимни асоссиз деб ўйламаслиги учун 1937 йили қайси Республика ёки областдан қанча киши отувга, қатағонга дучор этилиш ҳақидаги кўрсатмалар устида тўхталмоқчиман.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, Советлар мамлакатадаги республикалар, область ва ўлкалар бўйича қатағон қилинажак совет кишилари сони олдиндан белгилаб қўйилган экан. Бу масалада тайёрланган ҳужжатнинг иккинчи бобида

кўрсатилишича, қатағонга дучор этилаётган қулоқлар ва бошқа аксилинқилобий унсурлар икки туркумга бўлинган. Гапимиз куруқ бўлмаслиги учун бу борада баъзи мисолларни эътиборингизга ҳавола этаман. Масалан, Озарбайжон ССРдан биринчи туркум¹да 1500 киши, иккинчи туркумда 3750 киши, яъни республика миқёсида ушбу кўрсатмага кўра жами 5250 нафар кишининг қатағон қилиниши кўзланган. Ўзбекистон ССРдан эса биринчи туркумда 750 киши, иккинчи туркумда 4000 киши, республика миқёсида жами 4750 нафар киши қатағонга маҳкум этилиши кўзланган.

Бу ҳужжатлар билан танишар эканман, ўзимни қўйрга жой тополмадим. Тилим калимага келмай: “Даҳшат!!! Даҳшат!!!” — деярдим яккаш. Бу рўйхат жуда узун бўлганлигидан ҳаммасини кўчириб ўтирмайман. Қисқасини айтганда, бу рўйхатда биринчи туркумда 73850 нафар, иккинчи туркумда 224400 киши ва ҳаммаси билиб 298250 нафар кишининг отилиши ва қаммо юборилиши кўрсатилган эди. Бу қора рўйхатга тушган 16 республика, област ва ўлкадан ҳаммаси бўлиб қанча одам қатағонга дучор этилиши кўрсатилган эсада, аммо уни жамлаб ҳисоблаб чиқишга юрагим дош бермади. Лекин ишончим комилки, бу кўрсатма бизнинг диёримизда ҳам бажо келтирилган. (Битикларим сўнгиди шу кўрсатма асосида жабр кўрган бир юртдошимиз ҳақида ҳам тўхталиб ўтаман.)

Ўз фуқаросини ана шу йўсин қирғинбаротга гирифтор қилиш режасини олдиндан тузган давлат раҳбарлари ҳақида нима деб ўйлаш мумкин? Бу давлат ана шу шўрликларнинг қарғишлари туфайли ҳам пароканда бўлиб кетганлигига тобора амин бўла бораман...

Хулласи калом, бу машъум ҳаракат давлат миқёсида олиб борилган бўлиб чиқяпти ва у ғарбий чегараларимиздан, ҳамда Москвадан то узоқ Шарқнинг йироқ пучмоқларигача бўлган ҳудудларни ўз ичига олади. Ҳужжатларда “операция” деб номланган бу ҳаракатнинг бошланиш куни, қайси ҳудудда қачон

¹ Т у р к у м — Биринчи туркум билан иккинчи туркум орасидаги фарқ шундан иборатки, биринчи туркумга киритилганлар биринчи навбатда қатағон этиладилар. Иккинчи туркумга киритилганлар эса махсус фармойиш келмагунча тўхтатиб туриладилар (Муаллиф).

бошланишидан, қачон ва қаерда тамомланишигача кўрсатилган. Мен танишган маълумотларда, хусусан, қуйидагилар таъкидланади:

III-ОПЕРАЦИЯНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ:

1. Операция 1937 йилнинг 5 августида бошланиб, тўрт ой ичида тамомлансин...

Туркменистон, Тожикистон, Ўзбекистон ва Қирғизистон ССРда шу йилнинг (яъни 1937 йилнинг) 10 августида, Шарқий Сибир области, Красноярск ва Узоқ Шарқ ўлкасида шу йилнинг 15 августида бошлансин...

Бу машъум воқеаларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган ҳужжатларга эътибор қилинадиган бўлса, ҳамма-ҳаммасига “халқлар отаси” бўлмиш Сталин бош-қош эканлиги маълум бўлади.

Россия оммавий-ахборот саҳифаларида дуч келганим қуйидаги ҳужжатларни эътиборингизга ҳавола қиламан. Ўқинг, ўзингиз хулоса чиқаринг.

**БУТУНИТТИФОҚ КОММУНИСТИК (большевиклар)
ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА**
№1151/94 3 июнь 1937 й.

*Ўртоқ Ежовга
Обкомлар, ўлкаларнинг котибларига
Марказий Комитет Сийсий Бюроси
51 рақамли қароридан кўчирма*

1937 йилнинг 2 июлидаги қарор

94— СОВЕТЛАРГА ҚАРШИ ДУШМАН УНСУРЛАР ТЎҒРИСИДА

Область, Ўлка Марказий Комитетлари котибларига қуйидаги телеграммалар жўнатилсин:

Бир вақтлар турли областлардан шимолий ва Сибир районларига сургун этилган, кейинчалик сургун муддати ўтгач, юртларига қайтган собиқ қулоқлар ва жинояткорларнинг кўпчилик қисми колхоз ва совхозларда ҳамда транспорт ва саноатнинг баъзи соҳаларида ҳар қандай советларга қарши ва қўпоровчилик жиноятларини бошлаб берувчи бўлаётганлари сезилмоқда.

ВКП(б) Марказий Комитети область, ўлка ҳамда республика ИИХК вакилларига ватанига қайтган барча қулоқлар ва жиноятчиларни ҳисобга олмақлари, уларнинг ичидаги ашаддий душманлар Учлик тарафидан текширилиб, отиб ташланиши зарур, бундоғроқлари эса ҳисобга олиниб, ИИХК кўрсатмасига кўра сургун қилинмоғи жоиз.

ВКП(б) Марказий Комитети Учлик таркибини, шунингдек, отиб юборилуви ҳамда бадарға қилиниши белгиланганларнинг сонини беш кун ичида Марказий Комитетга хабар қилишингиз таклиф этилади.

МК секретари

И.СТАЛИН"

Ушбу ҳужжатлар билан танишар эканман, ёдимга "Шаҳидлар хотираси" комиссияси аъзоси сифатида ҳужжатгоҳда танишганим бир "иш" тушди. Тошкент область, Оржоникидзе тумани ИИХК туман бўлими ходими 1938 йилнинг 18 январиди Муқимжон Иноғомжонов ҳақида очган жиноий иш эди бу. Уни ўрганган чоғимда фикру хаёлимни чулғаб олган саволларга ёзувларим бошидаги этиборингизга ҳавола этилган ҳужжатлардан жавоб топгандек бўлдим. Бор-йўғи 17 саҳифадан иборат бу жиноий ишнинг биринчи сиҳафасида қамоққа олиш ҳақидаги қарор ўрин олган. Иккинчи бетиди эса 1882 йилди таваллуд топган Муқимжон Иноғомжоновни қамаш ҳақидаги ордер (фармойиш) бор. Уни қамаш ҳақидаги қарорди қуйидагилар: 1931 йилди қулоқ қилиниб, Украинага сургун этилган Муқимжон Иноғомжонов сургундан қочиб келиб, Тошкентнинг Бешёғоч даҳасиди яшириниб юргани, аҳоли орасиди Советларга қарши тарғибот олиб боргани кўрсатилади. Сўнгра ЎзССР Жиноят Мажмуасининг 66-моддаси 1-банди билан жавобгарликка тортишга қарор қилинади.

Қатағон тегирмони гилдирағи шу йўсин айлантириб юборилади. Орадан икки кун ўтиб — 1938 йилнинг 20 январиди "иш"га қишлоқ шўроси тарафидан лотин алифбосиди битилган маълумотнома тиркалади. Бунди зикр этилишича: "...мазкур, миллати ўзбек, ёши 56 да. Унинг 4 гектар ери, от-араваси ва баққоллик дўкони бўлиб, киши кучидан фойдалангани учун 1931 йилди

қулоқ қилиниб, Украинага сургун қилинган, мол-мулки мусодара этилган. Муқимжон Иноғомжонов ул ердан қочиб келиб, Тошкентда юрадир, ҳар замон Қибрайга ҳам келиб қоладир, Тошкентда нима иш қилиши маълум эмас, деб... Имзо, муҳр”.

Ушбу сатрларни ўқир эканман, шу иш юзасидан келтирилган кўрсатмаларда ёши эллик олтидалигини, уй-рўзгор юмушлари билан шуғулланган, саводсиз ва ҳунарсиз хотини, Хайринисо исмли ўн уч яшар қизи, Абдулла исмли ўн икки яшар ўғли, Убайдулла исмли ўн бир яшар ўғли ҳамда Ҳабибулла исмли бир яшар ўғли бўлганини эслайман-да, маълумотномадаги битиклар ҳақида фикр юритаман. Оиласидаги етти жон бўлган бир оила бошлиғи жўжабирдай жон бўлган бу оилада ерга ишлов берадиган одам бўлмаса, ерни ташлаб қўйиши керакми ёки қай йўл билан бўлса-да, иш ҳақини тўлаб, кимнингдир кучидан фойдаланса-да, тириклигини ўтказгани дурустми? Ахир юртимизда ноилож кимса ҳали-ҳануз мардикор ёллайди-ку, дурустми? Шундай экан, ўша Муқимжон Иноғомжонов илк бор қулоқ деб эълон қилинган 1931 йилда ўша пайтдаги ҳуқуқ ташкилотлари хатога йўл қўймадимикан? Кейинги 1938 йилдагилар эса Сталин кўрсатмасидаги сургун қилиш йўриғини муддатида ўтай олмаганлари туфайли ҳам жиноий ишнинг 14 саҳифасидаёқ уни отувга ҳукм этдилармикан?! Ахир Муқимжон Иноғомжонов ҳеч кимнинг мол-мулкига ёинки жонига қасд қилмаган, бирон тирик жоннинг қонини тўкмаган эди-ку...

Ўн етти саҳифадан иборат бу кўримсиз жиноий ишнинг якуни ўлароқ, беш фарзанднинг отаси Муқимжон Иноғомжонов 1938 йилнинг 8 феввалида отувга ҳукм қилинди ва отиб юборилди. Беш норасида етим бўлди, эндигина ўттиз олтига кирган аёл бева қолди.

Лекин бу азобларнинг охири кўринмасди. Муқимжоннинг жазога тортилиши туфайли унинг отаси Иноғомжон Иброҳим ўғли нақ жаҳаннам азобига тушиб қолди: отахоннинг тўнғич ўғли Орифжон оиласи билан Украинага сургун қилинди ва ўша ёқда 1937 йилда эллик бир ёшида бир бурда нонга зор бўлиб, очликдан ўлиб кетди. Орифжоннинг ўзи тузум азобидан ўлиб қутулиб кетгани билан унинг беш нафар ўғлининг

умри Советлар хизматида ўтди — иккинчи жаҳон урушида жон олиб жон беришди. Кенжа ўғли Зайнитдин урушда ҳалок бўлди, иккинчи ўғли Мусажон, ногирон бўлиб қайтди. Отиб юборилган Муқимжоннинг тўнғич ўғли Мустақим урушда ҳалок бўлди, Ақромжон эса ногирон бўлиб қайтди. Лекин урушга бормаган набира ўғлонлар эса амакиларининг касрига қолиб, ҳаётда кўрмаган жабр-жафолари қолмади: ўзлари истаган ўқишга ҳам кира олишмади, кўнгиллари тусаган касбни ҳам эгаллай олишмади. Фақат Абдуллажонгина ватандан йироққа кетиб, Красноярск шаҳрида олий маълумот олишга ва она юртидан йироқда ўз касбида ишлашга муваффақ бўлди. Хулласи калом, уларнинг оиласи кўрган жабру-жафоларни айтиб адо қилиб бўлмайди.

Бола эдим. Қулоғимга кириб, қалбимни поралаган нолали қўшиқнинг айрим сатрлари чала ярим ёдимда қолган:

*“Айтсам, адо бўлмайди,
Етимликнинг дафтари...”*

Энди билсам, мен жинойи иш саҳифаларидан ўрганган бахтиқароликлар фақат шаҳид кетган Муқимжон Иноғомжоновнигина эмас, балки унинг отаси Иноғомжон бобо ва унинг авлодларининг кўргуликларининг айрим сатрларигина экан.

“Энг алам қиладиган жойи шундаки, отам изини излаб, тегишли ташкилотларга борганимда қўлимга ЎзССР ИИХКнинг 1938 йилнинг 9 мартдаги қарори бекор этилганлиги ва отам оқланганликлари ҳақида ҳужжат беришди. Бунга севиңдим, албатта. Аммо ҳайрон қолган нарсам шундаки, менинг отам каби айбсиз айбдор қилиниб, бекорга отилиб кетганлар қанча экан?” — савол назари билан менга қаради у. Аммо мен ҳам жим эдим...

Муқимжон Иноғомжоновга доир “иш”ни ўрганганимда, отаси ҳибсга олинганда ўн бир яшар бўлган ўғли Абдулла Муқимовнинг аризасига кўзим тушди. Фарзанд экан-да, орадан олтмиш йил вақт ўтгандан кейин ҳам отаси изини излаб юрибди. Отаси суратини сўраб юрибди... Э-воҳ, оилада пунтипаноҳ бузрукворнинг биттаям сурати қолмабди-я... Шулар

ҳақида фикр юритарканман, фотиҳага қўл очиб, Аллоҳ таолодан тилайман: “Мустабид тузум бошимизга солган кўргуликларнинг қайтмасга кетгани рост бўлсин. Хурриятимизга кўз тегмасин. Мустақиллигимиз илоҳим абадий бўлсин!”

ЎЛИМ ТЕГИРМОНИ

Тавба! Ёзаверсанг, ёзаверсанг, ҳар қандай дафтар ҳам тўлиб қоларкан. Ўн икки ёки йигирма тўрт саҳифали дафтар эмас, йўқ — йил бошида тутган 240 саҳифали қалин дафтар ҳам дарҳол тўлибди-қолибди. “Бунақа дафтарни энди қайдан топаман?” — деб хаёлчап варақлаб туриб, ёзувларимдаги бир ўхшашлик эътиборимни тортди. “Астаффурулло! Астаффурулло!” — дея ёқамни ушлайман.

Гап шундаки, “Шаҳидлар хотираси” комиссия аззоси сифатида зиммамга юкланган топшириқни адо этиш асносида шахсга сиғиниш йилларидаги қатағон кўламини ўрганишга киришдим. Айни шу жараёнда 1937—1938 йилларда ҳибсга олиниб, учликлар тарафидан ёки СССР Олий Судининг ҳарбий коллегияси сайёр суди ишни кўрганида негaдир маҳкумларнинг аксарияти устидан 1938 йилнинг 4 октябр куни ҳукм чиқарилади ва ҳукм ўша куниёқ ижро этилади...

Нега? Нега? Нега? — дея неча-неча бор савол берганман ўзимга. Нималарнидир англаб етганга ўхшайман. Лекин ҳамон изланишдаман.

Эсимда, агар янглишсам, 1957 йил эди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ўша чоқлардаги саркотиби Нуритдин Ақромович Муҳитдинов республика зиёлиларининг съездидаги маърузаларида Ўзбекистоннинг қатағонга гирифтор этилган шоир ва адибларидан бир неча кишининг оқланганлигини эълон қилдилар. Зални гулдурoс олқишлар тўлдирди. Эсимда қолгани шу эдики, халқимизнинг суюкли адиби Абдулла Қодирий ҳам айнан 1938 йил 4 октябрида қатл этилган. Оқланганлар орасида у ҳам бор эди.

Демак, 1938 йилнинг 4 октябри барча оддий кунлардан фарқли ўлароқ, республикамизда ўта фожиали бир кун бўлган экан...

Юрагим ўртанади, тилим калимага келмайди. “Айтсам тилим қуяди, айтмасам дилим...” деганлари шу бўлса керак. “Гап келганда отангни аяма!” деган гап ҳам бор элимизда. Лекин мен ҳаммани аямайман. Табиатим шундай. Қатағон азобини, жудолик дардининг нималигини, битта отувга ҳукм этилган инсон туфайли қанчадан-қанча қавм-қариндош азобда қолишини мен билай-да... Ўз бошимдан кечган бу дарди бало, азобу уқубатлар...

Шунинг учун бўлса керакки, мана шу 1938 йилнинг 4 октябрида отиб юборилган ватандошларимнинг фожиали тақдирини ўрганганимда ўзимни қўярга жой тополмаганман. Мустабид тузум халқимиз бошига солган кулфатлар кўламини замондошларимиз — ёшу қари албатта билмоғи керак, — деган фикрга келаман ва айнан ўша 1938 йилнинг фожиали 4 октябрида қатл этилган қурбонларнинг мен билган бир нечасини эслаб ўтаман. Турли ёшдаги, турли касбдаги бу ватандошларимизнинг қисмати айнан бир хил бўлган, уларнинг барини “халқ душмани” деган тавқи-лаънат билан айблаганлар. Бу нима — тасодифми ёки махсус қўлланилган жазолаш усулимиди? Қуйида ўша бахтиқаролардан айримларини эслаб ўтаман. Уларнинг қисматини эсга олиш мен учун жуда оғир. Негаким, улар айни куч-қувватга тўлиқ қирчиллама ёшида қийилиб кетган ватандошларимиз. Уларнинг деярлик ҳаммаларига бир айб тақалган — Ўзбекистон Жиноят Мажмуасининг 58, 62, 63, 64 ва 67 моддалари билан айбланиб, ҳаммалари бир кунда 1938 йилнинг 4 октябрида отилганлар.

Мана ўша даҳшатли 1938 йилнинг фожиали 4 октябрида қатл этилган ватандошларимизнинг айримлари:

(Сиз уларни билармикансиз? Булар ичида қавм-қариндошингиз, ҳаммаҳаллангиз бормикан? Рўйхатни диққат билан ўқинг: қани кўринг-чи, кимларни танийсиз?)

Карим Абдуллаев — 1905 йилда Туркистон шаҳрида таваллуд топган. ЎзССР Соғлиқни сақлаш халқ комиссари. 1937 йилнинг 28 август куни ҳибсга олинган.

Даврон Искандаров — 1905 йилда Самарқанд вилояти Мотруд қишлоғида таваллуд топган. 1937 йилнинг 26 октябрида ҳибсга олинган.

Зиё Саид — 1901 йилда Тошкентда туғилган, Ҳамза театри директори, ёзувчи. 1938 йил 4 октябрида отилган.

Али Расулев — 1885 йилда Тошкентда туғилган, у ҳам 1938 йил 4 октябрида қатл этилган.

Қурбон Оллоберганович Берегин — 1904 йилда туғилган. 1938 йил 4 октябрида отилган.

Мирҳамид Хўжаев — 1901 йилда Тошкентда туғилган. 1937 йилнинг 16 августида ҳибсга олинган.

Нуритдин Мирхўжаев — 1904 йилда Бурчмулла қишлоғида таваллуд топган. Москвада планлаштириш академияси тингловчиси бўлган, 1937 йил 21 октябрда ҳибсга олинган ЎзЖКнинг 58, 62, 63, 64 ва 67 моддалари билан айбланган. 1938 йил 4 октябрда қатл этилган.

Хайрулла Отауллаев — 1904 йилда Чимкентда таваллуд топган, Тошкент шаҳар маориф бўлими мудири бўлган. Ўзбекистон жиноят мажмуасининг 51-1 қисми, 63, 67 моддалари билан айбланган.

Ҳамдам Тожиев — 1920 йилда Тошкентда туғилган. Бухоро шаҳар партия комитети секретари, 58, 63 ва 67 модда билан айбланган, 1938 йилнинг 4 октябрида отилган.

Мухситдин Эрматов — 1898 йилда Қўқонда таваллуд топган, ЎзССР Наманган шаҳар Коммунистик партия Комитети котиби бўлиб хизмат қилган, ЎзССР Жиноят мажмуасининг 58, 63, 64 ва 67 моддаларига кўра, СССР ҳарбий коллегияси сессияси томонидан 1938 йилнинг 4 октябрида отувга ҳукм этилган ва ҳукм ўша куниёқ ижро этилган.

Усмонхон Эшонхўжаев — 1899 йилда Андижонда туғилган, Темирийўл сиёсий бўлими ҳузуридаги партия ўқуви курси мудири бўлган. Уни ҳам айнан шу куни қатл этганлар.

Холмуҳаммад Охунов — 1892 йилда Марғилонда таваллуд топган, марксизм-ленинизм илмий-тадқиқот институти масъул муҳаррири бўлиб хизмат қилган чоғида ҳибсга олинган. Унинг мол-мулкини мусодара қилиб, отишга ҳукм этганлар.

Воис Раҳимов — 1904 йилда Хива шаҳрида таваллуд топган. Марксизм-ленинизм асарларини таржима

қилиш тахририяти секретари. 1937 йилнинг олтинчи сентябрида ҳибсга олинган. РСФСР Жиноят кодексининг 58, 63, 64, 67 моддалари билан айбланиб, 1938 йил 4 октябрида отилган.

Ҳошим Сатторов — 1904 йилда Тошкентда таваллуд топган. Тошкент тиббиёт институти директори чоғида 1937 йилнинг 18 августида ҳибсга олинган, ўттиз саккизинчи йилнинг 4 октябрида отилган.

Аслида даҳшатли 1938 йилнинг фожиали 4 октябрида қанча одам қатл этилган? Бу менга қоронғу — мен ҳужжатларни ўрганиш давомида ўзим дуч келганларим ҳақида тўхталдим, холос...

ҲУЖЖАТЛАР ТИЛГА КИРГАНДА

Абдулҳай Тожиев. Бу номни илк бор эшитганимда бола эдим. Даҳшатли қатағон йиллари. Катталарнинг ҳадик билан шивирлашиб сўзлашганларида бир неча исм қўлоғимга чалинган ва шу-шу хотирамда муҳрланиб қолган: Файзулла Ҳўжаев, Акмал Икромов, Абдулҳай Тожиев...

Тасодиф ғаройиб бир нарсда-да... Ўша кунлардан сўнг орадан 64 йил ўтиб, ҳужжатгоҳда ишлаш жараёнида, ўша Абдулҳай Тожиевга алоқадор кишининг жиноий иши билан танишишга тўғри келди.

Бу иш Абдулҳай Тожиевнинг рафиқаси Тожихон Аҳмедованинг жиноий иши эди. Бу сатрларни ўқиган ҳар қандай одам ҳайрат билан: “Нима гуноҳ қилган экан бу аёл?” — деб юбориши табиий.

Абдулҳай Тожиев Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси раиси бўлган. Тергов ҳужжатларида нақл этилишича, у кишини “Миллий иттиҳод” ва “Миллий истиқлол” аксилинқилобий уюшмаси раҳбари, кейинчалик ўнг троцкийчилик миллатчилик блоки бошлиғи ва яна шахсан ўзи:

а) ушбу аксилинқилобий уюшмаларга аъзолар жалб этиш билан шуғулланган;

б) ВКП(б) ва Совет Ҳокимияти тадбирларига қарши ташвиқот олиб борган;

в) Ўзбекистоннинг хориждаги муҳожирларига моддий ёрдам кўрсатган;

г) 1928—1929 йилларда Самарқандда чоғида аксилинқилобий “Миллий истиқлол” уюшмасини Афғонистон орқали англиз разведкаси билан боғлаган, 1931—1935 йилларда — Москвадалик чоғида аксилинқилобий уюшмани англиз резидентураси билан алоқасини мослаштирган ва бу фаолиятини ҳибсга олингунга қадар давом этдирган.

Бу сатрлар терговчиларнинг фикри эди. Кейинги сатрлар ҳам терговчиларга доир.

д) Тошкент шаҳар ҳўжалигида зараркунандалик ишлари олиб борган (бу шаҳар ҳўжалигини планлаштириш ва маблағ билан таъминлашда, болалар яслилари, туғруқхоналар қурилиши, водопроводлаштириш ва ҳоказоларда намоён бўлди);

е) Тошкент тўқимачилик комбинатида зараркунандалик ҳаракатлари олиб боришга тайёргарлик кўрган.

Давлат хавфсизлиги лейтенанти Матвеев бу санаб ўтилган жиноятлар айбланувчининг иқрори ва Акмал Икромов, Шермухамедов ва Каримовларнинг гувоҳлиги билан тасдиқланишини таъкидлаб ўтади.

Орадан кўп ҳам ўтмайди. 1937 йилнинг 14 сентябрида Абдулҳай Тожиевнинг рафиқасини ҳам ҳибсга олдидлар. Ҳужжатларда унинг айбини — “...ўнг троцкийчи аксилинқилобий блок аъзоси Абдулҳай Тожиевнинг хотини” деб ёзиб қўйдилар ва Тошкент турмасига қамалсин, деб кўрсатма бердилар. Қарор сўнгида эса СССР ички ишлар Халқ Комиссарлигининг 1937 йил 15 августда чиқарган 0048 рақамли буйруғига кўра, Тожихон Аҳмедованинг иши алоҳида Комиссия мажлисида кўрилажаги, 5-синф ўқувчиси бўлган ўғли Учқун билан 1-синф ўқувчиси бўлган Латофат болалар уйига жойлаштирилиши кўрсатилади. Шу кўрсатмага кўра, Тожихон Аҳмедованинг уйида тинтув ўтказилиб, 139 номдаги буюмлар хатланиб олиб кетилади. Хатланган буюмлар орасида гардеробдан тортиб, дутор, коса, эркаклар костюми, шими, болалар кўйлаги, пальтоси, кўрпа-тўшак, вилка-қошиқ, штопоргача хатга тушади. Ўша машъум йилларда инсон ҳуқуқи қанчалар поймол этилиб, фарзандлар ота-она бағридан юлқиб олиниб, уларнинг дийдори ва меҳридан мосуво этилиб, етимхонага тапиланганликларини мана эндигина ҳужжатлардан билаяпмиз.

Ўшанда саккиз йилга қамоққа ҳукм этилган Тожихон Аҳмедова болалари дийдорига, айтар сўзига, имо-ишорасига интиқликда, интизорликда ўн тўрт йил ватандан йироқда, сарсон-саргардонликда кун кечиради. Тожихон жиноий ишига тиркалган қисқача таржимаи ҳолидан бу азобларнинг айрим лаҳзаларини илғаб олиш мумкин.

Мана ўша таржимаи ҳол:

“...1938 йилгача Тошкент турмасида азоб чекдим. (Тожихон қаламга олган Тошкент турмаси ўша чоқларда Олой бозори ёнбошида, ҳозирги “Юлдуз” фирмаси ўрнида бўлган. Ҳозирги кунда ҳам фирма ҳовлисининг нариги бошига борилса, собиқ турма биносининг бир қисми ҳануз сақланиб келади. Ўша йилларда турмага ташланган қатор адибларимиз азоб чеккан камера ҳамон мавжуд). Кейинчалик Тожихон Аҳмедовани Мордовия ССРга жўнатдилар.

Сўнгра... 1939 йилдан 1941 йилга қадар Карело Финластининг Самара участкасида Долино почта бўлими доирасида ишлатишди. Қилмаган ишни қолмади: сигир соғдим, новвойлик қилдим, қурилишда ишладим, жазо муддати тугагунга қадар — 1945 йилгача бўёқчилик қилдим. 1945 йил апрелида эркин юришга ижозат тегди. 1948 йил сентябригача яна ишладим. Кейин йўлланмага кўра, Қозоғистон ССРнинг Саригол туманига ишга келдим. Бу йиллар ичида менсиз ўсиб урушга кетган ўғлим Учқун бедарак йўқолди...” Шу таржимаи ҳолни Тожихон 1950 йилнинг декабрида “Карлаг” (Қарағанда ахлоқ тузатиш меҳнат лагери)далик чоғида ёзган.

Фарзанд экан-да, ўғли Учқун 1942 йилнинг 14 сентябрь куни СССР Олий Совети Президиумига ариза йўллаб, онаси ишини қайта кўриб, уни қамоқдан озод этишни сўрайди. ЎзССР ИИХ Комиссарлиги унинг аризасига кўра ишни қайта кўриб чиқади. Тожихон Аҳмедованинг лагерда яхши хизмат қилаётгани аниқлангани, ҳатто раҳматномалар ҳам олгани қайд этилгани ҳолда Учқун Тожиевнинг аризаси қондирилмайди.

Бор-йўғи 36 саҳифадан иборат бу жиноий ишнинг 25-бетида СССР ИИХ Комиссарлиги Секретариатининг иккинчи бўлими берган маълумотнома Тожихоннинг лагерда ўтказган кунларини кўз ўнгимизда намоён этади: “Маҳбус Тожихон Аҳмедова узоқ вақт бўёқчи

бўлиб ишлади, белгиланган нормани ошириб, 110 фоиз бажарди. Бирон марта бўлсин, ҳайфсан олмади”.

Тожихон Аҳмедова тақдирини жиноий ишлар қатламларида яширин ҳужжатлардан ўрганар эканман, дардим ошиб, ёруғ дунё кўзимга қоронғу кўриниб кетди.

Тожихон Аҳмедова жазо муддатини ўтаб бўлиб, Қарағанда лагеридан қутулиб чиққач, судланганликни зиммасидан олишни сўраб, юқори ташкилотларга ариза беради. Ниҳоят 1956 йилнинг 10 мартида Москвадан Давлат Хавфсизлиги майори Портнов имзоси билан жавоб олади. Бироқ минг афсуски, “Тожихон Аҳмедованинг судланишни зиммасидан олишни сўраб берган аризаси қондирилмасин” — дейилади бу мактубда.

Лекин замоннинг зайлида гап кўп экан — 1958 йилнинг 29 октябридаги ЎзССР Олий Суди ёпиқ суд мажлисида Тожихон Аҳмедованинг иши қайта кўрилиб, унинг ҳаракатларида жиноят состави бўлмаганлиги сабабли ишни бекор қилиш ва ёпиш ҳақида ажрим чиқарди.

“Ҳайрият!”, “Ахийри!” деган нидо кўтарилади дилингда. Бир оз енгил тортгандай бўласан. Аммо бу орада ўтган ўн саккиз йил ичида Абдулхай Тожиев билан Тожихон Аҳмедованинг не-не умидлар билан ўстирган ўғилларининг ота-она дийдорига зор, ёруғ кун кўрмай ўтиб кетганлиги, бирам чиройлик оиланинг барбод бўлиб кетганлигини ўйлаганингда, разолат ва мунофиқлик ҳукмрон, ёлғон ғояларни байроқ қилган қизил империяга лаънатлар айтасан. Бугунги эркин ва ҳур Ватан қадрини янада теранроқ ҳис этасан киши. Ёшларга бу озод ва ҳур Ватан шаънини кўкларга кўтармоқ фарз эканлигини уқдиргинг келади...

2001 йил

“МЕН МИЛЛАТЧИ ЭМАСМАН...”

Сарлавҳага чиқарилган бу сатрлар қатағон йилларида ҳибсда азоб чеккан бир маҳбуснинг ёзган энг сўнгги битигидан олинган. Араб алифбосида ёзилган бу битикни тўлароқ келтирадиган бўлсак унда: “Мен ҳеч қачон миллатчи, троцкийчи бўлмаганман. Сохта

кўрсатувлар ёзилиб, икки ой мобайнида не-не қийноқларга солдилар, ахийри мени миллатчи, троцкийчи деб эълон қилдилар. Бу ҳукмдан ўлимни афзал кўрдим...” деб ёзилган бу битик солинган конвертда яна бир хат бўлган экан.

Суюкли рафиқасига ёзган бир энлик хатида ҳам шу гаплар: “Азизим Хадичагинам, оламдан ёш кетаяпман, аммо ўлишни сира-сира истамайман. Сохта кўрсатмалар билан мени халқ душманига чиқариб қўйдилар. Ортиқ яшашни истамайман. Афсус, фарзандлар ёш етим қоляпти. Шўро ҳукумати ва партия ўзи тарбиялаб олар... Шуни билиб қўйинглар, мен халқ душмани эмасман, деб Давлат”.

Бу аянчли битикларни ёзган Давлат деган одам ким?

Хужжатларнинг далолат беришича, халқ орасидан ёв қидириш пайдо бўла бошлаган минг тўққиз юз ўттиз еттинчи йил августида Қорақалпоғистон Автоном Республикаси Обкоми саркотиби, ўттиз тўққиз ёшли Давлат Ризаев ҳибсга олинади. Унга айб тақаш борасида иш олиб борган Давлат Хавфсизлиги лейтенанти Оғабеков ҳозирлаган қарорда қайд этилишича: Давлат Ризаев 1926 йилда Москвада ўқиб юрган чоғидаёқ ўзбек студентлари ичидаги троцкий гуруҳ аъзоси бўлиб фаол иш юритган. Бу қарорда кўрсатилишича ўқишни тугатиб Тошкентга қайтгач, Москвадаги троцкийчи уюшма раҳбари Усмонхон Эшонхўжаев Ризаевга Ўзбекистонда троцкийчилик ишни жадаллаштириш ҳамда троцкийчи уюшма ташкил этиш вазифасини юклаган.

Ушбу айб билан ҳибсга олинган Давлат Ризаев устидан 1937 йилнинг 25 августида биринчи тергов бошланади. Терговчининг: “Бу вазифани қайси йўл билан амалга оширгансиз?” — деган саволига жавобан Ризаев: “Аксининқилобий троцкийчи гуруҳ бўлганидан тамомила беҳабар бўлганлигим учун ҳам ҳеч қандай аксининқилобий троцкийчи гуруҳга кирмаганман ҳам, бу йўлда ҳеч қандай фаолият олиб бормаганман ҳам. Менга қарши қўйилган аксининқилобий миллатчилик-троцкийчи фаолият олиб борганлигим ҳақидаги айбни қатъиян рад этаман. Иш жараёнида бирор хато қилган бўлишим мумкин. Аммо менга тақаббатган миллатчиликка оид айбни ҳеч қачон тан олмайман...” — деб жавоб қилади.

Орадан бир қанча вақт ўтади. Кейинги сўроқларда терговчилар алмашилиб туради. Давлат Ризаев 25 ва 28 августдаги ва ундан кейинги терговларда ҳам худди юқоридаги жавобни такрорлайди. Ўзига тақалаётган айбга асло иқрор бўлмайди.

Орадан ўтган бир ой мобайнида не сир, не синовт ўтгани ҳужжатларда қайд этилмаган. Аммо жиноят ишининг 289 саҳифасига тиркалган акт Давлат Ризаевнинг фожиали қисматидан дарак беради. Уша актни ўрис тилидадан ўзбекчага ўгираман:

АКТ

Биз қуйида имзо чекувчилар Тошкент турмаси қабулхонаси ҳамшираси Петрова ҳамда ЎзССР ИИХК санитария қисми бошлиғи доктор Каст шул тўғрида акт тузамизки, 1937 йилнинг 30 сентябри эрта билан соат 7да ЎзССР ИИХ Комиссарлигидан келтирилган Давлат Ризаев умуртқа суяғи синганлиги ва ички қон қуйилиши туфайли стационарда бир кеча-кундуз ҳам ётмасдан шу йил 1 октябр соат тўртдан йигирма беш дақиқа ўтганда юрак фаолиятининг заифлашиши сабабидан вафот этди.

*ЎзССР ИИХК санитария қисми бошлиғи (Каст)
турма бошлиғи...*

Бу актдан сўнг келадиган саҳифада яна бир ҳужжат борки, у билан танишар эканман бу икки ҳужжатнинг қай бирига ишонмоқ кераклигини билолмай қолдим.

ЎзССР ИИХК оператив бўлими бошлиғи капитан Антонов қайд этган бу ҳужжатда у, ЎзССР Жиноят Кодексининг 66-моддаси I қисми ҳамда 67-моддаси билан айбланган, Хоразм Округининг Янги Урганч шаҳрида 1903 йилда таваллуд топган ва Тошкент шаҳрининг Оққўрғон кўчасидаги 25 ҳовлида истиқомат қилган Давлат Ризаевнинг 1937 йилнинг 30 сентябрида ўзини ўлдиргани сабабли унинг жиноят ишини ёпиш ва ишни архивга топширишга қарор қилган эди.

Аммо бир одамнинг йўқликка кетганидан кейин иш ёпилгач ҳам алдам-қалдам давом этиб, Даврон Ризаевнинг оила аъзоларини лақиллатиб келдилар...

...Ҳужжатларни ўрганишда давом этарканман ҳайратдан ёқа ушлаган кезларим кўп бўлди. Маҳқум оламдан кўз юмиб, жиноий иш ёпилиб, архивга

топширилгандан кейин ҳам Давлат Ризаевнинг фарзандларидан ҳақиқат яширилган...

ЎзССР Министрлар Совети қошидаги Давлат Хавфсизлиги Қўмитаси ходими подполковник Петруханинг ЎзССР ИИХКомиссарлиги биринчи махсус бўлими бошлиғи подполковник Мачаловга йўллаган кўрсатмаси бундан далолат бериб турибди.

“Ўзингиздаги ҳисоботларда 1903 йилда Урганчда таваллуд топган Давлат Ризаевнинг 1942 йилнинг 1 октябрида қамоқда юрак дарди оқибатида вафот этганлигини қайд қилиб ўтишни тавсия этамиз”.

Полковник Петруха ва майор Жириков имзо чеккан бу тавсифнома охирида маҳбуснинг вафоти ҳақидаги маълумот Тошкент шаҳар, Куйбишев районидаги ЗАГС бюросида қайд этилганлиги таъкидланади.

Давлат Ризаевнинг жиноят иши сўнгги саҳифаларида отаси қамалиб кетганда ўн икки ёшда қолган қизи Искранинг тилхати бор. Тилхатнинг мазмун моҳиятида яна бир ёлғон акс этиб тургани учун уни ўрис тилидан ўзбек тилига ўгириб ўқувчига ҳавола қиламан:

ТИЛХАТ

Урганч шаҳрида, Крупская кўчасидаги 40 уйда истиқомат қилувчи менким, Искра Давлатовна Ризаева ЎзССР Министрлар Совети қошидаги давлат Хавфсизлиги Бошқармасининг Хоразм области бўлимидан В/1-Р-23 рақамли ЎзССР Министрлар Совети қошидаги ДХҚўмитаси тарафидан 1957 йилнинг 18 июлида менга йўлланган маълумотномани олдим.

Шунинг баробарида менга отам Давлат Ризаев 10 йил муддатга Ахлоқ тузатиш лагерига ҳукм этилгани ва қамоқ жазосини ўтаётиб Улуғ Ватан Уруши чоғида 1942 йилнинг 1 октябрида юрак фаолиятининг заифлашганлиги сабабли вафот этганлигини эълон қилишди.

Менга отамнинг вафоти ҳақидаги гувоҳномани Куйбишев райони ЗАГС бўлимидан олишим мумкинлигини айтишди...

Давлат Ризаевнинг ҳибсга олинганидан кейин орадан роса 20 йил ўтгач, 1957 июлида бўлаётган машмашалар бу... Лекин ҳақиқат тамомила бўлакча бўлган. Давлат Ризаев 1937 йил августида ҳибсга олиниб, биринчи октябрда Тошкент турмаси қабулхонасида ҳаётдан кўз юмган.

Мана қандай даврда яшаб ўтибмиз экан. Мустабид тузум не-не жафоларни солмади экан ота-боболаримиз бошига: ота-оналар ҳибсга олиниб, гўдаклари етимхоналарни тўлдирган замонлар... Замона зайли дегани шумасмикан?..

1937—1938 йиллардаги қама-қамалар даврида гўдак бўлганмиз. Кейинроқ, 1950 йиллардаги қама-қама вақтида ёнгинамизда ишлаб, ижод қилиб турган шоир ва адиблар: Мирзакалон Исмоилий, Шайхзода, Саидахмад, Шухрат, Шукрулло, Ёнғин Мирзо, Неъмат Тошпўлатлар ҳибсга олинганда нима бўлаётганини англаб етмаганмиз. Баъзилар бу воқеалар Ўрта Осиё Республикаларида бўлиб ўтаяпти деган фикрда ҳам бўлганлар, кейинчалик эса бу фикр нотўғрилигини, бу қатлиом айнан марказдан — Москва ва Ленинград шаҳарларида бошланганини, ўшанда асосан оламга машҳур олимлар териб олинганини билдик, кейинчалик — атоқли олим Владимир Иванов Вернадскийнинг 1938 йилдаги террор ҳақида фикрлари қайд этилган кундалигини ўқиганимда қизил террор бутун советлар диёрини қоплаганлигини англадим:

1938 йил 2 март. “Айтишларича, шу чоққача тегмай келинган 70-90 ёшдаги қариялар ҳам ҳибсга олинаётган эмиш. Череповец шаҳрида 90 ёшли қарияни ҳибсга олганлар ва у қамоқда ўлиб қолган. Унинг хотини эса қамоққа олгани келишларидан бир кун бурун дунёдан ўтган экан”.

1938 йил 9 март. “Бухарин устидан бўлган суд ҳамма қатори менга ҳам қаттиқ таъсир этди. Кўп нарсаларга танқидий қарашга, фикрлашга мажбур этади...”

1938 йил 19 март. “Украинада академикларни қамашаяпти. Микробиологлар ва врачлар кетма-кет қамалаяпти...”

1938 йил 4 апрел. “Террор-қамоққа олиш ва тинтувлар камаймаяпти”.

Айни шу 1937—38 йилларда Ўзбекистонда ҳам қама-қамалар авж олган.

— Нега бундай бўлган? — дея мен ҳам ўзимни саволга тутаман. Нега?! Бошга тушганни кўз кўрар, деб юраверган эканмиз-да...

Ўша йилларда озмунча замондошларимиз бу зулм тегирмонида тортилиб кетдимиз. Хужжатларнинг далолат беришича ўша даҳшатли 1937—38 йилларда ҳам, унгача ва ундан кейинги тургунлик даврида ҳам қонунларимиз мукаммал бўлмаганлиги сабаб бу хунрезликлар юзага келган — деган фикрга келасан киши. Маълум бўлишича зиёлилар ҳамда оддий ишчи ва деҳқонлар билан бир қаторда чекистлар ҳам жабр кўрган эканлар. Айнан мана шу Давлат Ризаевни айблашга доир жиноят ишини кўрганлардан Ўзбекистон ССР Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги ходимларидан министр муовини Апресян олий жазо отувга ва терговчи Оғабеков 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм этилганлар.

Давлат Ризаевнинг фожиали қисмати ҳақида фикрларканман унинг рафиқасига йўланган сўнгги мактуби ўқтин-ўқтин ёдимга тушаверади: “Мен миллатчи эмасман” деган эди ўшанда у. Унинг бу сўзлари юрагим дукурига жўр бўлиб, бошимда мудом чарх уради.

МАҲМУДБОЙНИНГ ЧИРОҒИ ЁНИҚ

Бундан неча-неча йиллар бурун “Саодат” журнали таҳририятида бирга-бирга, яйраб-қувнаб ишлашган ҳамкасабам Дилбар Маҳмудова билан телефондаги мулоқотимиз асносида ҳам гап айланиб шу мавзуга тақалди. Дилбарой қайноталари Маҳмуд Мирзааҳмадбой ўғли ҳам 1937 йилда отиб юборилганини эслади. Эри Тилабжон Маҳмудовнинг (“Гулистон” журнали бош муҳаррири, фалсафа фанлари доктори, профессор, Ҳамза номидаги давлат мукофоти совриндори) бир ёшда етим қолганини, ҳар доим ҳали-ҳануз қон-қариндошларидан, ҳамқишлоқларидан отаси ҳақида сурештириб, отасига ўхшаши бор-йўқлигини сўрайверишини гапириб қолди. Шу бир оғиз сўзи билан жонимни азобда қолдирди. Фиқ бўғилиб, сўззолмай қолдим. Овозимдаги ўзгаришни пайқади чоғи,

Дилбарой: “Сизга нима бўлди, опажоним?” — деб сўради.

— Нима бўлса бўлди, ҳаммасини сиз қилдингиз... — дея ҳазилга бурдим. Лекин ҳали ҳеч нимани тушунмаган бир яшар болагинанинг оламга жавдираб боқиши кўз ўнгимда туриб қолди. Юрсам ҳам, турсам ҳам уни ўйлайдиган бўлиб қолдим.

“Ие, ҳали сен ўзингни бахтиқора деб ўйлайсанми, шўрлик Тилабжон сендан ҳам кўра бахтсиз экан-ку. Сенинг отангни уч ёшингда отишган, Тилабжонни бўлса ёшига тўлмасдан етим қилганлар. Ҳамма нарса қиёсда билинаркан. Демак, мен бахтлироқ эканман: отам қиёфасини биламан. Мени бағирларига босиб кўтарганлар, “дарвоз фалак” ўйнаганлари, “жоним қизим, асал қизим”, деган сўзлари ёдимда қолган, қолаверса суратлари бор...” — деган фикрлар кўнглимдан ўтди.

Хулласи калом, мунчоқдай тим қора кўзларини жавдиратиб ўтирган, қоратўридан келган бир яшар ўғилгина бола кўз олдимдан кетмай қолди. Қай ишга қўл урмайин, кўз олдимда пайдо бўлади-қолади. Ҳатто газета ё журнал ўқиганимда ҳам сатрлар орасидан сизгиб чиқиб мени унсиз саволга тутади. “Туноҳим нима? Нега мени бундай жазога ҳукм этдилар? Нега мени ота деб номланган бахтдан Мосуво этдилар?...” — деб яккаш саволга тутаетгандай бўлади. Ўзимни турли ишларга ураман — чалғитмоқчи бўламан. Лекин Тилаб деган бу болагина кўзини жавдиратиб қаршимда пайдо бўлаверади. Бу болагина пойтахтимиздаги юзларча чақирим наридаги Хумсон қишлоғида яшаган инсонларни уйғоқликка чорлаб баъзан ҳайқириб, баъзида эса кимларнингдир оғриқларини қаърига яшириб, алами зўрлигидан сипо тортгандай оғир-босиқ, жимгина оққан Угам дарёси соҳилларида оламга кўз очган...

Беш қиздан сўнг Аллоҳдан тилаб-тилаб олинган бу ўғилгина болага Тилаб деб ном бердилар. Беш опа укаларини ерга ҳам, кўкка ҳам ишонмасдилар. Болажон бу оилада онаси Татимой, опалари Матлуба, Маҳбуба, Махтама, Ўғилжон, Рислиқ ва бир қишлоқ қавм-қариндошлар бағрида яйраб бўлмаса-да, эркаланиб ўсди. Опалари Тилабни талашиб-талашиб, опичиб, ортмоғлаб, суйиб-эркалаб катта қилишди. Онаси

Татимой унинг болаларга хос бўлмаган ўйчан кўзларига тикилганча: “Нималарни ўйлайсан-а, сен болагина?” — деб сўроқлаб қўярди. Опалари эса бағрига босиб, бисотидаги энг ёқимли сўзлар билан сийлаб, мунчоқдай кўзларидан ўпиб-ўпиб оларди. Лекин болагинани ерга қўйишлари ҳамано қиқирлаб кулиши таппа тинар ва у яна ўйчан бўлиб қоларди.

— Нима бўлган ўзи бу болага-я? — савол берарди опаси ва жавобини топмасди.

Бу хушрўй қизалоқ билмасдики, қанчалар ёш бўлмасин, инисини ҳаммани баравар ташвишга солган жавобсиз саволлар қийнаётганиин... Қанча ўйлагани билан катталар жавоб тополмаган саволларга бу гўдак қаёқдан жавоб топсин?!..

1937 йил — СССР деб номланган бепоеъ мамлакатда қатлиом бошланган чоғлар... Республика пойтахтида бошланган қама-қамалар қанчадан-қанча зиёлиларни домига тортган, Тошкентдан Қўқонга, Фарғона ва Андижонга ўтган қатлиом шаҳарлардан қишлоқларга кўчаётганди...

Хумсон қишлоғида биринчилардан бўлиб ҳибсга олинган одам Маҳмуд Мирзааҳмадбой ўғли бўлди. Бутун қишлоқ сув қуйгандек бўлиб қолди. Қишлоқнинг эгри-бугри жин кўчаларида, ҳосил мўллигидан ҳансираган боғларида ҳадик оралаб қолди. Қариялардан тортиб ёш келинчаклару ерга урса кўкка сачрайдиган болақайларгача шивирлаб сўзлашади. Салқинлаб келиб турадиган шаҳарликларнинг ҳам қишлоқдан оёғи узилди. Тушдан шомгача чўмилувчи болалар шовқинидан дами эшитилмай турадиган Угам яна шовқин солакетди — сой бўйи ҳувиллади-қолди.

Мен бу ғайратли йигитни 1954 йилдан — талабалик йилларидан биламан. Бўстонлик туманининг Хумсон қишлоғидан илм кетидан қувиб пойтахтга келган ўсмир азбаройи илмга, билим олишга ташналиги, ҳаётдан ўз ўрнини топишга интиқлиги ва бу йўлда тиним нималигини билмай қилган ҳаракатлари туфайли болалик йилларида беғубор қалбида ниш урган умид ва орзуларига мисқоллаб етиша борди: исми жисмига монанд қиз Дилбархон билан оила қурди. Севимли шоиримиз Пушкин иборасини қўллайдиган бўлсак, “мен шу тўйда бўлганман — асал еганман”, қизлари

Хулкар билан Гули ҳамда ўзбекнинг сеvimли рассоми Беҳзодга ўхшаган мусаввир бўлсин дея орзулаган ўғиллари Беҳзод ёруғ оламга келганда шодликларига шерик бўлганман. Икки ёш уйлик-жойлик бўлгунга қадар каталакдек уйда истиқомат қилиб, ҳам бола парваришлаб, ҳам ижод қилиб, не-не қийинчиликлар, не-не меҳнатни кўрдим демай тиришиб-тирмашганларининг гувоҳи бўлганман. Икки ёш қўшга қўшилган ҳўкиздай (бу ибора учун минг узр) меҳнат қилишди — на кечаси ва на кундузи тиним билишди: кундузи ҳамма қатори иш, саккиз соатлик ишдан сўнг эса болалар тарбияси, ижод ва иморат қуриш — ўз уй-жойи бўлиши учун интилиш Тилабжонга қўшқанот бўлди. Унинг қилмаган иши қолмади: ҳам қурувчи, ҳам гишт терувчи, ҳам уста, ҳам прораб дегандек... Бу ишларнинг кети кўринмаслигини бир бостирма қурган одам билади. Бунинг устига ёлғиз ўғилнинг қишлоқда қолган онадан, опалардан, эл-юртдан хабар олиб туришнинг ширин ва шу билан бирга оғир ташвишлари ва йўл азоби бор... Буларнинг барига мард одамгина дош беради.

Шунча меҳнатдан сўнг ўз қўлинг билан қурган иморатининг битиши, унинг ичига қўчиб киришнинг қувонч ва ташвишлари — эҳ-ҳе... Хайрият, шодликлар шодликларга уланадиган пайтлар ҳам етиб келган эди. Бу йиллар ичида шунча иш қаторида этика, эстетика ва санъатшуносликка доир 19 та рисола ва монография ёзди, чоп эттирди. Лекин қайси ишга қўл урмасин, болаликда қалбини яралаган жароҳати — отасининг қатл этилиши симиллаб азоб бераверди: отасининг қандайлигини тасаввур этиш учун гап-гаштак ёки тўйларда қарияларга дуч келиб қолганда, отасини суриштирарди. Шу эшитган-билганларини бир-бирига ямаб-ясқаб ўша қуроқдан отасининг бус бутун тимсолини яратишга уринарди. Яхшиямки оиласи, турли-турли интилишларга эга комилу ўктам ўғил-қизлари бор. Хуллас, келажак уни чорлайди, келажакка интилади. Оиласининг, юртининг тақдири — келажаги ўз дарди-ҳасратларини унутишга ундайди. Лекин бунинг уддасидан чиқа олармикан?

Ҳали гўдаклигида отасининг ҳибсга олинганлиги ва 1937 йилда у ўзи бир яшарлигида отиб юборилгани бутун умр унинг ширин ҳаётини заҳарлаб келган оғу

бўлди. Қачон қишлоғига борса, онаси ва опалари тўпланиб қолишса, уларни тинч қўймас: “Мен дадамга ўхшайманми? Қаерим ўхшайди? Қошимми? Кўзимми? Юриш-туришимми?” — дея сўроқлайверарди. Вақтисоати келиб соғинч ва отага интиқлик қиларини қилиб, қаерлардадир отилган кафансиз ва бежаноза кетган, беш қиздан сўнг Аллоҳдан ўгилгина болани тилай-тилай уни суйиб эркаламаган, бўй-у қувончларини кўрмаган бузруквор отаси, паҳлавон келбат Мирзааҳмадбой ўғли Маҳмудга унсиз аза тутарди... Унсиз... Аллоҳ унга берган азобдан кўра бахтсаодатни тўкин берган эса-да, отасини эслолмагани, ундан ҳатто бир сурат қолмагани бутун умрга татигулик алам бўлиб, умр бўйи унга азоб берди. Куни кечагина битган шеърда ана шу аламларни тилга олади:

*Ўксиган кўнгиллар изтироб-ғами,
Нотаниш эмасдир бизга ҳам, э воҳ!
Отасиз бўзладик— аср тугади,
Умидсиз дуога қўл очиб ногоҳ.
Кўчада ҳар кимни учратган чоғим,
Издадим отамнинг қошу кўзини.
Кўкларга ўрлади мен тортган оҳим,
Эшитмай лоақал битта сўзини.
Онам, опамларга бермадим тинчлик,
Айтинг, деб отамга ўхшар қаерим?
Кўзимми, қошим ё пешона, лабим,
Жуссамми, юришим, туришим маним?
Саволлар, саволлар— жавобсиз қолди,
Илтижо, дуолар савобсиз қолди,
“Отилган...”, “Туноҳсиз...”, “Оқланди...” Даҳшат!
Умид ҳам, ишонч ҳам бесамар қолди...*

Бу Тилабжоннинг куни кечагина қоралаган битикларидан. Унинг бу сатрларини ўқирканман, унинг қалби тубида олтмиш йилдан буёнига қўрғошиндай чўкиб ётган, вақти-вақти билан симиллаб оғриқ бераётган жудолик, интиқлик азобини, энг бахтиёр онларда ҳам ўзини эслатиб турган мустабид тўлғоқларини ўзимда туйган бўламан. “Ўтган бу тузумдан Тилабжондек ва мендек азоб чекканлар қанча экан?..” — деган савол кўпларга тинчлик бермайди.

Қанча экан? Қанча экан? Буни қачон биламиз?..

Шу ҳақда фикр юритарканман, ҳар қандай ҳақиқат қиёсда билинади, деган фикр ёдимга келади. Бечора

Тилабжон отасининг қоши-кўзини, бир сўзини эсламайди. Мен эса отамнинг мени бағрига босганча оқшом қоронғисида меҳмондан қайтганини эслайман. Отам бағрининг тафтини ҳали-ҳануз ҳис этгадай бўламан. Шуларни эслаганимда юрагим ҳапқириб кетади. Негаки, укам Эркинхон отам ҳибсга олинганидан сўнг 25 кун кейин дунёга кўз очган.

Истардимки, бу сатрлар билан танишган ҳар қандай одам ўйлашиб қолсин... Бу талотўплар юз берганига ярим асрдан ортиқ вақт ўтибди ҳамки, неча-неча миллионлар қалбига ҳали-ҳануз азоб бераётир. Ўша йилларни бошидан кечирганлар эса ҳали-ҳануз йиғлайди...

Фарзанд экан-да, 1958 йилга келиб Тилабжон отаси изларини излашга ҳаракат қилди. Лекин тегишли ташкилотлардан олган жавобида Маҳмуд Мирзааҳмедов тўғри ҳукм этилгани кўрсатиларди. Лекин Тилабжон бу ҳаракатни тўхтатмади. Орадан бир йигит умри ўтиб, ўғил-қизлари камол топганда, яна ҳаракатга тушди ва ахийри бир ёшида йўқотган отасини ўзи Пайғамбар ёшига етганда топди — тўғрироғи, у отасининг оқлангани ҳақидаги ҳужжатга эга бўлди.

Республикамизда фаолият кўрсатаётган мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш комиссияси олиб бораётган фаолият кўламида яна бир ном пайдо бўлди, янги барпо бўлажак Хотира китобидаги бу ном: Маҳмуд Мирзааҳмедов, Бўстонлиқ тумани, Хумсон қишлоғида 1890 йилда таваллуд топган, деҳқон, 1937 йил 25 сентябрда ҳибсга олинган, колхоз қурилишига қарши ташвиқот олиб боришда айбланган, ҳарбий қисмга тегишли телефон симини узганликда айбланган.

Бу йиллар орасида Тилабжон билан отаси Маҳмуджон дунёга келган Хумсон қишлоғи ўртасидан гулдираб оқиб турган Угам дарёсидан қанча сувлар оқиб ўтди. Замон ўзгарди. Уларнинг ҳамқишлоқлари эндиликда мустақил мамлакатда, ҳур диёрда яшаяптилар.

Ўзимнинг бошимдан ўтказганим учун ҳам Тилаб Маҳмудовнинг бошига тушган кўргуликларни, унинг барча “нозик” томонларини — ота дийдорига, сўзига, маслаҳатига, тиргагига зорлик-интизорлиги берган азобларни яхши тушунаман. Мен ҳар доим: “Отасиз етим бир сенми...” — дея ўзимни овутардим. балки

Тилабжон ҳам ўзи билан ўзи, ўз соғинчлари, ўқинчлари билан ўзи якка қолганда, ўзини худди шундай деб овитгандир. Балки уни ҳам худди мен каби: “Яхшиям болалар онаси билан қолишди, отаси билан қолганда ҳоли нима кечарди етимчаларнинг, оналик етим гул етим...” — дея овутишгандир... Ҳар нима деганларида ҳам етимликнинг нималигини етимликини бошидан кечирган, ўқсиб ўсганлар яхши биладилар...

Етимликда ўқсиб ўсганини эслаганда кўзларини чирт юмиб олиб, бошларини сарак-сарак қилади-да, ҳеч бир гўдакнинг бошига тушмасин бу кўргулик, деб кўйди... Энди ҳеч ким кўрмасин у қунларни...

Ҳа, ҳаёт давом этапти. Хумсон қишлоғи ҳамон гўзал табиятини кўз-кўз қилиб Угам соҳилларини яшнатиб, бағрига чорлаяпти. Оқар дарё гоҳ жимгина, гоҳ тўлқинларни соҳилга уриб бошидан кечирган не-не сир-синаотларни кўрмагандай оқиб ётибди. Унинг соҳилларида Маҳмуд Мирзааҳмедовнинг набиралари, эваралари у яшаб ўтган хонадонда бобокалонларининг чироғини ёқиб даврон суришяпти. Хумсонда эл-юрт биладики, Маҳмудбойнинг чироғи ёниқ.

ИСТИБДОДНИНГ ЯНА БИР ҚУРБОНИ

Отамга доир топганим янги ҳужжат тинчимни олиб қўйди. Топганим десам тўғри бўлмас. Жўрахон Хўжахонов деган янги танишим келтириб берган бу ҳужжат 1928 йилнинг 15 июлида отам Саид Аҳрорийнинг Самарқанд шаҳридан Москвага — Театинопечать деган идорага йўллаган қуйидаги мактуби бўлиб, унда отам ўша ноширлик тарафидан чоп этилган:

1. *Театрнинг ривожланиш йўлида;*
2. *А. В. Луначарскийнинг “Театр нимага хизмат қилади”;*
3. *В. К. Сerezниковнинг “Жамоа бўлиб ифодали ўқиш санъати”;*
4. *В. И. Пудовкиннинг “Киносценарий”;*
5. *А. Голдобиннинг “Кино-картина учун сценарийни қандоқ ёзмоқ керак...”*

китобларини юборишни, имкони бўлмаган тақдирда келажакда чоп этилажак асарлар рўйхатини йўллашни сўрайдилар. Мактубнинг орқа тарафида ўз манзиллари ўрнида: “Самарқад Маориф Халқ Комиссарлиги, Фан бошқармаси. Ғози Олимга — Саид Аҳрорийга топшириш учун”, деб кўрсатилишини таъкидлайдилар. (Мазкур мактуб Жўраҳон Хўжахоновнинг оталари отамнинг қисматдоши Асадулла Хўжахоновнинг қорғозлари орасидан топилган.)

Демак, ёзувчи Саид Аҳрорий пьеса ва сценарий ёзишни ҳам ўйлаган — бунга тайёргарлик кўришга ҳам киришган экан. Мактуб сўнгигаги битикдан маълум бўладики, Саид Аҳрорийнинг яна бир — Ғози Олим деган дўстлари бўлган экан. Отам мактубини олгач қанчалар қувонганимни ёлғиз ўзим билдим. Аввало, отамнинг яна бир қадамларидан огоҳ бўлдим, қолаверса, отам дўстларининг, уларнинг оила аъзоларининг садоқати мени лол қилди. Қандай ажойиб инсон экан-а, бу Асадулла Хўжахонов деган зот. “Миллий истиқлол”чи кимсага тегишли бўлган, ҳар дақиқада бомбадай портламоғи мумкин бўлган мактубни ўша даҳшатли ўттизинчи йилларда сақлашнинг ўзи бўладими?! Ахир айни ўша йиллар Саид Аҳрорий ҳам, Асадулла Хўжахонов ҳам “халқ душмани” ҳисобланиб ҳибсга олинган эди-ку...

Менга отам мактубини келтириб берган Жўраҳон Хўжахонов отамнинг энг яқин дўстларидан, мустабид тузум тарафидан отам билан бир кунда отишга ҳукм этилган ўн беш нафар истиқлолчидан бирининг фарзанди. Эшитган-билганларим, топган ҳужжатларимга кўра отам, Асадулла Хўжахонов ва уларнинг қатор сафдошлари Туркистонни, эътибор беринг-а, Ўзбекистонни эмас, Туркистонни — яъни яхлит турк элини мустабид тузум зулмидан озод этиш йўлида яширин кураш олиб борган сиймолардан бўлганликларини аниқладим. Улар фожиали қисматининг айри нуқтаси шундаки, 1929—1930 йилларда ҳибсга олинган ва 1931 йилнинг 25 апрелида Москва шаҳрида РСФСР Жиноят Мажмуасининг 58-моддасининг турли бандлари, баъзилари бирваракай бир неча бандига кўра отувга ҳукм этилган ўн беш нафар миллий истиқлолсўғчининг беш нафари Москвада отилгану, саккиз нафари Тошкентга

келтирилган — нега? Қолган уч нафари қисмати қандай кечган — буни билишга муваффақ бўлмадим.. Ҳануз билмайман. Айтишларича, Асадулла Хўжахонов Тошкентга келтирилгач, хонадонларида тинтув ўтказилган. Асадуллахоновнинг оналари Шокираҳон аянинг кейинчалик қилган тахминларича, хонадонга тинтувга келганлар “Миллий истиқлолчилар” рўйхатини излаганлар. Гап шундаки “Миллий истиқлол” Тошкент бўлими раҳбарияти учликдан иборат бўлиб, Салимхон Тиллахонов, Ғофуржон Мухомонов ва Асадулла Хўжахонов 1927 йилдан “Миллий истиқлол”нинг Тошкент бўлими раҳбариятида бўлишган.

Маълум бўлишича, Мунавварқори маслаҳатига кўра, тарих учун сақлаб қолиш ниятида “Миллий истиқлолчи”лар рўйхатининг бир нусхаси Асадулла Хўжахоновга топширилган ва бу рўйхатни Асадулла Хўжахоновнинг оналари Шокираҳон ая Қашқарлик маҳалласидаги қўрғон отхонасига кўмиб қўйганлар. Бу орада Шокираҳон ая ҳам бир неча кун ҳибсда ўтирганлар... Онахон ҳам тергов қилинган... Тинтув тугаб, Шокираҳон ая чиқиб келгач, оспойишталик чўккан, рўйхат куйдириб юборилган экан...

Москвадан Тошкентга келтирилган саккиз нафар ватандошимиз шу йўсин, 1931 йилнинг 3 июнь куни Тошкент шаҳрида отилган экан. Лекин Тошкентнинг қаерида? Буни ҳеч ким билмайди. Отилганларнинг қаерда дафн этилгани бирор-бир ҳужжатда қайд этилмаганими? Бу саволлар ҳанузгача жавобсиз турибди...

Асадулла Хўжахоновнинг ўғли Жўраҳон Хўжахонов билан танишувимизга мен ёзган бир мақола сабаб бўлган. 1992 йилнинг 17 июлида “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида менинг “Қалбимни тирнаган армонлар” сарлавҳали мўъжазгина мақолам чоп этилганди. Унда камина, йигирманчи йилларда республикамизда истибдод зулмига қарши кураш йўлида фаолият олиб борган зиёлилар “Миллий истиқлол” деган яширин ташкилотга уюшган ўн беш кишининг рўйхатини илова қилган эдим. Газета чиққач миллий истиқлолчилардан тўрт нафарининг фарзандлари редакцияга келишди. Улар худди мен сингари оталарининг фожиали қисматидан беҳабар эканлар.

Ҳали-ҳали эсимда, биринчи бор учрашганимизда Жўрахон оға зўр бериб: “Раҳмат сизга, опагон, отамдан дарак топиб бердингиз. Отамнинг қисматидан огоҳ қилдингиз...” — дедилар гўё мен оталарини тирик топиб бергандай севиниб. Мен улардаги бу ҳолатни жудаям яхши тушунардим. Негаки ўзим ҳам отамни уч ёшимда йўқотган бўлсам, олтмиш уч ёшимда отам дарагини топганман-да.

Ватанимиз истиқлоли йўлида курашиб шаҳид кетган юртдошларимизнинг охиратлари обод бўлсин. Биз тирикларнинг бурчимиз улар авлодларини топмоқ, улар ёдини абадийлаштирмоқдир.

Шу ўн беш нафар шаҳид кетганлардан бирининг — Асадулла Хўжахоновнинг ўғли Жўрахон Хўжахонов отаси ҳибсга олиниб, дому дараксиз кетганда беш ёшда бўлган эканлар. Асадулла Хўжахоновнинг яна Фаридагон ва Раъногон исмли икки қизи бўлган. Асадуллагоннинг рафиқаси Муқаддасгон ая қатор фарзандлари билан оғзида оши-ю кўзида ёши билан бева қолган-кетган — эрининг қисматидан огоҳ бўлолмаган...

Бу орада олтмиш йил ўтиб кетган, у даврда қўрган-кечирганларини сўзлаб берадиган кимсалар оламдан ўтиб бўлган. Фақат ҳужжатларга таянган ҳолда иш кўриш мумкин, холос. Буни англаб етган Жўрахон Хўжахонов бор бисотини қўздан кечириб, Асадулла Хўжахоновга тегишли баъзи ҳужжатларни излаб топган. “Қатик тўкилса изи қолар”, — деган халқимиз. Асадулла Хўжахонов шундай шахс эканки, қилган хизматлари ҳужжатларда битилиб қолган экан.

У ҳужжатлардан бири Тошкент шаҳар Давлат суғурта идорасига Асадулла Хўжахонов ўз қўли билан тўлдирган маълумотнома. Бундан етмиш икки йил муқаддам — 1927 йилда ўрис тилида ниҳоятда ҳуснихат ва шу билан бирга, саводли тўлдирилган бу маълумотнома уни битган кимсанинг билимдон, зукко ва ўктам киши бўлганидан далолат бериб турибди. Боз устига унинг ижтимоий чиқишини яққол намоён этибди-қўйибди.

Мен маълумотномадан Асадулла Хўжахоновнинг ижтимоий чиқишини билиб олдим. Бунда кўрсатилишича, Асадуллагоннинг оталари Хўжагон Эшонхўжаев Шайхантоҳур даҳасининг Тарновбоши маҳалласида ҳовлиси бўлган, “Фойда бериб турадиган ҳовли-жойларингиз борми?” — деган саволга: “Чигатой

Чақари маҳалласида беш ярим таноб мевазор боғимиз бор. Аччи қишлоғида беш ботмон ерга пахта ва сабзавот экканмиз”, — деган жавобдан хулоса қилинса, ерлисувли бадавлат оиладан бўлган.

Айнан шу маълумотдаги жавоблардан мен Октябрь тўнтарилишигача Асадуллахоннинг аввал рус-тузем мактабини, сўнг САГУнинг маҳаллий хўжалик ва ҳуқуқ факультетини тамомлаганини, 1918—1919 йилларда ўқитувчилик қилганини, кейинроқ Туркистон шеркатининг мануфактура бўлимида кассирлик қилганини, 1919—1922 йилларда (18—21) ёшларида Тошкентнинг Эски шаҳар халқ маорифи бўлимида саркотиб, коллегия иш юритувчиси, тайёрлов ва ҳуқуқ бўлимларида мудир бўлиб хизмат қилганини билдим.

1931 йилнинг 3 июлида — ўттиз ёшида отилган Асадулла Хўжахонов бошига тушган бу савдолар туфайли унинг бетакрор истеъдоди-ю салоҳияти ҳам, зукколиги-ю кўтамлиги ҳам маҳв этилди.

Хужжатларни ўрганиб билганим шу бўлдики, у истиқлолчиларнинг қалбини ўртаган масалалар кўп эди. Масалан, Ўзбекистонда етиштирилаётган пахта ҳосили марказга арзонгаровга ташилиб кетилаётгани, Америкадан ҳар пуд пахтани 40 сўмга харид қилганлари ҳолда, ўзбек пахтасини ҳар пудини 4 сўмга сотиб олинаётгани натижасида ўзбек деҳқони қашшоқлашиб бораётгани уларга оғир ботмоқда эди... Совет даврида халқ кун сайин қашшоқлашиб бораётганини англаб етгач, мамлакат мустақилликка эришмагунча халқнинг нони бутун бўлмаслиги, унинг бутун бойлиги сўриб олинаверишидан изтироб чекишарди... Миллий истиқлолчилар: “Ўзбекистон қизил колония бўлиб қолди”, — дея истиқлол йўлини тутишга аҳд қилишган. Уларнинг мақсади Туркистонни сиёсий ва иқтисодий асоратдан қутқариш бўлган. Зеро хорлик ва хўрлик жондан ўтиб, пичоқ суякка бориб тақалган эди... Фарғона шаҳри губернатори Ивановнинг 1916 йилда ўз зобитларига қарата айтган маърузасида: “Бир минг сарт бир ўрис солдати этигининг пошнасига арзимаиди...” — деган гапларидан чор босқинчиларининг миллий халқ вакилларига муносабатини англаб олиш қийин эмас...

Саксон йиллар муқаддам матбуот саҳифаларида пайдо бўлиб бизгача етиб келган бу аламли сўзлар ўша

чоқларда элнинг миллатпарвар фарзандлари юрагини чил-чил қилганлиги шубҳасиз. Ана шунга ўхшаш хўрликлар элнинг миллатпарвар ўғлонларини “Миллий истиқлол” деб номланган яширин уюшмага бирлаштиргандир балки. Хўллас, илк совет ҳокимияти даврида бўлиб ўтган бебошлиklar, ҳокимият номи билан деҳқонларнинг мол-мулки таланганини билатуриб истиқлолчилар бу бедодликка қараб туролмаганлар.

Асадулла Хўжахонов ҳам ўшандайлардан бири эди ва у ҳам “Миллий истиқлол” жамиятига аъзо бўлиб кирган эди. Маълумотларга қараганда бу яширин ҳаракатга қўшилганларнинг барчаси каби у ҳам: “Жамият мақсадлари ва фармонларига ҳеч сўзсиз итоат этаман, ҳар қандай қурбонлардан, бажариш мушкул бўлган буйруқларни бажо этишдан асло бўйин товламайман... Жамият мақсадлари рўёби йўлида бор мол-мулкимни сарфлашга, жонимни фидо этишга тайёрман... Жамият сирини ошкор этмасликка Парвардигори олам олдида, диним-имоним билан қасамёд қиламан...” — дея онт ичганлиги шубҳасиз.

Асадулла Хўжахонов ҳуррият учун кураш жабҳасига шу йўсин ўзини бахшида этганди. Зеро ўқимишли бир инсон сифатида бўлаётган воқеалардан воқиф эди, СССР ҳукуматининг алдам-қалдам сиёсатини чуқур англаб етган эди. Унинг ўғли Жўрахон Хўжахонов менга келтирган ҳужжатлар ичида Тошкент эски шаҳар халқ маорифи инспекцияси тарафидан 1924 йилнинг 2 октябрида берилган бир аттестация ҳужжатида қуйидагилар рақам этилганини кўрамиз. Асадулла Хўжахоновнинг қандай сиймо бўлганлиги ҳақида тасаввур беришини ҳисобга олиб, ўша даврдаги халқ маорифи бўлими инспектори имзо чеккан бу ҳужжатни (ўрис тилидан ўзбек тилига ўтириб) ўқувчининг диққатига ҳавола қиламан. Маълум бўлишича ўша пайтларда ҳам давлат идора ишлари ерли халқ тилида бўлмаган экан-да... Ким билади, балки мана шу ҳолатлар ҳам миллий истиқлолчилар диққат марказида бўлгандир...

“Берилди ушбу ҳужжат Асадулла Хўжахоновга шул ҳақдаким у Эски шаҳар Халқ Маорифи бўлимида 1919—1922 йилгача хизмат қилган чоғида бир қанча масъул вазифаларда:

1) Саркотиб, 2) Коллегия бошқарувчиси, 3) Тайёрлов бўлими мудири, 4) Вақф бўлими мудири муовини бўлиб ишлаган. Хизмат давомиди ғайратли, интизомли ходим, яхши ташкилотчи, пухта раҳбар, ходимлар ишончу эътирофини қозонган — яхши ўртоқлик хислатларига сазовор бўлган.

Асадулла Хўжахоновнинг ўғли Жўрахоннинг ҳикоя қилишича, унинг бувиси Шокирахон ая жудаям доно, табдиркор аёл бўлган эканлар. Шунинг учун бўлса керак, бошларига энг оғир кун тушганда: ёлғиз ўғиллари Бош сиёсий бошқарма тарафидан ҳибсга олинганда, юқорида санаб ўтилган ер-сувлар уй-жойлар, Пиён бозордаги қатор кетган расталар (У жойлар Навоий театри ёнбошида — ҳозирда Ўзбекистон қасаба союзлари идораси ўрнида бўлган...) мусодара қилиб тортиб олинганда ҳам юзини тирнаб, сочини юлиб, оҳ-фарёд қилмаган, бир мўмин-мусулмон сифатида “Бошга тушганни кўз кўрар” қабилида болаларини бағрига босиб, Аллоҳдан ёлғиз ўғлининг олтин боши омон бўлишини тилаб, “Бош ёрилса бўрк ичида” янглиғ иш тутган эканлар. Шўрлик онаизор ўғлининг фожиали қисматидан воқиф бўлмай оламдан кўз юмган. Зеро биз, бир пайтлар энг адолатли тузум деб таниган Совет ҳукумати қанча-қанча одамларнинг бошига етганлигини бугун бутун олам билади. Шунингдек, неча-неча йиллар ўн беш миллий истиқлолчи қисматидан ҳам хабардор кимса бўлмади. Шўрлик она ўғлини соғинганда тинтувлардан омон чиққан ҳужжатларни ўқитдириб, Асадуллахон сиймосини кўз олдига келтириб, болаларига оталари ҳақида эртакнамо воқеаларни сўзлаб бериб таскин топарканлар. Айниқса, Асадуллахоннинг ўғиллари Жўрахон менга кўрсатган Тошкент Эски шаҳар халқ маорифи инспекцияси тарафидан берилган далолатномани ўқишганда:

— Бу қанақаси бўлди-а, Жўрахон? Бунга ўқисанг, дадангдек яхши одам йўқ, деган хулосага келасан киши. Шундай экан, нега уни ҳибсга солдилар-а? — деб ҳайрон бўларканлар ва ҳўнграб йиғлаб юборарканлар. Бошқача замонларам келармикан-а?... — деб омон-омонлик даври келишини тиларканлар — шундай замон келишини кутарканлар. Интиқлик билан кутарканлар.

Ана шундай фожиали қисматлилар ҳақида ўйларканман, бугунги авлоднинг нечоғли бахтли

эканлигидан, шу жумладан менга ҳам Буюк истиқлол нашидасидан баҳрамандлик насиб этганидан олам-жаҳон фароғат ва ҳузур туйаман. Қалбимдан, бор бўл, истиқлол, дунё тургунча завол кўрма, деган садо отилиб чиқади...

ИККИ ДЎСТ — ИККИ САРКОР

Неча кундирки, Фозила опамни кўриб келишни ўйлайман. Лекин сира насиб қилмаяпти. Қаёқдандир ҳеч ўйламаганинг заруратлар пайдо бўлади-ю, интиқ кутганим бу дийдорлашув кейинга сурилиб бораверади. “Ҳеч бўлгандан кўра кеч бўлгани яхши”— деб ўзимни овутаман... Бу гал йўқлаб боришимнинг сабаби бор: Фозила опамларни мустақил юртимизнинг юксак мукофоти билан қутлашим керак, телефонда эмас, йўқ, қаршиларида туриб, яшнаб турган, лекин бир оз ҳорғин чехраларига, қулиб турган кўзларига тикилган кўйи уларни маҳкам кучиб, иссиқ бағриларига сингиб туриб, “Буюк хизматлари учун” нишони билан тақдирланганликларидан беқиёс хурсандлигимни баён этиб, оилам, дўсту-қадрдонларим номидан табриклашим керак. Севинчимнинг чеки йўқ. Ҳақиқатан ҳам Фозила Сулаймонова эл-юртга буюк хизматлар қилиб қўйган инсон. Ёш авлодни энг яхши фазилатларни ўзида мужассамлантирган ҳақиқий инсон қилиб камол топтириш йўлидаги эллик йиллик хайрли саъй-ҳаракатлари учун тақдирландилар. Ҳали-ҳануз ижодий меҳнатдан тинмайдилар. Фозила Сулаймонованинг 1997 йилда “Ўзбекистон” нашриёти чоп этган, ўттиз йиллик меҳнатлари маҳсули “Шарқ ва Ғарб” номидаги асарлари кўплаб илм пешволарини ҳайратга солди. Олима кўп йиллик тадқиқот ва кузатишлари якуни ўлароқ чоп этган бу асар, менинг наздимда, бутун бир жамоанинг меҳнат маҳсули бўлиши керак эди. Олима Фозила Сулаймонова бу шарафли вазифани якка-ёлғиз амалга оширдилар, уларнинг ғайрати ва қувваи ҳофизасига тасаннолар ўқимоқ керак. Ҳукуматимизнинг олимани “Буюк хизматлари учун” нишони билан тақдирлаши унга берилган адолатли баҳо деб билдим.

Бир пайтлар Паровоз кўчаси деб номланган, ҳозирда эса устоз Ҳамид Сулаймон номи берилган кўчадан борарканман, олиманинг, унинг умр йўлдоши профессор Ҳамид Сулаймоновнинг бошидан кечган, менга бир оз маълум бўлган кўргуликлар ҳужжатли кинологтадай кўз ўнгимдан бир-бир ўтди.

Мен Фозила Сулаймоновани эллагинчи йиллардан биламан. У чоғларда Фозила Сулаймонова Ўрта Осиё Давлат университети ўқитувчиси эдилар. Камина янги ташкил этилган “Ўзбекистон хотин-қизлари” журналида адабий ходима эдим. Олий маълумот олиш қайда, узоқ келажакда лип-лип этиб қайгадир йўқолиб кетган ният, этиб бўлмас орзу эди. Ҳаётда янги топган дугоналарим — Мунира Усмонова, Жўрахон Жўраева, Машҳура Султоновалар мендан кўра бахтлироқ — Ўрта Осиё Давлат университети талабалари эдилар. Уларга яна шунинг учун ҳам ҳавас қилардимки, учалови ҳам Фозила Сулаймонованинг талабаси. Менинг ҳавасимни келтириб, бири олиб, бири қўйиб ўқитувчиларини мақташади, ўқитувчиларига қўшиб унинг умр йўлдоши, Ўрта Осиё университети доценти, Тошкент Педагогика институти ўқитувчиси Ҳамид Сулаймонни мақташади. Менинг қалбимда эса ана шундай ўқитувчилар қўлида таҳсил кўриш орзуси куртак ёзади. Аммо, орзу орзулигича қолиб кетди. 1950 йилнинг машҳум куз ойлари этиб келган эди. Машҳумлиги шунда эдики, ҳамма йиллар каби оддий бу йил Ўзбекистон зиёлилари тарихига бало-қазо йили бўлиб кирганди. “Ўзбекистон хотин-қизлари” журнали таҳририяти 1 Май кўчасидаги 20-ҳовлида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ажратган икки хонада фаолият юритарди. Шу сабабли ҳам биз Ёзувчилар уюшмаси билан бир оиладек умргузаронлик қиламиз — бу ташкилотда рўй бера бошлаган тазйиқларга беихтиёр шоҳид бўламиз...

Ушанда ёзувчилардан ким аввал қамалди, ким кейин — аниқ эсимда йўқ. Бугун ишга келсак бирлари йўқ, эртаси ё индинига яна бир нечаси... Ҳамма шивирлаб сўзлашади. Миш мишларнинг охири йўқ... “Шоир Шайхзода қамалибди”, “Ёнғин Мирзони ҳибсга олишибди” каби сўзларни эшитганингда юрагинг увушиб, кўркувдан бутун вужудингни титроқ босади. Бир пайт ранг-рўйдан қон қочган, теваракка олазарак боқиб шоира Саида Зунуннова кириб келдилар. Ҳеч

ким билан сўзлашмай, тўғри уюшма раиси Уйғун хонасига кириб кетди. Кейин билсак, халқ душмани деб ҳибсга олинган умр йўлдоши ёзувчи Саид Аҳмад масаласида қақртирилган экан. У ерда нима гаплар ўтди, буни ёлғиз коммунистлар билишди...

Кунлардан бир кун машинистка қизимиз Мурувват Муҳитдинова ёнига севимли адибимиз Ойбек оға кирибдилар. Таҳририятга кириб келсам, Ойбек домла қўлларида қўлёзма, машинистка қизимизга ниманидир тушунтиришга уринаяптилар. Қиз эса машинкасидан кўз узмай унсиз йиғлайди. Ойбек домла шахт ўгирилиб хонадан чиқдилар-кетдилар. Кейин билсам, ўша чоғлар Ойбек домлага ҳам тазйиқ ўтказилган экан. Асабийлаша-асабийлаша бу буюк сиймо тутилиб сўзлайдиган бўлиб қолганлар. Эндигина ўн еттини қоралаган машинистка қизимиз адибнинг нима демоқчи бўлганларини англамаган. Ойбек домла чиқиб кетганларидан сўнг ҳам қизча ярим соат чамаси ўзини тутолмай ўксиб-ўксиб йиғлади.

— Шундоқ инсонни не кўйга солишибди-я... — деган сўз лабимдан учганини сезмай қолибман. Нимадир бўлаётганини, мудҳиш ишлар содир бўлаётганини сезардиг-у, лекин бу ишларни ким ва нима мақсадда қиляпти — билмасдик. Билишимиз ҳам мумкин эмасди. Ҳеч ким ҳеч кимга ҳеч нима демасди. Катталар балки бир-бирлари билан сўзлашган бўлсалар бордир-у, лекин биз ёшлар ҳеч нимани билмасдик. Мавҳумликдан ҳам ёмон нарсаси бормикан оламда?

Минг тўққиз юз эллагинчи йил ноябрь ойининг уч куни ичида уч киши ҳибсга олинганидан дарак топдик. Билсак, 1950 йил июнь ойида қамалган таржимон Абдураҳмон Алимуҳамедовнинг акаси Наби Алимуҳамедов, таниқли олим Ҳамид Сулаймон ва отоқли таржимон Мирзакалон Исмоилийлар қамалибди. У кунларни ҳеч кимнинг бошига солмасин, солганга эса тўзим берсин. Кўп ўтмади. 1951 йил бошида шоир Шукрулло, ундан кейин кетма-кет шоир Шухрат, журналистлар Маҳмуд Муродов ва Мели Жўралар ҳибсга олинибди.

Давримиз ана шундай таҳликали кечаётганлигидан яшашимиз ниҳоятда оғирлашиб кетди. Қўрқув салтанатида умргузаронлик қилиш оғир эди, жуда оғир эди...

Эҳ-ҳе, не-не кунлар тушди элнинг бошига. Эл бошига тушган бу қоронғи кунларда кўз ёшлар селдай қуйилди.

Ўша кунларда Ғозила опани таний олмай қолдик. Ёр бошига иш тушса этик билан сув кечар, дейдилар. Ғозила опамиз эса этиксиз сув кечдилар. Ўзларини ўтга ҳам, сувга ҳам урдилар. Улар ўз ҳамкасабалари, умр йўлдошлари, суюкли фарзандларининг отаси Ғамид Сулаймоннинг бегуноҳлигига ишончлари комил бўлгани учун ҳам бош урмаган идоралари қолмади. Ғозилахонимнинг ягона ниятлари “халқ душмани” деган тавқи лаънат тақалиб 25 йилга кесилган Ғамид Сулаймоннинг бегуноҳлигини исботлаб, уларни Давлат хавфсизлиги турмасидан олиб чиқиш эди.

Кўз олдимда тиклайман 1950 йилларни. Урушдан сўнг ҳали эл-юрт оёққа туриб ололмаган, эл очин-тўкин яшайдиган чоғлар. Ғозила опамиз ўқитувчилик маоши билан икки фарзандлари, тарбияларига, олган уч етим ва қайноналарини оқ ювиб, оқ тараши, яна топганини қамоқдаги домламиз билан ҳам баҳам кўрмоғи керак... Не-не кунларни кўрди ўзбекнинг боши... Тишини тишига кўйиб яшади...

Бояқиш Ғамид Сулаймон бир йил давомида ҳеч ерга ишга жойлаша олмадилар ва ниҳоят 1956 йили кўкламига бориб Ўзбекистон Ғанлар Академиясининг тил ва адабиёт институтида илмий ходим бўлиб фаолият бошладилар. Икки олим бир ёқадан бош чиқариб ижодий меҳнатга буткул шўнғидилар. Улар шундай ишладилар-ки, институт биносидаги ижодий лаборатория энди уларнинг хонадонларига ҳам кўчиб келгандек эди.

Илгари Оврупо адабиёти мутахассиси бўлган бу икки ёруғ қалб соҳиби Навоий ижодини астойдил ўрганишга киришдилар. Эҳ-ҳе, Ғамид оға бу соҳада қанчадан-қанча янгиликларни кашф этдилар-а... Аслида, бунга улар анча илгари тайёргарлик кўрган эдилар. 1947 йилда Ленинградда ған номзодлиги диссертацияси устида иш олиб борган чоғларида кўлёмаларга бой Давлат халқ кутубхоналаридаги имкониятидан унумли фойдаланишга уринганлар. Аммо, у чоғлар Алишер Навоий ижоди устида иш олиб боришга ҳайиққан бўлишлари керак. Негаки, оталари Сулаймон Ғўжаев — биринчи ўзбек киноактёри, кинорежиссёри “халқ душмани” деган тавқи лаънатга гирифтор этилиб, ҳибсга олинган ва ном-нишонсиз кетган. Маълум бўлишича, домламиз аввал-бошданок Навоий ижоди

устиди ишлаш ниятида бўлсалар-да, ҳадиксираш оқибатида Оврупо адабиёти билан машғул бўлган эканлар. Лекин барибир миллатчи саналиб (Тошкент давлат педагогика институтида ишлаган кезлари ўзбек бўлмаган ходимларни ишдан бўшатиб, ўз одамларини атрофига тортганликда айбланиб), 25 йил озодликдан маҳрум этишга ҳукм этилганлар. Чорак аср-а?! Файрат-шижоатга тўлиқ, катта илмий ва ҳаётий вазифаларни олдиға мақсад қилиб қўйган инсоннинг бунга мутеларча чидаб ўтириши осон эмасди. Тутқунликда олимнинг қилмаган иши қолмади, деса бўлади: ҳатто гўрковлик ҳам қилган эканлар.

Халқимизда: “Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ”, — деган ажойиб нақл бор. Икки олимнинг ҳаётида ҳам ёруғ кунлар бошланди. Шундай қилиб, 1955 йилда қамоқдан озод бўлиб қайтган Ҳамид оға жон-жаҳди билан илмий ишга ўзини урди — миллий адабиёт-ла шуғулланишга тушди. Ўшанда у суюкли рафиқаси, дўсти, ҳамкасабси Фозила Сулаймоновага: “Отам миллатчи — халқ душмани саналиб, ҳибсга олинди, ном-нишонсиз кетди. Агар мен халқим маданияти, адабиёти билан шуғуллансам, ҳеч қачон менга тинчлик бермасдилар. Шу сабабдан ҳам Оврупо адабиёти билан шуғулландим. Дўзах азобини-ку кўриб келдим. Энди мен ҳеч кимдан қўрқмайман. Фақат халқимга хизмат қиламан. Ҳазрат Навоий — буюк Навоий бобомиз ижодини ўрганаман...” — деган эдилар.

Фозилахон Сулаймонованинг далолат беришларича, Ҳамид Сулаймон қамоқдан озод бўлиб қайтиб келишлари биланоқ бутун куч ва билимларини Алишер Навоий лирикасини ўрганишга бахш этганлар. Кейинчалик Фозила Сулаймонова ҳам домлага ёрдам бериш учун улар ёрдамида араб алифбосини ўрганиб, Навоий ижоди билан шуғулланганлар. Бу икки дўст ва ҳамкасаба шундайин сиймоларки, менинг назаримда улар ҳақида айри сўзлаб бўлмайди. Улар замонамиз ёшларига ҳар жиҳатдан ибратли ҳаёт йўлини босиб ўтдилар. Аввало уларнинг муҳаббати билан қурган турмушларини ўғилда ўғил, қизда қиз фарзандлари безаб, ҳаётларига осудалик ва масъудлик ҳада этган бўлса, ундан сўнг келган барча йирик ва майда ташвишлар улар учун ҳаёт йўлидаги катта синов бўлди. Шунинг учун бўлса керакки, бу икки олим

жамоатчилик кўз ўнгида юксак даражага кўтарилдилар. Расамадини олганда, Фозила Сулаймоновани кўплар суяди: ҳамкасабалар, олималар, унга иши тушиб нажот топганлар.

— Нега? — деб сўрайман ўзимдан. Жавоб излаб узоққа боришга ҳожат йўқ. Фозила Сулаймонова ўзбек аёлига хос барча ижобий хусусиятларни ўзида мужассамлантирган аёл: меҳнаткаш, жафокаш, фидойи, камтарин, меҳр-оқибатли, садоқатли инсон. Шу билан бирга Фозила Сулаймонова шахсида ҳам шарқ, ҳам ғарбга хос хусусиятлар намоён.

Қизиқ... Бу икки сиймо ҳақида ўйлаганимда негадир болалигимда ўқиганим бир шеърнинг икки сатри ёдимга тушади:

*Ҳаёт оғир, дам оғир, сўзлаш ҳам оғир,
Турмуш шундай бир чўққики, йўли ёнбағир...*

Мен суйган бу икки сиймо худди шеърда куйланганидек ҳаётнинг барча пасту баландини бошдан кечирдилар ва ахийри сийланган чоғларида яйраш ҳам насиб этди. Ҳамид Сулаймон фан номзоди, кейинчалик фан доктори бўлдилар — қатор илмий ишлар билан фан оламида иззат-эътибор топдилар.

Фозила Сулаймонова домланинг қайта фаолият бошлашларини шундай эслайдилар: “1956 йилнинг апрелидан домлани Ўзбекистон Фанлар Академиясининг тил ва адабиёт институтига илмий ходим сифатида ишга олдилар. Домланинг ишга жойлашишлари бир қанча муаммони ҳал қилди. Айниқса, расмий қоғозлар ёрдамида қўлёзма фондлар билан алоқа ўрнатиб, лозим бўлган материалларни олиш осонлашди. Айни шу чоқлар яна бир рўшнолик кўрдик — Зухро қизимиз дунёга келди...”

Қисқа вақт ичида бу икки олим биргаликда собиқ Иттифоқ фондлари, шахсий кутубхоналарни ўргандилар, ноёб топилмаларни микрофильмларга олдирдилар ва бу билан қаноатланмай хориж фондларида сақланаётган қўлёзмаларни ахтариб топиб, зарурларини Иттифоқ давлат халқ кутубхонаси орқали микрофильмларини олишга эришдилар. Бу борада қилинган иш қўлами шу даражада каттаки, фикрлай бошласанг домланинг қамокда ўтган олти йиллик умрига юрагинг туз сепгандек ачишиб кетади. Серғайрат, тиниб-тинчимас бу инсон олти йил ичида яна қанча кашфиётлар қилиши мумкин эди ахир...

Фозила Сулаймонова бу йилларни шундай хотирлайдилар: “Англиянинг Оксфорд университети Бодлеян кутубхонасида сақланаётган терма девон, Британия музейидаги “Бадоеъ ул-бидоя”, Париж миллий кутубхонасидаги ўша девоннинг энг қадимий қўлёзмаси, Нью-Йоркда метрополитен музейидаги ноёб терма девон қўлёзмаларининг микрофильмларини олишга муяссар бўлдик (маълум бўлишича, Нью-Йоркдаги девон султон Ҳусайн Бойқаро учун махсус кўчирилган нусха экан). Домланинг ўзлари уйимиздаги лабораторияда ишлаб, уларни қоғозга кўчираб эдилар...” Олиманинг бу сўзларини тингларканман, навоийшунос олим Ҳамид Сулаймоннинг ўз соҳаларини, буюк Навоийни қанчалар суйганларини ҳис этаман. Уларга ҳавас қиламан, уларнинг ғайрати, матонатига таҳсинлар ўқийман. Темир панжара ортида ўтган олти йиллик умрларига ачинаман ва шоира Зулфиянинг: “Бекор ўтган дамлар тош бўлиб эзар”, — деган андуҳли сатрларини такрорлайман.

Яна Фозила опамларнинг сўзларидан шуни таъкидлагим келадики, ўша чоғларда институтда жой етишмаганлигидан бу икки ажойиб инсон хонадонларини ижодий лабораторияга айлантириб юборишган. Домла Ҳамид Сулаймонга рафиқалари Фозила Сулаймонова, С.Мулламуҳаммедова, кейинчалик М.Раҳматуллаева, М.Ҳакимов ҳамда аспирант Ё.Исҳоқовлар қўшилганлар. Ўша чоғларда бу ажойиб жамоа фотонусхалар устида иш олиб борарди. Фозила опа ибораларини қўлласак, ўшанда Ҳамид Сулаймон девкорлик билан ишлаганлар ва бу меҳнат самараси тез орада намоён бўлган. Ўзбекистон Фанлар Академияси “Ҳазойин ул-маоний”нинг биринчи жилдини 1959 йилда, “Ғаройиб ус-сиғар” ва иккинчи жилди — “Наводир уш-шабоб”ни 1960 йилда, учинчи жилди “Бадоеъ ул-васат”ни 1961 йилда, тўртинчи, сўнгги жилди — “Ғавойид ул-кибар”ни босмадан чиқарди. Ўшанда республикаимиз илмий жамоатчилиги “Ҳазойин ул-маоний” нашрларини қанчалар мамнуният билан қарши олганини кўплар эслайди. Айтишларича, сеvimли адибимиз Ойбек домла китобни қўлларида тутганча: “Яҳши, яҳши”, — деган эканлар. Олим Яҳё Фуломов эса рус ва ўзбек сўзларини аралаш-қуралаш қилиб: “Ҳамидулла “быка за рога” олди, зўр...” деган бўлсалар, Мақсуд Шайхзода:

“Ирода ва меҳнат зафари”, — деган эканлар. Ва ниҳоят бу улкан ишнинг самараси ўлароқ 1961 йилнинг ноябрь ойида Ҳамид Сулаймон докторлик диссертациясини ёклаганлар. Шулар ҳақида фикр юритар эканман, 25 йилга озодликдан маҳрум этилган олим замон зайли билан олти йилда чиқиб келмаганларида адабиёт фанимизга қўшилган бу улкан улушдан мутлақ бебаҳра қоларканмиз, халқимиз катта маҳрумиятга дуч келар экан-да...” — деган фикрга келаман.

1967 йилда Навоий номидаги адабиёт музейи ташкил этилганда профессор Ҳамид Сулаймон унга директор этиб тайинланганди. Домла ҳар вақтдагидек зўр гайрат билан ишга киришдилар. Олдинда буюк навоийнинг 525 йиллиги байрамига тайёргарлик вазифаси турарди. Иш кўлами шу даражада катта эдики, бутун жамоа ҳатто дам олиш кuni ҳам ишладилар, буюк шоир асарлари ноёб нусхаларини Англия ва Франциядан келтиришга муваффақ бўлиб, бир йилу уч ой деганда олдиларига қўйган вазифани адо этдилар. Ҳамид Сулаймон шунчалар улкан шахси, улар бажарган ишнинг барчасини айтиб адо этиб бўлмайди. Домла қаерда сафарда бўлмасин, бир янгилик топардилар. Фозила опамизнинг далолат беришларига кўра, 1975 йилги Ҳиндистонга қилган археографик сафари ҳам муваффақиятли бўлган экан. Домла шогирдлари С.Ҳасан билан биргаликда Деҳли, Агра, Сринагар, Алигарх, Бомбай, Лакнау, Ҳайдаробод шаҳарлари фондларида қидирув ўтказиб, унда Фирдавсий, Саъдий, Низомий, Ҳофиз, Бобур, Комрон асарлари нусхалари кўплиги, аммо Алишер Навоий асарлари йўқлигини аниқладилар.

— Ҳайдаробод сафарининг сўнгги кuni Салоржанг музейи фондида номаълум шоир девони қўлёзмаси борлиги аниқланган, — деб ҳикоя қиладилар Фозила Сулаймонова. — Унда “Девони Ҳофиз базабони туркий” деб ёзилган изоҳ бўлган. Ўнлаб ғазаллар матла ва мақтаъи кўчириб олинган. Ватанга қайтгач улар Шерозий ғазалларига муқояса қилинган-у, аммо бирортаси ҳам Ҳофиз Шерозийники бўлиб чиқмаган, девон Ҳофиз тахаллусли, ҳали фанга маълум бўлмаган, XIV—XV асрларда яшаган хоразмлик туркийзабон шоирники экан. Бу кашфиёт эди... Эссиз, эссиз қанча кашфиётлар юзага чиқмай қолди...

Ҳамид Сулаймоннинг халқ душмани саналиб ҳибсга олингани, олти йиллик қамоқ азоби қилар ишини қилган экан. 1979 йил ёзида, қанчадан-қанча ижодий режаларни амалга оширмақни кўзлаган бир чоқларида домла ҳаётдан кўз юмдилар.

КҶРҒОШИН БУЛУТЛАР

Мен бу аёлни умрим бино бўлиб ҳеч қачон кўрмаганман, ҳатто у ҳақда эшитмаганман ҳам. Фақат унинг эри Ғози Юнусни орқаворатдангина билардим. Биз ҳаёт сахнасига чиққан кезларда ўттизинчи йилларнинг фаоллари аллақачон ҳаётдан ўтиб кетишган бўлиб, уларнинг бирлари ўз ажали билан ўлиб кетган бўлсалар, бошқа бирларининг умри турма ва бадарғада чириган эди. Мен ҳужжатгоҳларда ишлаш чоғимда, ҳар гал уларнинг аянчли қисмати билан яқиндан танишиш жараёнида, бу ҳужжатлар менга очган сир-асрорларни муштдеккина юрагимга сиғдирилмай, халқимизнинг энг асл фарзандлари тортган азоблардан қалбим ларзага келади...

— Булар ҳақида сўзла, сўзла, — дейди онгимда бир товуш. — Ота-оналаримиз бошига мустабид тузум солган жабр-жафолардан одамлар огоҳ бўлсин. Совет тузумининг пролетариат диктатурасини ўрнатиш йўлида қилган мудҳиш ва жинояткорона ҳаракатлари туфайли қанча-қанча табдиркор, серҳаракат, ўзига тўқ одамлар қони дарё бўлиб оқди-ку. Мен ўн йиллар мобайнида ўрганган ҳужжатлар бундан яққол далолат бериб турибди...

У аёлни — Ҳадича Алиевани бахти бекам эди, — дейишарди билганлар. Аллоҳга шукр, фарзанддан қисмаган. Тўнғичи — Тўлқин катта йигит бўлиб қолган — ўн тўққиз ёшга тўлди. Врач бўладиган. Институтни битирса, бас, тўй бошлайдилар. Қизлари Шарофат билан Тўйғун ҳали ёш — мактаб ўқувчилари. Ҳар икки гапнинг бирида онаси Солиа буви тўйдан сўз очиб, Ҳадичани ниқтайди: “Кўзим очигида Тўлқиннинг тўйини кўрсам...” — деб орзулайди. Фарзанд бўйига етгач, ҳар қандай ота-она унинг тўйини кўришни ўйларкан... Орзули дунё экан... Аммо... бу дунёда ҳамма

вақт ҳам бандасининг ниятлари ижобат бўлавермас экан. Хадича опанинг ана шундай орзу-хаёллари-ла яшнаб юрган кунларининг бирида қўққисдан хонадонлари азахонага айланди-қолди. Унинг эри — таржимон, ношир Ғози Юнусни 1937 йил 6 августида ҳибсга олдилар. Уни аксилинқилобий “Миллий иттиҳод” уюшмасига аъзоликда айбладилар. Оила бошидаги ҳамма фалокат айни шу кундан бошланди. Орадан кўп ўтмади — 1937 йилнинг 14 сентябрь куни Хадича опа устидан ҳам жиноий иш қўзғатилди. Уй-рўзгор иши билан шуғулланган, чаласавод аёлга қўйилган айб — эри миллатчи Ғози Юнуснинг рафиқаси бўлганлиги эди.

ИИХК Давлат Хавфсизлиги 5-бўлими бошлиғи муовини кичик лейтенант Тригулов чиқарган қарорда: “...Хадича Алиева халқ душманининг хотини ва кўмакдоши сифатида жиноий жавобгарликка тортилсин, Тошкент турмасида ҳибсда сақлансин...” — дейилади. Унинг эри Ғози Юнус эса, юқорида айтиб ўтилганидек, бундан бир қанча вақт муқаддам Файзулла Хўжаев раҳбарлик қилган аксилинқилобий пантуркистик уюшмага аъзоликда, фаоллик кўрсатишда айбланган эди.

Тошкент шаҳрининг Янги шаҳар қисмида Коммунал кўчасидаги ўнинчи ҳовлида (ҳозирда Амир Темури музейига яқин ерда) истиқомат қилган ишбилармон, тадбиркор Ғози Юнуснинг етти кишидан иборат оиласи шу-шу бўлди-ю, тараф-тараф қилиб юборилди. Хўжжатгоҳда ўрганганим 1937 йилнинг 10 сентябрида ёзилган маълумотномага кўра:

1. Ғози Юнуснинг 1897 йилда деҳқон оиласида таваллуд топган, эрининг советларга қарши фаолиятидан хабардор бўла туриб, бу ҳақда тегишли ташкилотларга маълумот етқизмаган рафиқаси Хадича Алиевани ҳибсга олиш ва лагерга жўнатиш кўрсатилади.

2. Ғози Юнуснинг 1870 йилда туғилган дардманд қайнонаси Солия Аҳмаджоновани Ўзбекистон ҳудудидан ташқаридаги социал таъминот ташкилотларига қарашли қариялар уйига жойлаштириш кўзланади.

3. Унинг ўн тўрт яшар қизи Туйғун Ғозиевани Халқ маорифига тегишли бўлган, Ўзбекистон ҳудудидан ташқаридаги болалар уйига жўнатиш кўзда тутилади.

4. Ғози Юнуснинг 16 яшар қизи Шарофат Ғозиевани эса ишга жойлаштириш кўрсатилади.

Олтмиш уч йил бурун битилган бу маълумотномада кўрсатилишича, Ғози Юнуснинг тўнғич ўғли Тўлқин Ғозиев Хатирчи туманида ишлаб юрган бўлади, у кейинроқ ҳибсга олинади.

Хуллас, 1937 йилнинг 31 октябрида тўлдирилган айблов ҳулосасида рақам этилишича, Хадича Алиева СССР Ички Ишлар Халқ Комиссарлари Совети ҳузуридаги Алоҳида Мажлис судига топширилади.

Бу ҳужжатларни ўрганарканман, СССР деб номланган, яқин-яқингача биз тобе бўлган Давлатнинг қонун-қоидалари нақадар қабих ва даҳшатли бўлганини англайман. Тағин ҳам қирилиб битмаган — худо ярлақаган бир халқ эканлигимизга тасаннолар ўқийман. Ахир бир ўқувчи қизни оила бағридан юлқиб олиб, болалар уйига жўнатишга, кекса ва дардчил аёлни бола-чақаси бағридан ситиб чиқариб, қариялар уйига жойлашга кўрсатма берилса-ю, ўшандаям бўлса, уларни республика ҳудудидан ташқарига жўнатиш таъкидланса, ахир бу даҳшат эмасми? Ахир бу мустабид давлат тузумининг ўзбек халқи бошига солган жабру жафолари кўламини кўрсатувчи ҳужжат эмасми?!

Бу жафолар ҳам ҳали камлик қилгандай, Ғози Юнус ўн йилга совуқ ўлкаларга бадарға этилди; уй-жойи, мол-мулки мусодара қилинди. Мусодара қилинган мулк рўйхатида баҳоси 880 сўм турадиган буфет, диван, сандиқ, қути, стол-стул ва катта-кичикнинг пальтоларидан тортиб болалар либоси, сочиқ, белбоғ, галстуккача, резина грелка, аёллар лозими, чойнак-пиёла ва нархи 1 сўмлик термометргача, вилка-қошиққача хатланиб, ҳатто девордаги қоziққача қолдирмай шипириб кетилса-я...

Бу дегани уй-жойи, мол-мулки тортиб олиниб, бошпанасидан қувилгани, уларнинг қайтиб келмаслигига бошданоқ ишонганликлари эмасми? Йўқса, жазо муддати битиб юртига қайтиш насиб этса бу шўринг қурғурлар қайда яшайди-ю, қандай тирикчилик қилади, — дейдиган мард бўлмаган эканми қонунларни ижод этган валломатлар орасида?! Ватанини — она юртини кишансиз, озод кўриш истаги учунгина инсон зотини ота-онасидан, бола-чақасидан, эл-юртидан айириб, бегона ва совуқ ўлкаларга элиб ташлаш инсонийлик қонунларини поймол этишнинг ўзгинаси эмасми?!

Мен Хадича Алиева ҳақида ўйлайман. Кечагина ўзини тенгдошлари олдида бахти бекам деб билган аёлни мунофиқ ва олчоқ сиёсатни қўллагувчи қонунга кўра бахти қаро қилдилар. 1937 йил октябрида ҳибсга олинган Хадича Алиеванинг бир ярим йил турмада азоб тортганидан сўнг, 1939 йил 27 апрелида Ички Ишлар Халқ Комиссари номига ёзган аризасидан сатрлар келтираман. Аёл кўрган-кечирган азоблари ҳақида лом-мим демайди. Қисқа-лўнда ёзади:

“Уч йил муддатга меҳнат посёлкасига сургун қилинган Хадича Алиевадан...

Ёшим қирқ бешда, саводсизман, уй бекасиман. Ишимни қайта кўриб чиқиб, кекса онам ва ўқувчи болаларим ҳузурига қайтишимга имкон берингиз...” Арзнома сўнгиди: “Хилково станцияси, Биринчи меҳнат посёлкаси” деган ёзув. Ушбу ариза қўл келди чоғи — унинг иши қайта кўрилди. Бу иш юзасидан чиқарилган хулосани (ўрис тилидан ўзбекчага ўгириб) ўқувчи эътиборига ҳавола қиламан:

А н и қ л а н д и:

Тергов материалида Хадича Алиевага қўйилган жиноят исбот этилмаган.

Ана шу сабабга кўра ҳисоблайманки:

Хадича Алиева зудлик билан жазодан озод этилмоғи, иш тўхтатилиб, ҳужжатгоҳга топширилмоғи жоиз.

ЎзССР ИИХК Тергов бўлими терговчиси

Давлат Хавфсизлиги лейтенанти (Семёнов)”

Хадича Алиеванинг шахсга сиғиниш даврида бутун Советлар мамлакатада рўй бериб келган ҳақсизликлар қурбони бўлганлигини жиноят ишининг кейинги саҳифаларидаги ҳужжатлар исботлаб турибди.

Яна:

1957 йил 1 феввалида Учликнинг 1938 йил 5 апрели қарорига Ўзбекистон ССР Прокурори эътирозини кўриб чиқди. Унинг шу иш юзасидан чиқарган учинчи рақамли қарорида қуйидаги сатрлар бор. (Бу сатрлар ҳам қатағон йилларида инсонлар тақдири шошмашошарлик билан ҳал этилганлигидан шохидлик беради.)

Мана ўша сатрлар:

“Иш юзасидан социал қонунчиликни бузган қатор хатолар бор.

...Аввало Х.Алиева прокурор санкциясиз қамалган. Ишдаги материаллар билан Алиева таништирилмаган ва яна айблов хулосаси прокурор тарафидан тасдиқланмаган...

Ҳайлайман: инсон тақдирини ҳал қилишни зиммасига олган ташкилотлар нега бундай хом-хатала иш олиб борган эканлар? Уларга “ҳа” дейдиган ҳўжа бўлмаган эканми? Одамларни қамаш, бадарға қилиш режасини бажаришга шунчалар шошилдиларми ё?

Аламли томони шундаки, кимларнингдир хатосига кўра, гулдек бир оила тўзиди-кетди: оила бошлиғи Ғози Юнус 1942 йилда Вологда шаҳрида оғир хасталикдан вафот этди. Уларнинг тўнгич ўғлони Тўлқин Ғозиевга институтни битириш насиб этмади. Тегишли ташкилотлар тарафидан аксилинқилобий, миллатчилик ҳаракатларга мойил топилиб, институтдан ҳайдалди, сиёсий ишончсиз шахс ҳисобланиб, комсомолга қабул қилинмади. Охиrqоқибатда СССР ИИХ Комиссарлигининг 00486 рақамли буйруғига асосан Тўлқин Ғозиев ҳам ҳибсга олинди... Йигирма беш ёшида ҳибсга олинган Тўлқин энг гуллаган ёшлик чоғини тутқунгоҳларда ўтказди...

Ҳадича Алиева ҳам бу ёруғ оламда ёруғлик кўрмай ўтди.

Сатрларим шу жойга келганида халқимизнинг сеvimли шоираси Зулфиянинг саксондан ошган чоғида ёзган “Хотирам синиқлари” шеърларидаги сатрлар ёдимга келди:

*...Келдинг-ей, истиқлол, истиқбол бўлиб,
Қалбимга насиминг билан йўл солдинг.
Сен шу ҳур назмга ихтиёр бериб,
Мен оғир булутдек бир ёғиб олдим...*

Демак, Зулфия опамлар 1938 йилда санаторийда дам олаётгани чоғида ҳибсга олиниб, отиб юборилган акалари — Ҳоразм вилояти партия ташкилоти котиби Нормат Исроиловни эслаб йиғлаганлар. Ўз шеърларида айтиб ўтганларидек, Зулфия опамиз ҳам қалбида кўрғошинла юрганларнинг бири бўлганлар. Жудолик кўрғошинини қалбида сақлаб келганлардан яна бири — мен ўзимман. Ҳадича Алиеванинг кўргуликларини чала ярим қоғозга туширарканман, унинг зил юки қалбимни поралади ва мен ҳам Зулфия опамлар каби “оғир булутдек бир ёғиб олдим”...

ЧАҚНОҚ КЎЗЛАРДАГИ САВОЛЛАР...

Неча ойдирки, жоним азобда қолди. — Бир аёл тақдири жисми жонимни, қалбимни ўртаб, ларзага солиб келаётибди. Унинг ёшгина бошига тушган кўргиликлар... Қайси бирини санаб адо қилиб бўларкан бу азобларнинг?! “Банданинг боши, Аллоҳнинг тоши”, деганлари шу эмасмикан-а?!

Ёзув столимда миттигина сопол гулдонда жажжигина уч дона сап-сарик гул. Номи ҳам жисмига яраша — заъфар. Халқ қўшиғида: “Отим ориқ, рангим сарик”, — дейилганининг нақ ўзи-я... Шу гулдонга кафтдек келадиган бир сурат тираб қўйганман. Ушбу фотосуратда тик боқиб турган қиз акси бор. Илк бора сурат қўлимга текканида мени унинг нигоҳи лол қолдирганди. Мана, қаршингизда шу сурат. Сиз бу нигоҳда нимани ўқидингиз мен билмадим-у, аммо менинг наздимда, бир қарашда у худди: “Не балога мени мубтало қилдинг, Худойим...” — дея нолиш чекиб тургандай ва мен унинг бошига тушган бу дарди-балоларга чек қўя олмаганим учун ўзимни айбдордек ҳис этаман ва ундан хаёлан кечирим сўрай бошлайман.

— Иложимиз қанча эди, Вилоят, ўзинг доно қизсан-ку, тушунасан ҳамма нарсани. Сен билан мен ўсган йиллар шундай алғов-далғов йиллар эдики... — шивирлайди, лабларим ва тарих саҳифаларига рақам қилинган шахсга сиғиниш йиллари бутун Советлар мамлакати халқлари бошида ўйнаган дарра кўз ўнгимда намоён бўлди.

Ўйланиб қоламан. Бола эдик. У йилларда нималардир бўлаётганини англаб-англамай ўсдик... Лекин ўша бўлиб ўтаётган “нималардир” минглаб кишиларнинг ёстиғини қуритаётганини, келинчакларнинг тул, гўдакларнинг (улар қаторида ўзимнинг ҳам) етим қолганини, бутун мамлакатимизда, наинки Ўзбекистон, балки бутун Совет мамлакатида мушфиқлар кўз ёши дарё бўлиб оққанини, мана энди — мустақилликка эришганимиздан кейингина билаётирмиз-а... Лекин ҳали ҳам кўп нарсаларни билмаймиз. Бунинг учун Советлар замони тарихини — яқин тарихимизни чуқур ўрганмоғимиз жоиз. Собиқ Шўролар замонида ижод этилиб, турмушга тадбиқ этилган қонунлар кимга хизмат қилганини

ўрганмоғимиз, шундан келиб чиқиб хулоса қилмоғимиз жоиз. Ахир “Халқлар отаси” деб сифатлаганимиз кимса — Сталин ва унинг сафдошлари номи билан боғлиқ қама-қамалар Советлар диёрининг пойтахт шаҳар ва қишлоқларида зиёлилардан тортиб аҳолининг ҳамма қатламларини ўз домига тортганини айтиб адо этиб бўлармикан?

Суратдан менга ва сизга ўйчан, ҳайронлик билан боққан бу шаҳлоқўз гўзал қиз ҳам Сталин даври қатли омидан азият чеккан миллионларнинг бири...

Бу қизнинг номи Вилоят — Вилоят Хўжаева. Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг биринчи Раиси Файзулла Хўжаевнинг қизи Вилоят. Бухоронинг, наинки Бухоронинг, балки бутун Ўзбекистоннинг энг бахти бекам қизи. Узр... Не-не орзулар қалбида куртак ёзган бахти бекам қиз бўлган эди бир чоқлар у. Аммо унинг бахтига кўз тегди...

Ҳамма бахтиқароликнинг бошланиши Вилоятнинг отаси Файзулла Хўжаевнинг 1937 йилнинг 9 июлида (бундан олти йил бурун) Москва шаҳрида ҳибсга олинган кунидан бошланди. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Халқ Комиссарлари Совети Раиси Файзулла Хўжаев халқ душмани деб эълон қилинган эди.

Бу хабардан дарак топганда ўн олти яшар Вилоятнинг қанчалар ҳанг-манг бўлиб қолганини тасаввур қилишга уринаман. Ўша чоқларда Ўзбекистон Республикаси Олий раҳбариятининг икки вакили — Ўз КП(б) Марказий Комитетининг биринчи саркотиби Акмал Икромов ҳамда Файзулла Хўжаевнинг халқ душмани деб эълон қилинганда бутун республика аҳли қанчалар танг қолганини эс-эс биламан...

Ҳар куни тонг отиши билан катталар мени газета дўконига югуртиришади. Хадрада — Тоштрамнинг чап биқинидаги газета дўкони очилар-очилмас навбатда турганларнинг охири кўринмай қолади. Газета келиши билан зумда тугарди. Газета етмай қолганлар дўкон ёнидаги ойнабанд рамка ичига осилган газеталарни ўқишарди. Бу газеталарни ўқиган катталарнинг негадир ҳалиқда эканини англайман. Лекин нега? Бунга англашга ҳали ёшлик қиламан.

Кейинчалик — орадан йиллар ўтиб улғайгач англадимки, 1938 йилнинг 2 мартда Москвада

Советларга қарши “ўнг троцкийчилар суди” бошланган. Бу суд процесси менинг ҳам ёдимда қолган — ўшанда бизнинг республикамиз раҳбариятидан Акмал Икромов билан Файзулла Хўжаев ҳам шу блокка тааллуқли саналиб суд қилинган ва отишга ҳукм этилган эди. Шу йўсин Файзулла Хўжаевнинг эндигина тўққизинчи синфда ўқиётган ўн олти яшар қизи Вилоят Хўжаева ҳам халқ душманининг фарзанди сифатида ҳибсга олинган эди. Ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, Вилоят отасининг аксилинқилобий фаолиятдан хабардор бўлатуриб, буни ҳокимият органларидан яширишда айбланган — ҳуқуқ-тарғибот ташкилотлари буни катта гуноҳ деб биларди. СССР Марказий Ижроия Қўмитасининг М.И.Калинин ва А.Медведев имзо чеккан 1934 йил 8 июнь қарорида бундай гуноҳ билан суд қилинганларнинг оила аъзолари учун ҳам махсус кўрсатма бор. Унда баён қилинишича: “Ҳоиннинг балоғат ёшидаги оила аъзолари, хиёнат содир этилган пайтда у билан бирга яшаган ёки қарамоғида бўлганлар беш йилга Сибирнинг узоқ ўлкаларига бадарга қилинади ва сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилади”.

Вилоят Хўжаева айнан шу қарор асосида жазоланганди. Фарқ шунда эдики, Сибирнинг узоқ ўлкалари ўрнига у Қирғизистоннинг энг хилват қишлоғига онаси Малика Хўжаева билан бирга сургун қилинганди.

Ўша қарорга асосан Файзулла Хўжаевнинг онаси Райҳон Саид Мурод қизи, синглиси Робия Убайдулла қизи ҳам сургун қилинди.

Мана шу топда — орадан олтмиш икки йил ўтиб икки мингинчи йиллар бошида туриб ўша йилларга хаёлан қайтаман. Ана шундай шароитда ўша чоқларда мендан атиги олти яшар катта бир қизнинг ҳибсга олинганини тасаввур этишга уринаман. Ваҳоланки тасаввур этиб ўтиришга зарурат йўқ менда. Республикамиз мустақиллиги шарофати туфайли кўпгина ёпиқ эшиклар биз журналистлар учун очилди — ҳужжатгоҳларда шу чоққача “мутлақо махфий” белгисида сақланиб келган, минг тўққиз юз ўттизинчи, ўттиз етти-ўттиз саккизинчи ва эллигини йиллардаги, ундан сўнг “Пахта иши”, “Ўзбек иши” номида қўзғатилган жиноий ишлар билан танишиш имкони туғилди.

Журналистик фаолиятим тақозосига кўра Ўзбекистон Республикаси Миллий, Хавфсизлик комитети ҳужжатгоҳида Вилоят Хўжаеванинг Ўзбекистон ССР Жиноят Маҷмуасининг 14, 60 ва 67, РСФСР Жиноят Маҷмуасининг 17, 58-4 моддалари билан ҳибсга олиш ҳақидаги тергов ҳужжатлари билан танишишга тўғри келди. Ушбу ҳужжатларда Вилоятнинг 1937 йилнинг 2 сентябрида ўн олти ёшида ҳибсга олингани, Ўзбекистон ССР Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги ички турмасида сақланаётгани қайд этилади. Қамокда бир ой ётганидан кейин 1937 йилнинг 4 октябрида Вилоят Хўжаевага айбнома чиқарилади. Унда: “Ушбу иш Вилоят Хўжаеванинг отаси Файзулла Хўжаевнинг халқ душмани эканлиги фош этилиши билан боғлиқ бўлиб, Файзулла Хўжаев 1920 йилдан бошлаб “Миллий иттиҳод” аксилинқилобий уюшмага раҳбарлик қилган, Совет ҳокимиятига қарши фаол кураш олиб борган”, — деган айблар тиркалади. Шунингдек, яна Файзулла Хўжаев 1930—31 йилларда Москвадаги ўнглаб маркази билан алоқа боғлаб, аксилинқилобий пантуркистик уюшма ташкил этишда айбланган.

Вилоят Хўжаева Файзулла Хўжаевнинг қизи сифатида отасининг аксилинқилобий фаолиятидан хабардор бўлгани ҳолда буни Совет ҳокимиятидан яширган. Файзулла Хўжаев қамокқа олинганидан сўнг Совет ҳокимиятига бўлган нафратини ҳамда ҳокимиятнинг айрим вакилларига қарши фаол ҳаракат қилишга тайёрлигини намоён қилган, дейилади ва унинг сўнгида маълумотномада Вилоятнинг 1937 йил 9 октябрдан бошлаб Тошкент турмасида сақланаётгани кўрсатилади.

...Ана шу кундан бошлаб унинг ҳибсдаги, сургундаги неча-неча йиллик умри хўрликда, хорликда, зорликда ва интизорликда ўтди... Шимолий Қозоғистонга сургун қилинган Вилоят бу ерда ёлғиз эмас эди. Бородулиха қишлоғида у бемор онаси Малика Хўжаева билан бирга яшарди. Онаси ҳам халқ душманининг рафиқаси сифатида сургун қилинган эди. Тирикчилик ниҳоятда огир. Бемор онасини боқиш, даволатиш каби огир вазифалар мурғаккина қиз зиммасида эди. Ҳамма мушкулотларга ёлғиз ўзи балогардон. Ҳаётда тиргак бўлувчи кимсаси йўқ. Қилмаган иши қолмади. Шарқий Қозоғистон вилоятининг Усть Каменогорск шаҳридаги

“Иртишгэсстрой” курилишида ишчи, табелчи бўлиб ишлади, ҳеч қандай меҳнатдан бош товламади. Ахир: “Ишламаган тишламас” деган бош шиор ҳукмрон чоқлар. “Бир чумчуққа ҳам дон керак, ҳам сув”, — деганларидай, йиллар давомида рўзгор тўрва-халтаси гарданида...

Йиллар ана шу зайлда озиқ-овқатга зор, яқин-йироқ қавм-қариндошлар дийдорига интизорликда ўтарди...

Ана шундай оғир дамларда ўн саккиз яшар Вилоятнинг ҳувиллаган қалбига муҳаббат мўралади. Қачонлардир рус подшоҳлиги даврида Россияга таклиф этилиб келтирилган ва шу ерда яшаб келган олмонларнинг уруш даврида Қозоғистонга сургун қилинган авлодларидан бўлган қора қош, кўнгилчан, хаёлчан инженер-геодезист йигит Виктор гўзал Вилоятга муҳаббат изҳор этди. Суюкли отаси отилиб, қавм-қариндошлари тараф-тараф қилиб юборилган, борай деса макони йўқ — она юртдан суриб чиқарилган, бу ёруғ оламда дардман онасидан бўлак ҳеч кими қолмаган новдадеккина қиз учун Виктор ишонган боғ, суянган тоғ бўлди.

Сирасини айтганда, унинг пойқадами қутлуғ келди. Қоронғу тунда қоп-қора осмонда пайдо бўлган оймома шуълалари билан оламни ёритгани янглиғ Вилоятнинг аризасини кўриб чиққан Алоҳида Комиссия 1938 йилнинг 9 апрелида уни озод этиш ҳақида қарор чиқарди. Лекин бечоранинг қувончи узоқ чўзилмаганини Вилоятнинг Шарқий Қозоғистонда сургундалиқ чоғида СССР Ички Ишлар Халқ Комиссари Берияга ёзган аризасидан биламиз. Аризада, жумладан, шундай сатрлар бор: “...1938 йилда озод этилганимдан сўнг Тошкентдаги пойабзал фабрикасига ҳисобчи бўлиб ишга кирдим. Лекин 1938 йилнинг 21 октябрида яна қамоққа олиндим. Шарқий Қозоғистон областининг Усть-Каменогорск шаҳрига — илгари табелчи бўлиб ишлаган еримга — “Иртишстройга” юборилдим — қидирув гуруҳида ишчи бўлиб ишладим. 1939 йилнинг 4 октябрида ишдалигимда ИИХК район бўлимига чақиришди. У ерда менга Усть-Каменогорск шаҳридан чиқиб кетишни буюришди. Ҳозир Бородулино қишлоғидаман. Усть-Каменогорскда оила қурган эдим. Эрим Иртишгэсстройда геодезист бўлиб хизмат қилади. Мен бу ерга келганимдан бери на ишга кира оламан, на яшашга жой топа оламан...”

...Ёшим ўн саккизда. Ўқишни, Ватанимга фойдам тегишини истайман...

Сиздан менга эркимни қайтариб беришингизни сўрайман, ёлвораман, ўртоқ халқ комиссари”...

Отасидан жудо бўлган, барча қавм-қариндошларидан, уй-жойидан, бутун хонумонидан айрилиб қолган ўн саккиз ёшдаги сургундаги аёлнинг бор-йўқ бисоти шу ерда топган ёри Виктор эди. Икковининг ҳам бутун ёруғ оламда бир-биридан бўлак ҳеч кими йўқ эди. Онаси Малика ая эса ҳам жисмонан, ҳам руҳан толиққан, ҳаётдан умидини узган, чўп-устихон бўлиб қолган эди. 1957 йилда у сургунда — қизи Вилоят тиззасига бош қўйган куйи ҳаётдан қўз юмди.

Ижтимоий хатарли одам саналиб Шарқий Қозоғистонга беш йил муддатга бадарға қилинган ўн олти яшар Вилоят Хўжаева не-не кунларни бошидан кечириб, ҳаётдан жуда-жуда безиб кетган бўлса-да, чин ҳаётни соғиниб, қўмсаб — уч фарзандлик бўлганидагина она юртига қайтиш имкониятига эга бўлди.

Бу вақт ичида СССР Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги ҳузуридаги алоҳида Комиссиясининг қарорини қайта кўриб чиқиш сўралган неча-неча аризалари оқибатсиз қолдирилди. Вилоят Хўжаеванинг ана шундай аризаларидан бирига Москвадан келган жавобни эътиборингизга ҳавола қиламан.

ҚАРОР

Москва шаҳри

13 ноябрь 1940 й.

*СССР ИИХК ҳузуридаги Алоҳида Мажлис Котибияти
Оператив вакили Давлат Хавфсизлиги кичик лейтенанти
БОБОЕВ*

*Судланувчи Вилоят Хўжаеванинг 1277283 рақамли
архив Тергов ишини СССР ИИХК номига ёзган аризасига
кўра ўрганиб чиқиб*

АНИҚЛАДИМ:

*Вилоят Хўжаева 1921 йилда Бухорода туғилган.
Миллати ўзбек, СССР фуқароси, ижтимоий чиқиши
хизматчи, сургун қилингунга қадар ўқувчи, 1937 йилнинг
9 октябрида ҳибсга олинган. Ўзини гуноҳкор деб
ҳисобламайди. СССР ИИХК тарафидан 1938 йилнинг 29
майида 5 йилга сургунга ҳукм этилган...*

Отасининг аксилинқилобий фаолиятидан хабардор бўлганига қарамай, бу ҳақда Совет ҳокимиятини хабардор қилмаганликда айбланади.

Судланувчи ўзини гуноҳкор деб тан олмади. Унинг отаси Файзулла Хўжаев (ЎзССР Халқ Комиссарлар Советининг собиқ раиси, олий жазо — отувга ҳукм этилган) ўнг троцкийчи марказ ишига параллел равишда кўрилган.

Судланувчи ўз аризасида сургун ҳукмини олиб ташлашни сўрайди. Отасининг жинояти оғирлигини ҳисобга олиб

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

Вилоят Хўжаеванинг СССР ИИХК ҳузуридаги Алоҳида Комиссия қарорини қайта кўриб чиқишни сўраган аризаси рад этилсин ва бу ҳақда СССР ИИХК 1-махсус бўлим орқали унга хабар етказилсин.

ИИХК Алоҳида Кенгаши Котибияти
оператив вакили (БОБОЕВ)
Давлат хавфсизлиги кичик лейтенанти
ИИХК Алоҳида Кенгаши бошлиғи,
Давлат Хавфсизлиги капитани (ИВАНОВ)

“Осмон узоқ, ер қаттиқ”, — деганлари рост экан. Ўзининг бегуноҳлигига қаттиқ ишонган Вилоят, қай маҳкамага бош урмасин, натижа бўлмади. Азоб-уқубатларнинг охири кўринишидан умидини узди.

Айни шундай чоқларда унинг маҳкум этилганидан бери орадан неча-неча йиллар ўтганда — 1985 йилнинг май ойида Ўзбекистон ССР прокурорининг биринчи ўринбосари, 3 класс юстиция давлат маслаҳатчиси В.Зотов СССР ИИХК ҳузуридаги Алоҳида Кенгашнинг 1938 йилнинг 29 майидаги қарорини назорат юзасидан кўриб чиқиб, протест келтирди. Иш суд коллегиясида кўриб чиқилиб, бир тўхтамга келинди. Бунинг алоҳида бир сабаби бор эди. Гап шундаки, ҳарбий суд ҳайъати 1965 йилнинг 6 мартада (Файзулла Хўжаев отиб юборилгандан 27 йил кейин), унинг ишини тўхтатган ва уни оқлаган эди...

Юрагим гупуриб, кўзимдан тирқираб ёш чиқиб кетди. “Бечора Вилоят!” — деб шивирлайди лабларим.

— Не-не кунларни кўрдинг бу чорак асрдан ортиқ вақт давомида?! — дея ўйлайман. — Бу йиллар ичида

Ватандан, қавм-қариндошлардан йироқда, отасининг меҳр-муҳаббати, қайноқ бағридан жудо бўлиб: “Менинг жоним, томиримдаги қоним, менинг юртим — диёрим, сеvimли Вилоятим — она Ватаним — бор хонумоним!” — дея эркалашларидан мосуво бўлиб ўтди. Шунча кўрган-кечирган азоблариям бир бўлди-ю, дардчил онасининг она юртдан йироқда — 1957 йилда Иссиқкўл вилоятининг Рибачье шаҳрида Вилоятнинг шундоққина тиззасида армонларидан сўзлаб туриб ҳаётдан кўз юмгани-ю, кафан насиб этмай, она тупроқ бағридан жой топмай, жасади узоқ ўлкаларда қолиб кетганига сира-сира чидолмайди Вилоят. Бундай ўйлаб кўрса яшаб ўтмабди — ҳаёт нималигини билмабди — тириклик қилибди, холос Вилоят... Қамалган чоғида тўққизинчи синф ўқувчиси эди — нечоғлик истамасин, ўқишни давом эттиришнинг имкони бўлмади. Қалбидаги барча орзу-умидлари пучга чиқди...

Ахийри, жиноий ишлар бўйича ЎзССР Олий суди 1965 йилнинг 12 июлидаги мажлисида ЎзССР республикаси прокурори муовинининг протестини ўрганиб чиқди — қайта кўрди ва қуйидаги хулосага келди:

“Иш юзасидан тўпланган материалларни ва протестда келтирилган далил-исботларни текширгач, қуйидаги сабабларга кўра қондирмоқ жоиз деган хулосага келинди:

В.Хўжаевага тегишли жиноий иш унинг отаси Файзулла Хўжаевнинг халқ душмани деб айбланиб суд қилингани туфайли очилган. Вилоят Хўжаеванинг ўзига эса унинг фаолияти билан боғлиқ ҳеч қандай айб қўйилмаган, жиноий ишда унинг айбини кўрсатувчи ҳеч қандай далил-исбот йўқ. СССР Олий Суди Ҳарбий Коллегияси Ф.Хўжаевга доир ишни 1965 йилнинг 6 мартида тўхтатди ва у оқланди: Шу сабабдан ҳам В.Хўжаеванинг шу иш юзасидан айбланиши асоссиздир”. Ушбу зикр этиб ўтилганларга биноан ва ЎзССР УПКси 353-моддасига кўра суд коллегияси ажрим чиқарди. Ажримда қуйидаги сўзлар бор эди:

“ЎзССР Прокурори биринчи муовинининг протестига кўра СССР ИИХК ҳузуридаги Алоҳида Комиссиясининг 1938 йил 29 майидаги қарори Вилоят Хўжаевага тегишли иш унинг ҳаракатида жиноят бўлмаганлиги учун тўхтатилсин”.

Бу хабар Вилоятга етиб борганда у ўзини қандай ҳис этди? Бу менга қоронғу... Вилоятнинг бадаргадан

қайтиб келгандаги кўргиликлари устида тўхталиб ўтиришни лозим топмадим. Зеро, ҳар қандай ақли расо одам буни тасаввур қила олади: отасининг уй-жой, мол-мулкидан ному-нишон қолдирилмай мусодара қилинган... Вилоят Хўжаеванинг тўнғич ўғли билан бўлган суҳбатдан шуни англадимки, бадаргадан қайтгач Вилоят борарга жойи бўлмаганлигидан нима қиларини билмай уч фарзанди билан Файзулла Хўжаеванинг синглиси Робияни қора тортиб Тошкент вилоят, Бекобод туманидаги Сретенка қишлоғига боришади (Робия Хўжаева шу томонга бадарга қилинган эди). Чаласавод, қўлида бир ҳунари йўқ Робиянинг бошидан кечган кечмишларни ёлғиз ўзи-ю, тепасида худо билди, холос. Бу ерда Вилоятнинг ҳар кўрган кунини Аллоҳ ҳеч кимнинг бошига солмасин. Вилоят уч фарзанди билан Робиянинг бир хона кулбасида бошпана топишга топди-ю, лекин беш, уч ва бир ярим яшар болалари билан жуда-жуда қийналди. Негаки, ишга жойлаша олмади. Ахийри, Бекободда нон заводида бухгалтер бўлиб ишлади. У қора кунларни эслайверса, тасвирлашга тил ожиз.

Лекин ҳаёт-ҳаёт экан. Қоронғу тундан кейин ёруғ кун албатта келганидек, Вилоятнинг ҳаётида ҳам қора кун ёришгандек бўлди — Тошкентга қайтди. УзКП(б) Марказий Комитетининг ўша чоқлардаги биринчи котиби Шароф Рашидов ташаббуси билан Вилоят Хўжаевага Тошкентнинг марказидан уч хонали уй бердилар.

Шу-шу бўлди-ю, у ортиқ ўзини кунжакка урмади. Отаси Файзулла Хўжаев фаолияти ҳақида қалам тебратган журналистларга, Файзулла Хўжаевнинг уч жилдли асарлари устида иш олиб борган олимларга баҳоли қудрат кўмаклашди. Хуллас, у ҳаётининг сўнгги йилларини уни дунёда энг бахтли ва бахтсиз қилган Файзулла Хўжаев фаолияти қирраларини ўрганишга бахшида қилди. Отасини, ўзини ва барча яқинлари, ҳамда қанчадан-қанча юртдошларимизни бадном қилган собиқ Совет ҳокимияти йилларида ҳатто ўрта маълумот ҳам ололмай қолган Вилоят Хўжаева журналистлар, олимлар билан бақамти бўлиб, отасининг фаолиятига доир бўлган, шу чоққача ўзи ҳам билмаган маълумотларни ўрганди. Оилада ўғлонлари ва набираларига севимли момо бўлди.

— Онагинам саботли инсон эдилар. Бошларига тушган кўргиликларни тишларида тишлаб ўтдилар. Ҳаётларидан нолиганликларини эшитмаганман. Ҳар қандай қийинчиликларни сабот билан, матонат билан енгдилар, — эслайди Вилоятнинг тўнғич ўғли, ҳозирда шифокор бўлиб ишлаётган Рудольф Викторович Бархет.

— Қанча қийинчиликларни кўрган билан ҳам ҳақиқий инсон ўзининг инсонийлигини намоён этаркан. Вилоят ҳам шундай. У ҳаётда ўзидан из қолдирди. Унинг қатор фарзандлари ва набиралари унинг ҳаётини давом эттиришяпти. Вилоят менинг кўз ўнгимда қийинчиликларда тобланган бўрондан-да кучли инсон сифатида гавдаланади.

ЎТГАНИ ЮРАКДАН ЎТДИ

Ёшлигини қўмсамаган одам бормикин оламда? Қизиқ... Қанча йироқлашсанг, шунча қўмсайсан ёшлик деб аталган фараҳли даврингни... Даври давронингни... У паллада ҳаётинг қандай ўтган бўлишидан қатъи назар, уни қўмсайсан, у кунлар қайтмасга кетганидан ўкинасан. У кунларда қозонни қайнатиш қанчалар қийин бўлган эса-да, нон оладиган паттангни йўқотиб бутун оилани бир ой давомида нонсиз қолдирган эсанг-да, мактабга боргунингча йиртиқ калишда лой кечиб, пайпоқларинг шилта-шалаббо бўлиб, печкаси ёқилмайдиган совуқ синфда партага чўққайиб ўтирган қўйи дарс тинглаган, дарсдан қайтгунча ҳам оёғинг илимаган бўлса-да, барибир, ўша ёшлигингни қўмсайсан. Акангдан келган қорахатни онангдан беркитиб қўйиб, кун уззу-кун кўча ва майдонларда акангга яшириқча аза тутиб юрган бўлсанг ҳам, барибир ёшлигинг — йўқотган давлатинг бўлиб, умр бўйи ўртайди.

Куз кунларининг бирида мен ҳам ёшлигимни излаб: “Қайдасан, Хадра!” — дея йўлга тушдим. Хадрада, Қаландархона тепасидаги мен яшаган Ҳовузбоғ маҳалласининг бир қисми бузилиб кетган, ҳатто бир вақтлар неча-неча хонадонлар бузилиб ўрнига Тошкентда биринчи бор қурилган трамвай идораси

ўрнида қатор тўққиз қаватли бинолар қад ростлаган. Маҳалламиздаги бутун қолган уй-жойлар ёнида ҳамма ёқда ҳозир ва нозир болакайлар ўйноқлайди. Улар оламдан ўтиб кетган маҳалладошларимнинг неварачеваралари. Мен уларни танимайман, улар ҳам мени билмайдилар. “Бу момо нима қилиб юрибдилар экан”, — деб ўйласалар керак. Мен эса бу пасти баланд кўчада болалигимни излаб юрибман. Асфальт кўчалар, ғиштин йўлкалар бўлмаган у чоғларда тойғониб йиқилиб, лойга беланган эдим, мана бу ерда... Ҳов анави ерда маҳалламиздаги энг чиройли, сирланган хонадон бўларди. Катталарнинг ўзаро суҳбатидан хотирамда қолганлари шуки, бу хонадон соҳиби Ортиқ ака ўша чоғларда ҳибсга олинган, орадан кўп ўтмай уларнинг инилари — маҳалламиз оқсоқоли Қудрат ака ҳам қамалган — лекин қайтиб келишмаган... Мана бу — бутун Тошкентга маълум ва машҳур Жомеъ масжиди. Мен учун ниҳоятда қадрдон гўша. Бизнинг болалик йилларимизда бу масжидда мактаб очилган эди. Масжиднинг ҳар икки ҳужраси бир қилиниб синфларга айлантирилган ва биз шу мактабда ўқиганмиз. Уруш йиллари мактаб ёпилиб, масжид ўрнида темирчилик устахонаси очилди. (Болалар ўқимай қўйган, темирчилик устахонаси даромад келтириши мумкин-да.) Мана, ҳозир биз ўқиган синфлар бузиб ташланибди ва қайта таъмирланаётган экан. Ана, ана у ердаги янги пайдо бўлган бозор ўрнида Хўжа Аҳрор мадрасаси бўлгувчи эди. Бизнинг болалик чоғимизда бу мадрасанинг бузиб ташлангани ёдимда. Ўшанда мадрасани бузаётганлар хўпам қийналишган эди. Бирон-бир ғишти синмасдан бутун чиққани эсимда. Ўшанда катталарнинг ўзаро мулоқот чоғида: “Бу мадраса ғишти Самарқанддан келтирилган”, — дейишгани ҳам эсимдан чиқмаган. Эмиш, бу ғиштарнинг лойи Самарқандда туя сутига қорилиб обдон пишитилган экан. Тайёр ҳолга келтирилган мусулмон ғиштарни Самарқанддан Тошкентгача қатор турган одамлар қўлма-қўл узатиб етказишган экан. “Шундай мадрасани бузиб юборишди-я... Ғиштарини нима қилишди экан-а?..” — деган фикрлар ғужғон ўйнайди бошимда. Бу мадраса бузилмасидан аввал ичига бир-икки кирганимни хотирлайман. Ҳаммаёқ кипиқ, пайраҳа босиб ётарди... Энди англадимки,

ўшанда — бизнинг болалик йилларимиз қадриятларимизга қарши ҳужум уюштирилган кезларга тўғри келган экан. Болалик беғуборлик экан-у, лекин кўрган-кечирганларинг бутун умрга қалбингда муҳрланиб қоларкан. Шунда бирдан яна бир воқеани хотирладим.

Ўн тўртни қоралаган ушоққина қизнинг берган совали негадир хотирамдан сира кўтарилмади. Собир Раҳимов туманидаги 84-мактабнинг “Мулоқот” клубидаги бу учрашувнинг бўлиб ўтганига бир йилдан ошиб қолган бўлса-да, қизалоқнинг бир қарашда жўнгина кўринган саволи ҳар гал эсимга тушганида олам жаҳон хотираларни жонлантириб, қалбимда галаён кўтаради. Ахир “Бизнинг ёшимизда қандай яшагансиз? Осон бўлганми ё қийин?” — деган саволга ўсмирлиги уруш йилларига тўғри келган кимса нима деб жавоб қилиши мумкин?! Жавоб бериш қийин кечди. Зеро, Иккинчи жаҳон уруши деб тарихга кирган узундан-узоқ беш йил давом этган бу уруш йилларини эслаш... Кимга қандай билмадим-у... Лекин мен учун жуда-жуда ҳам оғир — қатор жудоликлар, йўқотишлар йиллари бўлган эди... Бир мен учунми? Бу саволга уруш тугаганидан кейин ярим аср ўтгачгина ҳақиқатга яқин жавоб топгандек бўлдик. Эндиликда билсак, элнинг-юртнинг ҳўпам шўри қайнаган замонлар бўлиб ўтган экан.

Акам урушга кетгач, онам Вазирахон ётиб қолдилар ва рўзғор ташвиши менинг бошимга тушиб, ишга кириб кетдим ва мактабдаги ўқишлар қолиб кетди. Қилмаган ишим қолмади. Болалар шифохонасида ҳамшира, сафарбарлик идорасида ходима, Октябрь райони Ижроия қўмитасида котиба, ЗАГС бўлимида иш юритувчи. Синфдошим Инобатхоннинг онаси Тожихон ая: “Дарахт бир ерда кўкаради. Жойдан жойга кўчаверма...” — дея койирди раҳматлик. Лекин алломалар айтганича, ҳамма нарсанинг ўз вақти-соати бўларкан, вақтики келиб бир ерда — “Саодат” журнали редакциясида ўттиз йил хизмат қилдим. Аммо, ўша ёшликда қатор идораларда қилган хизматим жараёнида кўпни кўриб, кўплар билан мулоқотда бўлганим умр бўйи менга қўл келди.

Ўша йилларни эслай бошласам, совуқдан дийдираб ўтказилган қиш, юпун кийим-бош, оч-наҳор ўтган куну тунлар, нон учун, керосин учун юзлаб кишилар

ортидан навбатда туришлар... Унутиб бўлмайди у кунларни ҳам, тунларни ҳам. “Тунлар” дейишимнинг боиси шундаки, тун қоронғисида — соат ўнларда навбат олиб, киши бошига 400 граммдан белгиланган патта (забор карточкаси) билан олинадиган нонга тонготар навбатда турсак, эртаси кундузи соат ўн иккиларда тўрт кишига тегишли бир кило-ю олти юз грамм қора нонни олиб, талотўплар орасидан эсон-омон чиқиб олганимизга хурсанд бўлиб уйга қайтардик. Уйда эса оч-наҳор икки укам ва бетоб онам нонуштасиз мени кутарди. Бундай кун кечирган бир менми? Йўқ, албатта. Эл-юрт ибораси билан айтганда — юртга келган тўй эди бу. Маҳалламизда — Хадрадаги “Тоштрам” орқасидаги “Ҳовузбоғ” маҳалласида кекса “Мошфуруш табиб”, савдойи Ваҳоб акадан бўлак меҳнатга яроқли эркак зоти қолмаганди. Урушнинг совуқ нафаси бари йигит-ялангни, улар қаторида акагинам Аҳмаджон Аҳроровни, унинг тенгдошларининг барини гарбга қараб — муҳорабага суриб кетган эди. Акам ёшидаги йигитлардан (номи хотирамда қолганлари) Ҳикмат, Низом, Қобил, Файбулло, Ҳабибулло, Абдулазиз, Фатхулло ва яна эндигина оила қуриб, бир-икки фарзанд кўрган аллақанча кишилар (у чоғда биз ёшларга улар катта киши бўлиб кўринарди) жангу жадалга жўнади ва қайтишмади. Акамдан келган хатлардан (уч йил уруш йиллари акамдан келган юз ўттиздан ортиқ мактуб, эллик беш йилдирки, ҳамон хонадонимда сақланади) билганманки, йўлга чиққан йигитлар, ўн беш кунда Ленинград жанггоҳига етиб бориб, ҳеч қандай машқларсиз қўлига қурол тутқазилиб урушга киритилган. Мусаввир акам Аҳмаджон Аҳроровдан (у Тошкентдаги Беньков номидаги рассомчилик билим юртини 1942 йилда тугаллаган эди) келган мактублардаги: “Қандай яшаяпсизлар? Ҳамон нон ва сувми?” — деганга ўхшаш баъзи сатрлари ҳамон ёдимда. Ҳақиқатан ҳам шундай эди. Лекин бизнинг оилани бувигинам Ойтўраҳон отиннинг “Каттақозиробод” даҳасидаги узумзор, олмазор, ўрикзор, беҳизор ва ёнғоқзор боғларидаги ширин-шарбат мевалар ёзда, уларнинг қоқилари-ю туршак, баргак, аштак-паштак ва майизлари қишда очликдан — нақ ўлимдан сақлаб қолган, десам лофи йўқ. Шуни тасаввур қилган бўлса керакки, акам ҳар мактубида: “Тошкент — жаннат”, деб соғинчини баён этарди.

Ўрисларда: “Не было счастье, да несчастье помогло” деган бир гап бор. Менимча, бу нақ ҳаётдан олиб айтилган.

Уруш йилларида шаҳарда яшаш оғирлашгандан оғирлашиб кетди. Озиқ-овқат етишмаслиги устига, ўтин-кўмир топиш ҳам амримаҳол бўлиб қолди. Хазон ёқиб, овқат пиширилса, шоҳ-шабба билан уй иситилар, деган ўйда тоғаларим бола-чақалари билан бувимларнинг “Каттақозиробод” даги боғларидаги қишлашга мослашмаган уй-жойда қишлаб қолдилар. Уларнинг шаҳар ҳовлидаги уй-жойлари бўш қолди.

Уруш вақти эди... Тоғамларнинг шу бўш турган уйларига туман ижрокўми ўн-ўн икки нафар ўрис қизларни кўчириб келтиришди. (Бу ўйда уруш бораётган шаҳарлардан қочиб келиб, тўқимачилик комбинатида ишлай бошлаган қизларга ётоқ очилди.) Уй эгаларидан ҳеч ким ижозат ҳам сўрамади. Лекин ётоқнинг очилиши, бир жиҳатдан, мен учун фойдали бўлди. Аввало — ҳайҳотдек ҳовлида ёлғиз қолмайман. Ётоқдаги ўрис қизлардан бири китобсевар эди. Доимо янги-янги китоблар келтириб ўқирди. Бу пайтга келиб мен Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар”, “Меҳробдан чаён”, “Обид кетмон” асарларини бекитиқча ўқиганман, Фердинанд Дюшеннинг “Тамилла” асарини ўқиб, ҳўнграб-ҳўнграб йиғлаб ўтирганимни кўрган ўша ўрис қиз менга бир китоб тутқазди: “Мана буни ўқигин, йиғламайсан — мазза қиласан”, — деди. Қарасам, Даниэль Дефонинг ўрис тилида чоп этилган “Робинзон Крузо” асари эди. Ўзбек мактабида ўқиганим учун бу китобни ўрис тилида ўқиб тушириш қийин бўлди: бир сўзни тушунсам, бошқасини тушунмай, сўзларни бир-бирига уриштириб, ҳижжалай-ҳижжалай, бир амалладим. Асар жуда ёқди. Шу-шу ўрис тилида чоп этилган асарларни излаб топиб ўқийдиган бўлдим. (Ўша чоғларда ўзбек тилида китоб тополмас эдим.)

Тавба! Бахтироликлар бизнинг уйимизга ин қуриб олган эканми — билмадим, акамдан келган қорахат дарди-ҳасрати эскимай, биз яшаб турган ҳовли сотилиб кетди. Менимча, эндиликда мантиқий фикрлаш натижасида англадимки: “Даласи борларнинг ҳовлисини давлат тортиб олади. Ҳеч кимга икки уйлик бўлишга рухсат этилмайди”, — деб чўчитиб, ўша чоғдаги маҳалла комиссияси раиси арзон-гаров

ҳовлимизни сотиб олган. Тоғаларимнинг “Каттақозиробод”да уй-жойи бўлса-да, бизларда у ҳам йўқ, ҳар гал боққа кўчганда супада жойлашардик. Хулласи калом — бутунлай бошпанасиз қолдик. Сентябрь ойида бошпанасиз қолиш азобини ҳамма ҳам тасаввур этолмайди. Шундай аламли кунлар, ойларда бирдан-бир овунчоқ — китоб бўлди. Шу аснода бир нарсани таъкидлаб ўтишни истардим — кундузи ишлаймиз. Китоб ўқиш учун фақат тунда вақт топардик. У чоғларда кўпчилик хонадонларга электр кирмаган. Лампамой эса тежаларди. Шу сабабдан кўча бошидаги электр-фонарь ёқилиши билан фонарь тагидаги харсангни эгаллаб олиб, алла паллагача китоб ўқирдим. Қанчалар завқли, бахтли дақиқаларни инъом этган менга у асарлар. Мутолаа яхши нарса экан: у аввало ҳаёт қийинчиликларини унуттирар, янги оламга бошлаб кетар, баъзан ўзингдан ҳам аянчли ҳаёт кечирганлар тақдирига ошно этиб, ўз ташвишларингдан йироқлаштирарди.

Биз уруш йиллари болалари эгнимиз бут бўлиб, қишда совуқ қотмасанг-у, қора нонга қорнимиз тўқ бўлса, ўтирган уйимиздан чакка ўтмаса, бахтли деб билардик ўзимизни. Оламни англаш каби қанчадан-қанча бахтли дақиқаларни китоб инъон этган менга. Ўрис тилида китоб ўқиш мени А.С.Пушкин, М.Ю.Лермонтов, В.Достоевский билан ошно этди. Бу бахтни мен сўз билан ифода этишга ожизман. Айнан ўша чоғларда — ўн тўрт ёшимда қалбимда, келажакда бутун борлигимни қамраб олиб, ҳаётимнинг мазмунига айланган орзу — таржимон бўлиш истаги пайдо бўлди. Бунинг ҳам ўзига яраша сабаби бор. Гап шундаки, ўрис тилида китоб ўқирканман, тенгдошларим ҳам мен ўқиган китобларни ўқишини истардим. У пайтлар дугоналарим ўрис тилида ўқий олмасдилар, “Ўқиган китобинги сўзлаб бер”, — деб туриб олардилар. Таржимон бўлиш орзуси ана ўшанда қулф урди дилимда. Лекин бу етишини рўёдек кўринган ҳаёлот эди, холос. Орзу қилинган у кунларга етмоқ учун эса ўқиш, ўқиш, яна ўқиш ва ўқиганларимни ўқиш, ўзбек ва ўрис тилини чуқур эгаллаш керак эди... Тирикчилик ўтказиш учун ҳам меҳнат қилмоқ керак эди... Болалигимни эсласам, яйраб ўсганимизни билимайман. Тенгдошларимнинг, қўни-қўшниларнинг хонадонига ҳаёлан кириб чиқаман. Ҳамма бирдай бир алфозда яшарди. Оталик тўкис

дугоналаримнинг ҳам бир қўйлаги икки бўлмаган. Папкамиз ҳам бўлмаган. Мактабга ҳам ҳамма бирдай жилд кўтариб, юпун борарди. Мен эса ҳеч қачон байрам ва ҳайитларда оҳарлик киймаганман, дарсликларим ҳам бўлмаган. Иккинчи синфдалигимдаёқ ҳамма дарсларни ўқитувчи дарс ўтаётганида дафтарга ёзиб олардим. (Кейин шуни англаб етдимки, дарсни ёзиб бориш, дарсни чуқур ўзлаштиришда қўл келаркан.) Ҳаёт оғир эди, жуда оғир эди.

Яхшиямки оламда яхши одамлар кўп. Ҳаёт йўлимда мен уларга кўп дуч келдим. Ҳаётимнинг энг оғир кунларида улар мени қўллаб юбордилар: мустақил ҳаётга қадам қўйганимда ота-она бўлиб йўл кўрсатдилар, бошпанасиз қолганимда уй бердилар, таржима маҳоратини эгаллашимда устозлик қилдилар, журналистикага қадам қўйганимда тоғ бўлиб суядилар. Афсус ва надоматлар бўлсинким, мен улар олдида бурчдорлигимча қолиб кетдим — яхшиликларига яхшилик билан жавоб қилишга улгурмоқ ҳам бахт экан. Аммо, мен бу бахтдан мосуво қолдим, эндиликда ушбу бажарилмаган бурч доимо қалбимни тош бўлиб эзаётибди...

Яхшиямки, қалбимни ёритиб тургувчи бир туйғу бор. У ҳам бўлса — Мустақил юрт фарзандлари эканимиз. Биз яшаётган Ўзбекистон деб аталмиш юрт мана неча йилдирки, Мустақил. Биз кўрмаган эзгуликларни кўриш набираларимизга насиб этди. Улар Мустақиллик йилларида барпо этилган лицей ва коллежларда ўқиб, ёшлиқданоқ ўзларини қизиқтирган соҳанинг билимдон соҳиби бўлиб етишяптилар. Узоққа бормаيمان-да, ўз оиламдан мисол келтираман: набираларим ҳали боғчадаёқ хориж тилларини ўрганиш имкониятига эгадирлар. Мусиқа ва мусаввирлик лицейининг 6-синф ўқувчиси бўлган набирам Нурхон Зиёхонова яқинда ўтган ёш мусаввирлар республика танловида иккинчи ўринни эгаллади, Камолиддин Бехзод номидаги мусаввирлик коллежи тўртинчи курси талабаси бўлган набирам Саидахон Юнусова эса ундан хиёл олдинроқ “Континенталь” меҳмонхонасида ўтган “Осиё-Стиль-98” модалар танлови Дипломига сазовор бўлди. Азиз китобхонлар зинҳор-базинҳор буни мақтаниш деб тушунмаслиги керак, шунинг учунки, мен хонадонимдан чиқмай мисол келтирдим. Бинобарин ташқари чиқиб, бутун республика бўйлаб назар

ташласак, юртимиздаги муваффақиятларнинг санаб саноғига етмаймиз...

Демак, набираларимиз биздан кўра бахтлироқ экан. Биз эришолмаган ёки ёшимиз ўтгандагина етишган марраларни улар болаликдаёқ эгаллаптилар. Уларга айтадиган тилакларим: Умрингиз узоқ, бахтингиз боқий бўлсин! Мустақиллигимизга кўз тегмасин!

НОНДЕК АЗИЗИМ, ОНАИЗОРИМ МАНИМ!

Ким қандайлигини билмайман-у, аммо мен ўзим... “Онам, онаизорим...” — деганимда юрагим бир орзиқиб тушиши бор. “Нега? Нега? Нега мен шундайман?!” — дея сўроқлайман ўзимни. “Онасидан айрилган бир менми? Ахир: “Ота-онадан айрилмоқлик — мерос” — дейишади-ку, алломалар. Лекин...”

Лекин... бошқалардан ўзгача яралган бўлсам, мен қандоқ қилай? Онам ҳақида ўйлаганимда, ҳусну жамолда тенги йўқ, кўзидан меҳр ёғилиб турган париваш аёл кўз ўнгимда намоён бўлади ва мен онамни ҳаёлда тиклайман. Онагинамнинг кўзлари ёниб турарди. Йўқ, йўқ — порлаб турарди. Онамнинг лаблари табассумга мойил енгил ёйилганида, кўзлари ёлқинланиб қараган одамани мулойим сийпаб ўтганда, хоҳ ёш бўлсин, хоҳ қари, кўз узолмай қоларди. Шунинг учун бўлса керакки, эшитишимга кўра, отам қатлиомга учраб отилиб кетгандан сўнг онамларга не-не ўктам йигитлар совчи қўйган экан. “Ҳеч нимага зориқтирмайман, болаларини опичлаб катта қиламан, рўзгорининг баланд-пастини гарданимга оламан”, — деб ваъда берган эканлар. Аммо, онагинам Вазираҳон отамга содиқ қолганлар. Юпунгина ҳаётларини — беваликнинг дарду ҳасратлари-ю армонларини ясан-тусан, тўкис ҳаётга алмаштирмаган эканлар. Шу гапларни бувимнинг қўни-қўшнилар билан бўлган мулоқотидан илғаб олганимда ачинганман. “Агар онам турмуш қурганларида эди, ўгай бўлса ҳам отам бўларди...” — деб ўйлаганим ҳали-ҳали эсимда. Оталик — тўкис бўлишлик орзу-умидим эди ўша чоғлар. Лекин менинг орзуим ушалмади. Онам ана шундай садоқатли

бўлган. Онамни қўмсайман ва отамдан қолган меросимни — бор-йўғи ёзув столининг бир ғаладонини эгаллаган суратларни титкилай бошлайман, уларни қатор териб қўйиб, томоша қила кетаман. Сурат олиш ускунасини илк бор кашф этган инсонни улуғлайман. Зеро, бу суратлар ҳали мен оламга келмасимдан неча-неча йиллар муқаддам онагинам ва отам ҳаётидан айрим лавҳаларни муҳрлаб, уларнинг фарзандлари, невараларига етказган.

Суратларга тикиларканман, бехос ҳассос шоир, ажойиб инсон Миртемир оғамиз лоп этиб ёдимга тушадилар ва мен суратларга тикилганимча, яккаш уларнинг сатрларини такрорлайман: “Сурат, сурат, нега сен тилсиз?”

Лекин... Вожабо, сурат тилга кира бошлайди.

Ёскириб кетган бўлса-да, жуда сифатли олинган бу сурат отам билан онам бирга турмуш қурган пайтларида, 1919 йилда олинган — онамнинг келинлик чоғлари.

Бу сурат отам Тошкентнинг “Ўқчи” маҳалласида 1918 йилда ўзлари ташкил этган “Ватан” мактабида жисмоний тарбия дарсидан танаффусга чиққан чоғларида олинган экан.

Саид Аҳрорийнинг “Хоним-қизларимизга тортиқ” деган рисолаларининг иккинчи саҳифасида 1922 йилнинг 3 сентябрида Боку шаҳрида битилган куйидаги шеър бор:

СЕН ЯША!

*Йўқсуликлар, айрилиқлар мени бутун эзганда,
Елғизликнинг наштавлари юрагимни тешиганда,
Ҳаётимнинг баҳорини сен келтирдинг бирликда,
Сен келган кун руҳим теран севинчлар-ла безанди.*

*Меҳрибоним! Бу қоронғу очунимда биргина
Сен эурсан оппоқ, ёруғ юзли юлдузим.
Сен мен билан бўлган сайин қайғу кирмас кўнглимга,
Фидо сенга ёзувларим, шеърларим, ҳар сўзим.*

*Вазирам, кул, хандалар соч менинг нурсиз умримга,
Вужуд бериб жон бағишла гўзал тилакларимга!
Тилагингга очил, яйра, ўйнаб яшна, қанотлан,
Бўлбул каби сайраб учгил, яшна менинг бағримда.*

Бу шеър ёзилгандан кейин ўтган ўн йил мобайнида онам Вазираҳоннинг суюкли ёри ва ўғил-қиз фарзандлар қуршовидаги ҳаёти меҳр-муҳаббат оғушида унга кўп шодликлар ҳадя этди. Лекин унинг бахти узоққа бормайди. Ҳаётнинг қоронғи дамлари етиб келган эди.

1930 йил ноябрида эрта билан ишга кетган отам шу кетганча бедарак кетадилар (бу вақтга келиб, отам Саид Аҳрорий Самарқанд молия-иқтисод техникумида дарс берардилар. Катта тоғам Саидакбар эшон синглисини тўрт фарзанди билан Тошкентга, бувим Ойтўраҳон отин бағрига кўчириб келгунга қадар онагинам мусофир юртида қандай кун кечирдилар экан-а...).

Онам Вазираҳон отамнинг “Ўксима” деган шеърларини тез-тез айтиб юрардилар. Бу шеърни куйга солиб, дутор чертиб куйлардилар, ҳатто. Бу кўшиқнинг сўзлари тўлиқ бўлмаса-да, ҳамон ёдимда. Билсам, дадам бу шеърни ҳам онамга бағишлаган эканлар. Наздимда, дадам бошлари узра қовоқ уйган қора булутлардан хавотирда бўлганлар ва бирон кори ҳол юз берса, рафиқаларининг ўзини йўқотиб қўйишини истамаганлар. Бу шеърни онамлар отамларнинг ўғити — насиҳати деб қабул этганлар ва унга амал қилганлар. 1930 йилда ёзилган ўша шеърнинг ёдимда қолган сатрлари қуйидагича:

ЎКСИМА

*Гўзал дилбар, ўксима,
Олма ғамни устингга.
Ёлғиз уйда ғам чекиб,
Ханжар урма кўксима.*

*Қайғу-ҳасрат, аламдан
Гул юзларинг сўлмасин.
Юраккинанг ўртаниб,
Зардоб билан тўлмасин.*

*Қанот қоқиб, юксал, уч,
Гуллаганда ҳар тараф.
Дўстларингга суян сен,
Тан берма дард, кулфатга...*

Ҳа, бу сатрларни умрбод такрорлаб келганман. Лекин биламанки, онагинам отам насиҳатларини рўёбга чиқара олмадилар — қанот қоқиб юксала олмадилар. Биз, тўрт нафар фарзандлари зил юк бўлиб, қўлоёқларини чамбарчас боғлаб қўйган бўлишимиз керак.

Онам қариндошлар маслаҳати билан етти ёшли акам Аҳмадхонни болалар уйига топширдилар (шунинг ўзи онагинам учун жаҳаннам азоби эмасми...). Дадам бедарак йўқолгач, икки ҳафта кейин дунёга келган укам Эркинхонни ёнларига олиб, болалар боғчасига ишга кирдилар. Мен билан Кенгашхон иним бувим Ойтураҳон отин бағрида қолдик. Тўрт етимни боқиш, ниҳоятда оғир йиллар эди: 1933—34 йиллардаги очарчиликда йўғонлар ингичка тортиб, ингичкалар узилган пайтлар. Онагинам Вазираҳон фарзандларини асраб қолмоқ учун бари зийнатларини озиқ-овқатга алмаштирдилар (Эски Жўвада шундай “торгсин” дўкони бўлгувчи эди, ўша йилларда. Ва у ерда аҳоли қўлидаги олтинларни йиғиб олардилар). Шундай оғир дамларда ҳам (кўчаларда очлар ўлиб ётар, ҳар куни тонгда араваларда ўликлар териб кетиларди) онамларнинг нолиганларини, кимнидир ёки тақдирни қарғаганларини сира эшитмаганман. Шу сабабдан бўлса керакки, қаргашни билмай ўсдик. Бизларнинг дилимизни чўктирмаслик учун оқшомлари онам бизга отам ҳаётида бўлиб ўтган воқеаларни: Красноярскдаги оқ подшо тутқунгоҳидан қочиб, Тошкентга келганлари, бу ерда мактаб очиб, дарс берганлари, “Изчилар тўдаси” номида ёшлар уюшмаси ташкил этганлари, Бухорода газета чоп этганлари, мақолалар, шеърлар, драматик асарлар ёзганлари ҳақида сўзлаб берардилар. Онам ҳикояларидан биз йўқолиб кетган отамиз шакли шамойилларини ҳаёлда тиклаган бўлардик. Бизнинг отамиз иродали, адолатли, истеъдодли, меҳрибон сиймо сифатида гавдаланарди кўз ўнгимизда. Отам ҳақидаги саволимизга онамиз яккаш: “Командировкага кетганлар”, — деб жавоб қилардилар. Мен эса ўзимча: “Командировка ҳам шундай узоқ бўладими?” деб ўйлардим. Ана шундай иродали аёл эдилар онагинам Вазираҳон.

Мен эса, эсимни танибманки, умрим онамларга ҳавасда ўтди. Бу ҳавас турли даврларда турлича бўлди. Аввалига онамларнинг ҳусну жамолларига ҳавас қилардим. Сочлари тим қора, қалин эди. Хиёл чўзиқ

оппоқ юзларида одатда бўладиган бир жуфт эмас, икки жуфт кулгичлари ҳолатга ёки кайфиятга қараб, гоҳ ёноқларида, гоҳо кўзлари тугида чуқурча ҳосил қилиб, бир ҳуснларига ўн ҳусн қўшиб юборарди. Бу болаликдаги ҳавасларим. Онамларга тикилиб тўймасдим, туриб-туриб: “Мени ўзингизга ўхшаш чиройли қилиб, сочимни тим қора қилиб туғмагансиз”, — дея нолиб ҳам қўярдим.

— Сен дадангга ўхшайсан. Сочинг ҳам дадангникидай, хурмо ранг, — дердилар онагинам. Мен учун эса дадамга ўхшашдан ортиқ бахт йўқ эди ва тиниб-тинчиб қолардим.

Кейинчалик бу ҳавасим йил сайин, вазият тақозосига кўра, турлана борди. Не-не кунларни бошидан кечирмади онагинамнинг азиз боши. Тўрт бола билан бева қолган кезлари на хат-саводлари бор эди ва на қўлларида бир ҳунарлари. Саводхон оилада ўсган, эски араб алифбосида саводхон бўлган онамлар (бобом билан бувим ўғил ва қиз болаларни ўқитишарди) 1928 йилга келиб, латин алифбосига кўчиш туфайли саводсиз бўлиб қолган эдилар. Биз болалигимизда овозимиз борича куйлаб юрадиган “Нозигим” қўшиғи ўша чоғларда халқнинг дардини ўзида акс эттирган бўлса керак:

*Айланаман, нозигим, ўргуламан, нозигим
Лотинчадан сўз очманг, мен ўламан, нозигим... —
деб куйланарди қўшиқда.*

Онагинам Дегрез маҳалласидаги “Тоштрам”га қарашли болалар боғчасида узоқ йиллар ишладилар.

“Банданинг боши — Аллоҳнинг тоши” — дейишади. Не-не кунларни кўрмади онагинамнинг азиз боши.

1941 йилда уруш бошланди. Бу пайтга келиб энг каттамыз — акам Аҳмадхон Аҳроров 18 ёшга етган, мен ўн тўртда ва икки укам бошланғичда ўқирди.

“Юртга келган тўй”, дейишди, 18 яшар акамни урушга сафарбар қилишди. Ҳали-ҳали ёдимда, акамни кузатиб ҳовлига чиқдик. Ҳовли кўни-қўшнилари, қавм-қариндошлар билан тўла.

— Укаларинг ичикиб қолмасин, Аҳмадхон. Оғзига туфлаб кет! — дедилар Фахритдин тоғамиз. Инида чигиллаб турган қалдирғоч полапонлари янглиғ биз оғзимизни очиб турдик, акам номигагина “туф” деб қўйдилар. Бу акамни охири бор кўришимиз эди. Икки йил давомида Ленинград остонасида жангу

жадалда неча ўлиб, неча қолган йигирма ёшли Аҳмадхондан келган 133 мактуб ҳамон сақланади хонадонимизда. Бу мактубларда акамнинг сўнгги сўзлари, сўнгги насиҳатлари. Ҳозир ўқисам, чиқолмайман. Онамлар қандоқ қолга тушдилар экан-а бу сатрларни ўқиганда, дея ўртанаман. Куйида ўша 1943 йил охирида ёзилган хатлардан сатрлар: "...Бу ерларда инсон қони билан бўялган ботқоқ кечганимиз-кечган. Яна худди шу сувдан ичамиз. Бу ерларда ўсган гулларнинг ҳиди йўқ, ҳаво ҳар доим кулранг тусда, нам-зах. Ёзин-қишин ёгингарчилик, ҳеч қандай мева йўқ. Тошкентнинг чангига алишмайман. Тошкент — жаннат".

Ёки яна: "Икки йилдан бери урушдаман. Ўқ ва бомбалар остида гоҳ отиб, гоҳ маймундай биқиниб юрдим, канадек келадиган чивинлар қонимни сўрди. Саккиз марта жангга кирдим. Оқ-ноласи кўкни тутиб, у дунёга кетганлар сон-саноксиз. Фашистлар подшоҳ Петр I қурган шаҳарнинг абжағини чиқаришди. Одамлари бир тишлам қаттиқ нонга зор..."

Бу сатрларни ўқиганда, онамнинг ҳоли не кечди экан-а? "У, қаноатли, сабр-бардошли ўзбек аёли. Не кунлар ўтмади сизнинг бошингиздан?!" — деб юбораман алам билан.

Дунёдаги энг оғир алам — фарзанд доғи. Севикли ёр, жигар доғи-чи? Акагинам Аҳмадхоннинг навқирон ёшида урушда ҳалок бўлиши, Кенгашхон укамнинг ўсмир ёшидаги ўлими... Онамнинг баҳоридан кейин ёзини эмас, бир йўла кузини келтирган аламлар мана шу қўша-қўша айрилиқлар бўлди. Онамнинг тим қора сочларига оқ оралади, таранг ёноқлари сўлиди. Бу қўшалок ҳасратларга онам дош беролмадилар. Йўқ-йўқ, дод-фарёд чекиб, соч юлмадилар — ичларига солдилар. Дардни ичга солиш ёмон бўлар экан. Бу дарду аламлар онагинамни эс-ҳушидан айирди. Онамнинг дод солмаганларининг сабабини мен хом сут эмган банда энди, онам ёшидан-да улуғайиб, кайвони бўлганимда англасам-а...

Биз ҳаётга қадам қўйган чоғимизда, ижтимоий чиқишимизни ёзган кезимиз, бизнинг тинчимизни кўзлади чоғи, қавм-қариндошлар отам ҳақида ўлган деб ёзишни маслаҳат беришди. Раҳматлик онагинам — ўша йилларда гўзал, навжувон аёл кўзимга тик боқдилар. "Мени десанг, ёлғон ёзмайсан. Шунинг билиб қўй — даданг ўлмаганлар — биз кўммаганмиз. Бошингга қилич келса ҳам ёлғон гапирма..." — дедилар. Онам ўгити умр

бўйи қулоғим остида янграб турди ва ҳамон дилим тўрида. Ана шундай худо ярлақан инсон бўлганлар, Вазираҳон онамлар.

Эл бошига иш тушса, “Юртга келган тўй”, — дейдилар. Йигирманчи йиллардаги тазйиқ, қатағон бизнинг хонадонга ҳам оралаган экан-у, лекин биз ундан тамомила беҳабар ўтибмиз. Онагинам отамиз тақдири нима бўлганини билмай дунёдан кетдилар. Шўрлик онам ҳам бошдан кечирибдилар-а-а-а... Шуларни эсласам, истибдод зулмининг энг оғири — шахс устидан ўтказилган зулм эканини англайман ва шу исканжадан қутулиб, мустақилликка эришганимизга беадад шукр қиламан...

ИСТИҚЛОЛ ШАРОФАТИ

Ота-боболаримиз тушда кўрмаган омон-омонлик даври бизга насиб этдиким, яқин тарихимиздан бир оз хабардор бўлган кимса баъзан бугунги тўкин турмушимизга ишонмай ҳам қолиши табиий. Бу кунларни ким кўрди-ю, кимлар кўрмади... Эл-юртни мустақилликка олиб чиқиш йўлида курашганларнинг қанчаси, бу йўлда қурбон бўлиб кетди! Республикамиз мустақиллигининг шонли ўн икки йиллиги остонасида биз — мустақил эл фарзандлари катта бир сиёсий вазифани бажаришни зиммамизга олдик. Аввал Чор Русияси, сўнг мустабид Совет тузуми даврида мамлакатимиз мустақиллиги ҳамда миллий тараққиёти учун тенгсиз курашларда завола топганлар ададини аниқлаш. Бу йўлда ва мустақиллигимизни мустақкамлаш йўлида бутун халқ жонбозлик кўрсатаётир. Элимизда қилинаётган ишлар кўлами ақлни шоширади. Ана шундай бир замонда, аҳёнда бир бўлса ҳам, йўқ ердан баҳона топиб нолиган кимсага дуч келсанг, гашинг келаркан. Шундай онларда бобокалонларимиздан қолган нақл ёдга келаркан. “Агар ўздан кетсанг — мазор айлан...” — дегувчи эдилар Мавлонқори тоғамлар. Тўғри айтганлар тоғам раҳматлик. Қабристон кезган одам ҳаёт ҳақида, тирикликнинг асл моҳияти ҳақида ўйланиб қолади — бирни кўриб фикр қилса, бошқани кўриб шукр қилади. Менга қолса шу сўзларга яна: “Шаҳар айлан, қишлоқ айлан, юртни кез...” — деб қўшган бўлардим. Ана шунда дўст-душманнинг ҳар турли паст-

баланд сўзларидан қалбда пайдо бўлган ғулу эриб кетади. Якшанбаларнинг бирида тонг билан шаҳрингизни, қишлоғингизни бир кезиб кўринг-чи... Қалбингиз ёришиб, ҳаёт деб аталмиш имтиҳон майдонида чеккан азиятларингиз унутилиб, қалбингиз равшан тортганини сезмай қоласиз. Ана шундай онлардан бирида набирам Мунисхонни етаклаб: “Умидахон аммангни кўриб келамиз”, — деб “Юнусобод қайдасан?” — дея йўлга тушдим. Автобуснинг очиқ деразасидан кўрганларим юрагимни жунбушга келтирди. Наздимда, пойтахтимиз Тошкент катта қурилиш майдони. Бир йил бурун бунёд этиш эндигина меъморларнинг дафтаридагина намоён бўлган бинолар аллақачон кўкка бўй чўзиб, ҳусни жамолини кўз-кўз қилиб турибди-я!

— Буларнинг бари истиқлол шарофати... — деб турибди қалбим тубидан отилиб чиқаётган нидо. — Тошкентда сал кам бир аср яшадинг. Кўрганмидинг бундайин шиддат, бундайин меҳр-ардоқ билан шаҳар қурилишига эътибор берилганини?..

Юнусобод тарафга тик чизикдай кетган йўл бошида бобокалонимиз Амир Темур музейининг нилий гумбази қалбингиз ғуборини ювиб юборгандай кўнглингиз равшан тортади ва сиз: “Қурилиш-ку ўз йўлига-я. Бобокалонимиз номини покизалаб, уни ҳақиқий ўрнига қўйди-ку, истиқлол!” — дейсиз яна қанча-қанча номларни эслайсиз. Ахир истиқлол бизга ҳар турли тухматлар билан тарихимиздан ўчириб ташланган не-не номларни — Имом ал-Бухорий, Аҳмад Яссавий каби алломаларни аввал ўзимизга, қолаверса оламга танитди-я...

Мустақиллигимиз эл-юртга берган қатор эҳсонлардан ташқари, шахсан менга — олтмиш йил муқаддам бедарак йўқолган, кейин маълум бўлишича, мустақиллик учун курашгани учун СССР Давлат сиёсий Бошқармаси — мустабид тузум тарафидан ҳибсга олиниб, отиб юборилган, оёқлари гардини мен кўзимга тўтиё қилишга муштоқ бўлган падари бузрукворимнинг изини топиб берди. Шунга аминманки, агар юртимиз ҳурриятга эришмаганда эди, бу бахтли кун менга насиб қилмас эди. Яна отам изини ҳужжатгоҳлардан излаб, билганларимни жамлаб, китоб ҳолига келтириб чоп этишга имкон берди. Отам босиб ўтган йўл ҳақида

“Истиқлол фидойиси Саид Аҳрорий” деган ҳужжатли фильм яратишни насиб этди. Мана шулар учун ҳам мен ўзимни юрт олдида, мустақиллигимиз олдида бурчли деб биламан. “Мустақиллик менга нима берди?” деб эмас, балки: “Мустақилликни мустаҳкамлаш учун мен нима қилдим?” — деб савол бераман ўзимга. Ва истар эдимки, истиқлол нашидасини сурган ҳар бир фуқаро шундай фикрласа... Уйлайманки, ҳур Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов ният қилганидай, Ўзбекистоннинг келажаги буюк давлат даражасига кўтарилишида ҳар биримизнинг ўз ҳиссамиз бўлишига эришмоғимиз даркор.

ОҚ ҚОҒОЗ, ОППОҚ ҚОҒОЗ...

(Сўнгсўз ўрнида)

Оқ қоғоз!

Сен нимасан?

Ёинки кимсан?

Отамми? Ё онам?

Эсимни танибманки —

Куну тун биламан сени...

Йўлдошим, қўлдошим,

Давлатим, оримдирсен,

Оқ қозоқ! Оппоқ қоғоз!

Оҳ, менинг ёлғизим,

Ғамгузорим маним,

Қимматлигим муштипарим, онам-онагинам...

Шундай ҳам бўлади юзларимни юваман —

Қўлобдек зил қайноқ кўз ёшларим тўкиб

қордек оппоқ бетингга...

Оқ қоғоз! Сен бу дунёда топган давлатим,

Ёп-ёруғ куним, кундуздек равшан ойдин туним...

Сен бўлмасанг ҳолим не кечарди менинг,

Оқ қоғоз!

Агар билсанг эди, мен учун сен дарди ҳасратларим

Жо этадирган тубсиз қудуқсан...

Тилга чиқмаган, ҳеч қачон чиқолмайдиган

Бари аламларим сенга тўкиб солганим учун

Узр, узр, узр...



МУАЛЛИФ ҲАҚИДА

Ижодий фаолиятини 1949 йилда таржимонликдан бошлаган Холида Аҳророва Лев Толстойнинг “Севастополь ҳикоялари”, “Тирилиш” асарлари, Н.В.Гогольнинг “Шинел” асари, В.Короленконинг қатор ҳикоялари, Бальзакнинг “Ушалмаган орзулар” романи, грузин адиби К.Гамсахурдианинг “Ойнинг ўғирланиши” ва “Буюк меъморнинг ўнг қўли” романлари, Галина Николаеванинг “Йўлдаги курашлар”, А.Федоров ва В.Кочетовнинг романлари, Тур-Хейердалнинг “Кон-Тикида саёҳат”, Анатолий Ивановнинг “Соялар чошгоҳда йўқолади” асарларини ўзбек тилига таржима қилган.

Булардан ташқари Холида Аҳророва бадиий фильмларнинг таржимаси борасида ҳам кўп ижод қилган — элликдан ортиқ бадиий фильмлар ўзбек томошабинига унинг таржимасида тақдим этилган. Ўттиз йилдан ортиқ журналистик фаолияти давомида “Саодат” журнали таҳририятида адабий ходим, масъул котиб ва бош муҳаррир ўринбосари вазифасида хизмат қилган Холида Аҳророва “Изларини излайман”, “Сумбул иси” китоблари муаллифи. Сўнгги йиллар мобайнида у ҳукумат махсус комиссияси аъзоси сифатида қатор давлат ҳужжатгоҳларида ўзбек халқининг шўролар тузуми давридаги фожиали тарихини ўрганиб, қатағон қурбонлари бошига тушган мусибатлардан халқимизни огоҳ этиш борасида қалам тебратаётир.

Холида Аҳророванинг журналистика соҳасидаги кўп йиллик хизматлари ҳукуматимиз томонидан “Эл-юрт ҳурмати” медали билан тақдирланган. У “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими”.

Муаллифнинг қўлингиздаги ушбу рисоласида Советлар истибдоди даврида республикамиз мустақиллиги йўлида курашган ва бу мақсад йўлида шаҳид кетган ватандошларимизнинг фожиали қисмати ҳақидаги тадқиқотлари ўрин олган.

Тарихий манбалар асосида битилган ушбу китоб ўқувчиларда мамлакатимиз яқин ўтмишида содир этилган мудҳиш қатағонлар ҳақида батафсил тасаввур ҳосил этиб, уларни элу юрт озодлиги йўлида қурбон бўлган қаҳрамонлар билан таништиради. Барчамизни озод ва ҳур, мустақил Ватан қадрига етишга даъват қилади.

МУНДАРИЖА

Ассалому алайкум, азиз ўқувчим!.....	3
Қизил террор қурбонлари.....	6
Отам Муҳаммад Саид Аҳрорий ким ўзи?.....	16
Жазо.....	22
Отамдан қолган мерос.....	29
Ўттиз уч ёшида отилган эди.....	36
Ҳаётдан умиди катта эди.....	41
Шўри савдолар.....	50
Даҳшат.....	57
Ўлим тегирмони.....	64
Ҳужжатлар тилга кирганда.....	67
Мен миллатчи эмасман.....	70
Маҳмудбойнинг чироғи ёниқ.....	75
Истибдоднинг яна бир қурбони.....	81
Икки дўст — икки саркор.....	88
Қўрғошин булутлар.....	96
Чақноқ кўзлардаги саволлар.....	101
Ўтгани юракдан ўтди.....	110
Нондек азизим, онаизорим маним!.....	117
Истиқлол шарофати.....	123
Оқ қоғоз, оппоқ қоғоз (<i>сўнгсўз ўрнида</i>).....	126
Муаллиф ҳақида.....	127

Ижтимоий-сиёсий нашр

ХОЛИДА АҲРОРОВА

ЎТГАНИ ЮРАҚДАН ЎТДИ

(тарихий очерклар)

Масъул муҳаррир *Абдуқодир Ниёзов*

Муҳаррир *Муҳиддин Омон*

Мусаввир *Хушид Зиёхонов*

Мусахҳиҳ ва компьютерда
саҳифаловчи *Динора Қодирова*

ИБ №25

Босмахонага 24.06.03 берилди. Босишга 25.06.03 рухсат этилди.
Бичими 84x108 ¹/₃₂ Шартли босма табоқ. Нашр табоғи 8,0.
Жами 1000 нусха. Шартнома №199. Буюртма № 72.
Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Тошкент
китоб-журнал фабрикасида чоп этилди. 700194, Тошкент,
Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1-уй.